




**IsDB**  
البنك الإسلامي للتنمية  
Islamic Development Bank



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИХАСИНИНГ  
Б КОМПОНЕНТИ: МУҲАНДИСЛИК ХИЗМАТЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИ  
БОШҚАРИШДА САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ

# МАҲАЛЛАНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

2023 | Июнь







ИСЛОМ ТАРАҚИЁТ БАНКИ  
ОПЕК ХАЛҚАРО ТАРАҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАРАҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИХАСИНИНГ  
Б КОМПОНЕНТИ: МУҲАНДИСЛИК ХИЗМАТЛАРИ  
ВА ИНФРАТУЗИЛМАНИ БОШҚАРИШДА САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ

# Маҳаллани комплекс ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш бўйича қўлланма

2023 йил, июнь

**Лойиҳа раҳбари:** Бахтиёр Сайфитдинов

**Тадқиқот координатори:** Нодирбек Бўриев

**Халқаро маслаҳатчи:** Дайс Груберте (Dace Gruberte)

**Боғланиш учун:**

БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси 4-уй

[policybrief@undp.org](mailto:policybrief@undp.org)

[www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org)

Тел.: (998 78) 120 34 50

(998 78) 120 61 67

Факс: (998 78) 120 34 85

Ушбу қўлланма Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси молиявий кўмагида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш қўшма лойиҳасининг “Муҳандислик хизматлари ва инфратузилмани бошқаришда салоҳиятни ошириш” номли Б компоненти доирасида ишлаб чиқилган.

Унда келтирилган қарашлар ва хулосалар фақатгина ҳисобот муаллифларининг нуқтаи назарлари ҳисобланиб, улар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси расмий ёндашуви билан мос келмаслиги мумкин.

# МУНДАРИЖА

<b>ҚИСҚАРТМАЛАР</b> .....	<b>5</b>
<b>1   КИРИШ</b> .....	<b>6</b>
1.1. Қўланманинг мақсади .....	8
1.2. Қўлланиш кўлами .....	8
1.3. Қўланманинг тузилмаси .....	8
1.4. Атамалар .....	9
<b>2   МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.</b> .....	<b>10</b>
2.1. Дастурий ёндашув .....	11
2.2. “Пастдан юқорига” ёндашув .....	13
2.3. Пропорционал вакиллик .....	14
2.4. Ўрта ва узоқ муддатли ривожланишни прогноз қилиш .....	16
2.5. Инвестицияларга соҳавий ёндашув .....	17
2.6. Қўшни ҳудудлар билан ҳамкорлик .....	20
2.7. Миллий ва субмиллий ривожланиш режаларига мувофиқлик .....	21
2.8. Бюджетни режалаштириш жараёнига асосланиш .....	22
2.9. Инвестициялар барқарорлиги .....	23
<b>3   ФАСИЛИТАЦИЯНИНГ РОЛИ ВА ИШ ПРИНЦИПЛАРИ</b> .....	<b>26</b>
3.1. Бетарафлик .....	27
3.2. Жамоатчиликни жалб қилиш .....	28
3.3. Жавоб бериш ўрнига саволлар бериш .....	30
3.4. Фасилитаторларнинг малакаси .....	31
3.5. МРР ишлаб чиқиш воситаларидан қандай фойдаланишни билади .....	32
<b>4   МРР ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ УСУЛЛАР ВА ВОСИТАЛАР</b> .....	<b>35</b>
4.1. Ҳужжатларни текшириб чиқиш .....	36
4.2. Учрашувлар .....	37
4.3. Визуал кузатувлар .....	38
4.4. Жамоатчиликни сафарбар қилиш бўйича семинар .....	38
4.5. МРР ишлаб чиқишдаги воситалар .....	38
<b>5   МРРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ</b> .....	<b>41</b>
0-босқич: Тайёргарлик .....	43
1-суб-босқич: Фасилитация ва қўллаб-қувватлаш гуруҳини сафарбар қилиш .....	43
2-суб-босқич: Мавжуд ресурслар кўламини аниқлаш .....	44
3-суб-босқич: Иш жадвали ва ишни қандай ташкил қилишни аниқлаш .....	45

1-босқич: Вилоят ва туман хокимиятлари учун МРР концепциясининг тақдимоти . . . . .	47
1-суб-босқич: Учрашувга тайёргарлик . . . . .	47
2-суб-босқич: Йиғилишлар ўтказиш . . . . .	48
2-босқич: Туман ишчи гуруҳини тузиш . . . . .	49
1-суб-босқич: Ишчи гуруҳини шакллантириш . . . . .	50
3-босқич: Маҳалла тўғрисида маълумотлар тўплаш . . . . .	50
1-суб-босқич: Статистик ва жойга оид маълумотларни тўплаш . . . . .	51
2-суб-босқич: Тартиб-қоидаларга оид маълумотларни йиғиш . . . . .	52
4-босқич: Жамоатчиликни сафарбар қилиш бўйича семинар . . . . .	53
1-суб-босқич: Мунозарага таклиф . . . . .	53
2-суб-босқич: Ривожланиш муаммоларини аниқлаш . . . . .	56
3-суб-босқич: Устувор жиҳатларни овога қўйиш . . . . .	57
4-суб-босқич: Ташаббус гуруҳини шакллантириш . . . . .	58
5-босқич: Ташаббус гуруҳи билан ечимлар топиш . . . . .	59
1-суб-босқич: Учрашувга тайёргарлик . . . . .	59
2-суб-босқич: Йиғилиш ўтказиш . . . . .	61
6-босқич: Визуал ва техник текширув . . . . .	61
1-суб-босқич: Ривожланишнинг устувор йўналишлари сифатида таклиф қилинган объектларни текшириш . . . . .	62
2-суб-босқич: Муқобил ечимларни аниқлаш . . . . .	63
3-суб-босқич: Муқобил ечимлар учун харажатлар ва уларнинг таъсирни баҳолаш . . . . .	64
7-босқич: Туман ишчи гуруҳи билан техник мувофиқлаштириш . . . . .	65
1-суб-босқич: Учрашувларга тайёргарлик . . . . .	65
2-суб-босқич: Йиғилишлар ўтказиш . . . . .	66
8-босқич: МРРни ишлаб чиқиш . . . . .	67
1-суб-босқич: МРРнинг стратегик қисмини ишлаб чиқиш . . . . .	68
2-суб-босқич: МРРнинг амалий қисмини ишлаб чиқиш . . . . .	83
9-босқич: МРРни маҳаллага ва туман ишчи гуруҳига тақдимотини ўтказиш . . . . .	87
1-суб-босқич: Учрашувларга тайёргарлик . . . . .	88
2-суб-босқич: Йиғилишни ўтказиш . . . . .	89
10-босқич: МРР ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш . . . . .	90
1-суб-босқич: МРР ижросини мониторинг қилиш . . . . .	91
2-суб-босқич: МРР ижросини баҳолаш . . . . .	94
11-босқич: МРРни мунтазам кўриб чиқиш ва янгилаш . . . . .	95
1-суб-босқич: МРРнинг стратегик қисмини кўриб чиқиш . . . . .	96
2-суб-босқич: МРРнинг амалий қисмини кўриб чиқиш . . . . .	97

**ИЛОВАЛАР . . . . .100**

1-илова: МРРни ишлаб чиқиш жараёнини амалга ошириш учун ҳаракатлар рўйхати . . . . .	101
2-илова: Ижтимоий-иқтисодий таҳлил учун тавсия қилинган маълумотлар . . . . .	102
3-илова: МРР намунаси (мундарижаси) . . . . .	103

# ҚИСҚАРТМАЛАР

<b>МРР</b>	Маҳаллани ривожлантириш режаси
<b>ИР</b>	Инсон ресурслари (кадрлар)
<b>АТ</b>	Ахборот технологиялари
<b>ИТБ</b>	Ислон тараққиёт банки
<b>ННТ</b>	Нодавлат нотижорат ташкилоти
<b>ОПЕК</b>	Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти
<b>БМТ</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
<b>БМТТД</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури
<b>ЖБ</b>	Жаҳон банки

# 1 | КИРИШ







2022 йилнинг август ойида Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси молиявий кўмагида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш қўшма лойиҳасининг (кейинги ўринларда “Лойиҳа” деб юритилади) “Муҳандислик хизматлари ва инфратузилмани бошқаришда салоҳиятни ошириш” номли «Б» компоненти ишга туширилди. Бу Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўшма ташаббуси бўлиб, Ислом тараққиёт банки (кейинги ўринларда “ИТБ” деб юритилади) ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси молиявий кўмагида қишлоқ аҳолиси учун қулай шароит яратиш ва уларнинг асосий инфратузилма, ижтимоий ва иқтисодий хизматлардан, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълимдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Бу Лойиҳанинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ жойларидаги маҳаллий маҳаллааҳолининг ўз эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларни намойиш этиш салоҳиятини кучайтириш;
- маҳаллий архитектура ва лойиҳа институтлари ва ҳудудий қурилиш бошқармалари вакилларини тайёрлаш;
- гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда инновацион IT-ечимлар ва рақамли трансформацияни амалга ошириш учун қурилиш сектори ва архитектура-дизайн мутахассислари салоҳиятини ошириш;
- барқарор инфратузилмани таъминлаш учун қарорлар қабул қилиш жараёнларига маҳаллий маҳаллааҳолини жалб қилиш.

Мазкур Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларининг 20 та туманидаги 170 та маҳалла фуқаролар йиғинида йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, электр таъминоти тизимини яхшилаш, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари каби ижтимоий объектларни қуриш ва реконструкция қилишда ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни қўллаш орқали 710 000 мингга яқин аҳолининг турмуш даражасини оширишни мақсад қилади.

Ҳар бир маҳалла томонидан танланган суб-лойиҳа қуйидаги асосий мақсадларга эришиши зарур:

- шу маҳаллааҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- маҳалла аҳолиси учун даромад олиш имкониятларини яратиш.

Бундан ташқари, 30% дан ортиқ аёллар/ёшлар иштирок этган жамоаларда ва маҳаллий муассасаларда салоҳиятни ошириш тадбирлари орқали 10 000 га яқин киши ўқитилиши режалаштирилган.

Маҳаллани ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш бўйича қўлланма (кейинги ўринларда – МРР қўлланмаси) ИТБ лойиҳаси томонидан қўллаб-қувватланади ва МРРларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

## 1.1. ҚЎЛАНМАНИНГ МАҚСАДИ

МРР қўлланмасининг асосий мақсади манфаатдор томонларга ёрдам бериш ва “пастан юқорига” ёндашувни татбиқ қилиш ҳамда маҳаллий маҳаллани жалб қилиш орқали муайян ҳудудни дастур асосида, интеграциялашган ва истиқболли ривожлантириш ҳужжатини яратиш учун МРРни ишлаб чиқиш жараёнида йўриқнома бўлиб хизмат қилишдир.

МРР қўлланмаси қуйидаги амалий мақсадларни амалга оширишга кўмаклашади:

- МРРни ишлаб чиқиш жараёнида маҳаллий фасилитаторлар, жамоатчилик ташаббус гуруҳи ва бошқа манфаатдор томонларга йўриқнома бўлиб хизмат қилади;
- МРРни амалга ошириш учун восита бўлиб хизмат қилувчи суб-лойиҳалар учун тезкор маълумотларни тайёрлайди.

## 1.2. ҚЎЛЛАНИШ КЎЛАМИ

Ушбу МРР қўлланмасининг асосий аудиторияси Ўзбекистоннинг қишлоқ ва маҳаллари ҳамда МРРларни ишлаб чиқишда ҳаммаҳаллалар, яъни аҳоли яшаш ҳудудлари, маҳаллалар ва шу каби аҳоли пунктларига ёрдам берувчи маҳаллий фасилитаторлардир. МРР қўлланмасидан дастлабки МРРни ишлаб чиқиш ва МРРни янгилаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу қўлланмадан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, халқаро донорлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг маҳаллаларини ривожлантириш ёндашувларини амалга оширишларида фойдаланишлари мумкин.

## 1.3. ҚЎЛЛАНМАНИНГ ТУЗИЛМАСИ

МРР қўлланмаси тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- Кириш қисмида ушбу қўлланманинг умумий мақсади, кўлами ва қўлланилиши, шунингдек атамалар ўрин олган;
- Маҳаллани ривожлантиришни режалаштириш тамойиллари тўғрисидаги боб;

- Фасилитациянинг роли ва иш принциплари тўғрисидаги боб;
- МРР ишлаб чиқишдаги усуллар ва воситалар тўғрисидаги боб, унда маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда тегишли усуллар ва воситаларни қўллаш умумлаштирилади;
- Жараённинг босқичларини тавсифловчи МРРни ишлаб чиқиш тўғрисидаги боб.

## 1.4. АТАМАЛАР

<b>МРР</b>	Маҳаллани ривожлантириш режаси: “пастдан юқорига” ёндашувни татбиқ қилиш ҳамда маҳаллий маҳаллааҳолини жалб қилиш орқали муайян ҳудудни дастур асосида, комплекс ва истиқболли ривожлантириш бўйича ҳужжат
<b>МРР ишлаб чиқиш</b>	Барча дастур даврини қамраб олувчи ва асосий элементлари маҳаллий маҳаллааҳолини жалб қилиш ва “пастдан юқорига” ёндашув бўлган маҳалла учун МРРни ишлаб чиқиш жараёни.
<b>Маҳаллий ҳаммаҳалла</b>	Ҳудуди МРРни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган муайян маъмурий ҳудудда яшовчи маҳалланингмаҳалла умумий аҳолиси
<b>Ташаббускор гуруҳ</b>	пропорционал вакиллик тамойили асосида маҳаллий аҳоли вакиллари орасидан танланган маҳаллаМРРни ишлаб чиқишда маслаҳатчи ва ишчи гуруҳ вазифасини бажарувчи гуруҳ.
<b>ИТБ</b>	Ислон тараққиёт банки, Ўзбекистоннинг ривожланиш бўйича ҳамкори ва молиявий донори бўлиб, «Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш» лойиҳаси доирасида МРРларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.
<b>Фасилитаторлар</b>	Умумий МРРни ишлаб чиқиш жараёнини ташкил қилиш, манфаатдор томонларни жалб қилиш, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнини амалга ошириш орқали маҳаллагамаҳалла МРРни ишлаб чиқишда ёрдам берувчи, махсус тренингларида иштирок этган мутахассислар;
<b>ЛАОГ</b>	Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг лойиҳани амалга ошириш бўйича гуруҳи, унинг асосий вазифалари МРР ва унинг суб-лоийҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш билан боғлиқдир
<b>Туман ишчи гуруҳи</b>	Манфаатдор давлат ҳокимияти органлари вакиллари – давлат инфратузилмаси объектлари эгалари, ҳудудни ривожлантириш бўйича вакилларни ўз ичига олган ишчи орган
<b>Ижтимоий инфратузилма</b>	Умумий фойдаланишдаги ҳар қандай инфратузилма объекти ёки давлат ҳокимияти органларининг мулки бўлган фойдаланиши чекланган инфратузилма объекти. Ушбу ҳужжатнинг мақсадлари учун ижтимоий инфратузилмаси давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ускуналарни ҳам ўз ичига олиши мумкин.
<b>Ривожланиш муаммолари</b>	МРРда кўриб чиқилаётган маҳалла вакиллари томонидан аниқланган муаммо ва масалалар
<b>Суб-лоийҳа</b>	Аниқланган муаммоларнинг муайян мақсад, тадбирлар, бюджет, амалга ошириш тартибларига эга бўлган амалий ечимлар тузилмаси (кичик лойиҳаси)

# 2 | МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



Ушбу боб МРРни ишлаб чиқиш ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий тамойилларни умумлаштириши баробарида ўша тамойилларни талқин қилиш ва тўғри қўллаш бўйича тўлиқ изоҳларни ҳам ўз ичига олади.

## 2.1. ДАСТУРИЙ ЁНДАШУВ

Худудни ривожлантириш кўпинча ҳудудий ривожланишнинг комплекс дастурлари орқали режалаштирилади. Энг яхши халқаро амалиётда у индивидуал лойиҳаларга асосланган ёндашув билан солиштирганда устувор вариант сифатида қабул қилинади.

Дастур – маълум бир стратегик мақсадга йўналтирилган ва белгиланган натижаларни кўзловчи, бюджет тизими, амалга ошириш, мониторинг қилиш, ҳисобот бериш ва баҳолаш тадбирларини ўз ичига олган мувофиқлаштирилган тадбирлар мажмуидир. Шу тарзда, дастур концепцияси кўлами оддий лойиҳалар тўпламидан кенгроқ бўлиб, у умумий мақсад ва натижаларга, шунингдек, дастур даври билан боғлиқ жараёнлар ва тадбирларни ҳам ўз ичига олиши зарур.

Ривожланишни режалаштиришда дастурий ёндашув, одатда, ривожланишнинг умумий стратегияси ва мақсадларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, у худудни ривожлантириш учун муҳим бўлган ва маълум вақт ичида дастур орқали ҳал қилиниши керак бўлган асосий устувор йўналишларни / тармоқларни аниқлашда муҳим ўрин тутади. Бундан фарқли ўлароқ, лойиҳага асосланган ёндашув ҳал қилиниши керак бўлган асосий муҳим тадбирларни аниқлаш, уларни мақсадлари, бюджети



ва амалга ошириш қоидаларига эга ягона лойиҳа сифатида бошқариш ва амалга оширишга олиб келади.

Маҳаллани ривожлантириш узоқ муддатли жараён бўлиб, у аниқ мақсадлар, қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар, бутун истиқболни қамраб олувчи бюджет тизими ва шу каби ҳаракатларни талаб қилади. Дастурий ёндашув узоқ муддатли режалаштириш имконини бериши билан бирга, алоҳида лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга асосий эътибор қаратилган ёндашувни эмас, балки стратегия ва ҳаракатларнинг зарурий мураккаблиги, молиявий базанинг умумийлиги ва мослашувчанлигини таъминлайди.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Тушунтириш
<b>Мақсад вазифалар</b>	<p>Дастурнинг умумий мақсадларида дастурни амалга ошириш орқали эришиладиган мақсадлар кўрсатилиши керак бўлади.</p> <p>Дастурда мақсадлар рўйхати (одатда, 1 та умумий мақсад ва 3-5 та алоҳида мақсадлар) ва вазифалар (жорий даражаларга эга 5-10 та индикатор ва келажакда маълум бир вақтдаги керакли даражалар) ўрин олиши зарур.</p> <p>Ушбу элементлар дастур доирасидаги барча ҳаракатлар учун умумий йўналишни таъминлайди ва ҳар қандай ҳаракатнинг долзарблиги мезонлари бўлиб хизмат қилади.</p>
<b>Ягона таянч стратегия</b>	<p>Олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун ҳудуднинг ҳозирги кучли ва заиф жиҳатлари, келажакдаги салоҳияти ва хавф-хатарларининг изчил, яхлит ва мувофиқлаштирилган кўринишини акс эттирувчи ҳужжат яратилиши керак.</p> <p>У мақсад ва вазифаларга эришиш учун ёндашувни белгилайди, шунингдек, ушбу мақсад ва вазифаларга эришиш эҳтимол қанчалик эканлигини текширади.</p>
<b>Дастур даражасидаги бюджет тузилмаси</b>	<p>Дастурнинг ўз қутилмалари, мақсад ва вазифаларига эришиши ишонарли бўлиши учун у, асосан, молиявий ресурслар борасида аниқ тушунчага эга бўлиши лозим.</p> <p>Молиялаштиришнинг барча манбалари умумий бюджетга киритилиши ва имкон қадар, дастурнинг тахминий харажатларини ҳам аниқ кўрсатиб ўтиш зарур.</p>
<b>Амалга оширишнинг умумий асослари ва тартиблари</b>	<p>Дастурга эришиш салоҳиятига эга бўлиш учун МРРда ўша дастурни амалга оширишнинг барча босқичларини тавсифловчи тегишли боби ва ҳар бир босқич учун масъул органлар – ёки ҳеч бўлмаганда муайян ҳаракатлар (ёки инвестициялар ёки суб-лойиҳа) бўйича қарор қабул қилиниши керак бўлган масъул органларни аниқлаш усули бўлиши керак.</p> <p>Керакли чора-тадбирлар амалга оширилмаса, ҳар бир ҳаракат ҳар сафар гўё янгидан бошланади ва натижада вақт ва ресурсларни беҳуда сарфлаш ва хатолар учун имконият яратади.</p>

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Тушунтириш
Умумий мониторинг ва баҳолаш тизими, тегишли тартиблар	<p>Дастур муаллифи/эгаси (ва ИТБ каби молиячилар учун) дастурнинг муваффақиятини билиши учун мониторинг механизмлари ўрнатилиши зарур.</p> <p>Кўпинча, мониторинг жуда кеч, яъни дастур амалга ошириш пайтида бошланади: бу пайтга келиб, вазият ўзгарган, аралашувдан олдинги шароитлар ҳақида эса, маълумот мавжуд бўлмайди. Шу сабабли, дастур/ МРРни ишлаб чиқиш жараёнида мониторинг тадбирлари белгиланиши ва у ўз фаолиятини бошлаши зарур.</p> <p>Амалга ошириш натижалари, унумдорлик, самарадорлик ва ҳоказоларни баҳолаш учун аҳамиятли жорий ёки амалий баҳолаш фақат сифатли мониторинг маълумотлари мавжуд бўлганда амалга оширилади, шунинг учун мониторинг дастурлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.</p>

## 2.2. “ПАСТДАН ЮҚОРИГА” ЁНДАШУВ

МРРни ишлаб чиқиш биргаликда амалга ошириладиган жараён бўлиб, унда фасилитаторлар маҳаллаларга уларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилишда ҳамда уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлашда кўмаклашадилар. Мазий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳаллий ривожланишга сезиларли таъсир кўрсатиши турган гап, аммо улар ўз ваколатлари доирасида қолиши ва фуқароларга маҳаллий даражада муҳим қарорлар қабул қилишига имкон беришлари зарур.

Шунинг учун маҳалла аъзолари ўз ҳаётига бевосита дахлдор бўлган қарорларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги МРРнинг муҳим тамойили саналади. Бу нафақат демократия гоёлари билан таъминланади, балки МРР жараёнининг сифатини яхшилайтиди:

- Фуқаролар маҳаллий шарт-шароитларни билишлари, эҳтиёжларни аниқлай олишлари ва уларни ҳал қилиш йўллари топа олиш имкониятлари орқали МРР жараёнининг аҳамиятини оширадилар;
- Тенг ҳуқуқли иштирок этиш жараёни, шунингдек, муаммоларни ҳал қилиш ва муҳокама қилишнинг ҳамкорлик стратегиялари орқали маҳалла аҳолиси ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди;
- Маҳалла аҳолисининг иштироки ва ўзаро ишончи, мониторинг қисман маҳалла томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган босқичда ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин.

Иштирок этиш жараёни муваффақиятли бўлиши учун қуйидаги тамойилда таърифланганидек, тенг ҳуқуқли иштирок этишга катта эътибор бериш лозим.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Тушунтириш
Ташаббус фуқаролар томонидан кўтарилади	<p>Маҳалла фуқаролари ўша жойда яшашлари сабабли, улар фасилитаторлар, Лойиҳанинг бошқа экспертлари ёки туман, маҳаллий ёки давлат ҳокимияти органлари вакилларида кўра ўз маълумотга эга эканлигини тушуниш муҳимдир.</p> <p>МРРни тузиш жараёнининг роли уларга ушбу маълумотларни топиш ҳамда уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазияти ҳақида энг мазмунли тушунчаларни танлаш имконини беришдир. Инвестицияларни таҳлил қилиш ва уларнинг устуворлигини белгилашдан фарқли ўлароқ, фасилитация маҳалла аъзоларининг ўзларига ўзлари ёрдам беришларига имкон беради.</p>
Фуқароларнинг эҳтиёжлари – диққат марказида	<p>Ҳар қандай таҳлилий ёки афзал саналувчи ишлар маҳалла аъзоларининг эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур – улар фасилитаторлар ёрдамида эҳтиёжлар, имкониятлар ва инвестиция устуворликларини аниқлашлари ва текширишлари зарур.</p> <p>Фасилитаторлар ва лойиҳанинг бошқа мутахассислари таҳлил ёки танлов жараёнига таъсир қилмаслик учун эҳтиёт бўлишлари керак.</p>
Фуқаролар инвестицияларга устувор аҳамият беришади	<p>Худди шундай, устуворликларни аниқлаш босқичида маҳалла аъзолари етакчи ролга эга бўлиши ва фасилитаторлар ёки энг яхши халқаро амалиёт таъсирига тушмасликлари керак.</p> <p>Экологик эҳтиёжлар бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин. Агар бу эҳтиёжлар маҳалла вакиллари томонидан аниқланмаса, улар фасилитаторлар томонидан топилиши мумкин. Аммо, агар маҳалла атроф-муҳитга бўлган эҳтиёжни тан олмаса ва ўз инвестицияларини бошқа соҳаларга йўналтиришни афзал кўрса, Лойиҳа ва фасилитаторлар маҳалланинг танловини ҳурмат қилишлари лозим бўлади.</p>

### 2.3. ПРОПОРЦИОНАЛ ВАКИЛЛИК

Тенглик – барча одамларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларидир. Ҳеч ким жинси, ёши ёки бошқа жиҳатларига кўра камситилмаслиги зарур. Гендер тенглик ва инклюзивлик ўз-ўзидан ҳамма жойда шарт бўлиб, улар барқарор ривожланиш учун ҳам муҳим ва қашшоқликка барҳам беришнинг зарурий шартлари ҳисобланади.

Пропорционал вакиллик деганда аҳолининг кичик гуруҳлари қарор қабул қилишда ёки бошқа жараёнда мутаносиб равишда акс эттириладиган вакиллик тури тушунилади. Бу маҳалладаги аҳолининг хилма-хиллигини ўзининг микро-моделли (яъни, бошқариладиган вакиллар гуруҳи) билан ишлашнинг бир усули бўлиб, унда вакиллик қилиши керак бўлган барча гуруҳларнинг хусусиятлари ва ва потенциал фикрларини йўқотмаган ҳолда, жараёни давом эттиришга имкон беради.

Маҳалла аҳолисининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: жинси, ёши, маълумоти, ишчи кучининг ҳолати, этник келиб чиқиши, шунингдек яшаш жойи. Бу,



шунингдек, суб-лойиҳалар ва ташаббус гуруҳларини ташкил қилишда маҳалла микро-моделининг хусусиятларини аниқлаш учун кириш бўлиши мумкин.

Ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш учун таклиф этилган аҳоли ва ташаббус гуруҳи таркиби нуқтаи назаридан, пропорционал вакиллик адолатли вакилликнинг синоними сифатида кўриб чиқиши мумкин, чунки танланган маҳалла аъзоларининг рисоладагидек таркиби МРР бўйича қарорларга бевосита таъсир қилади.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Хусусиятлари</b>	<p>Вакиллик қилинадиган гуруҳларни аниқлашда эътибор қаратилиши керак бўлган асосий хусусиятлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ёши,</li> <li>• Жинси,</li> <li>• Маълумоти,</li> <li>• Бандлик ҳолати,</li> <li>• Яшаш жойи.</li> </ul> <p>Маҳалланинг ҳар қандай вакиллигини (ташаббускор гуруҳ, маҳалла йиғилиши ёки бошқа ҳар қандай вакиллик) тузишда буларни ҳисобга олиш зарур. Битта одам кўп гуруҳларга тушиши мумкин ва уларнинг барчасидан вакил сифатида кўриб чиқиши мумкин, лекин барча асосий гуруҳлар таркибида мақбул тарзда вакилликни таъминлаш учун мувозанат сақлаш омили ҳам муҳимдир.</p>
<b>Маҳаллалардаги гуруҳларнинг фикрларини эшитиш</b>	<p>Баъзи гуруҳларнинг вакиллари табиийки, муҳимроқ, ишончлироқ, бўлиб, уларга кўпроқ эътибор берилади. Бу маданий ёки тарихий сабабларга асосан бўлиши мумкин.</p> <p>МРР тузиш жараёни маданий ва тарихий анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак бўлса-да, барча гуруҳлар ўз овозига эга бўлиши зарур ва буни таъминлаш фасилитаторларнинг вазифаси бўлиб, унча фаол бўлмаган гуруҳларга фикр билдириш ёки тўғридан-тўғри очиқ саволлар бериш орқали буни амалга ошириш мумкин.</p>
<b>Фақат битта гуруҳни қўллаб-қувватлашдан қочиш</b>	<p>Маҳаллада маълум бир гуруҳнинг устуворлигининг амалий натижаси сифатида таҳлил ва қўллаб-қувватлашнинг ушбу кучлироқ гуруҳ эҳтиёжларига қаратилиши, бошқа эҳтиёжларнинг эътиборсиз қолдирилиши каби мисолларни кўрсатиш мумкин.</p> <p>Шуни ёдда тутиш керакки, ўта овоза қилиш орқали илгари сурилган эҳтиёжлар бутун маҳалла ривожланиши учун энг муҳим эҳтиёжлар бўлмаслиги мумкин.</p>
<b>Энг муҳим эҳтиёжларни аниқлаш</b>	<p>Камроқ эшитиладиган фуқаролар гуруҳларининг фикрини эшитиш кенгроқ ривожланиш эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш ва уларга устуворлик бериш имконини бериши мумкин. Бенефициарлар сони (мақсадли гуруҳнинг катта-кичиклиги) ҳам маҳалла эҳтиёжларини танлаш учун асосий мезонлардан биридир.</p> <p>Ташқаридан қараганда бу нарса фасилитатор ва ташаббускор гуруҳларига кўпроқ иш юклаганини келтириб чиқарса-да, бу янада мустаҳкам МРР ва устувор инвестициялар/ қўшимча лойиҳаларнинг яхшироқ асосланган рўйхатининг тузилишига сабаб бўлиши мумкин.</p>

## 2.4. ЎРТА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили атроф-муҳит таҳлили каби ҳар қандай ҳудудий ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисмидир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даромадлар, тадбиркорлик, умр кўриш давомийлиги, саводхонлик, бандлик даражаси ва бошқалар каби кўрсаткичлар орқали ўлчанади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили ривожланиш эҳтиёжларини асослаш учун муҳим маълумотларни тақдим этади.

Худди шундай, экологик таҳлил унинг асосий кўрсаткичларига асосланади ва МРР тузиш жараёни томонидан ҳал қилиниши керак бўлган ривожланиш эҳтиёжлари тўпламини ҳосил қилади.

Ушбу иккала таҳлил соҳаси ҳам МРР тузиш жараёнида келажак омилини ҳисобга олган бўлиши зарур. Режалаштириш жараёнида ўрта ва узоқ муддатли вазият, эҳтиёжлар ва қонуний талабларни олдиндан чамалай билиш зарур. Баъзи прогноз компонентлари мавжуд ривожланиш тенденцияларининг экстраполяцияси бўлиши мумкин, баъзилари келажакдаги эҳтиёжлар камроқ кўзда тутилган прогноздан келиб чиқиши мумкин, аммо буларнинг барчаси ташаббус гуруҳи ва туман даражасидаги ишчи гуруҳ доирасида аниқланиши ва текширилиши шарт.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
Вақт бўйича чегаралашлар	<p>МРРда муддатлар аниқ кўрсатилиши зарур, яъни МРРни ишлаб чиқишда у қанча вақтда амалга оширилиши аниқ бўлиши керак ва МРРнинг ушбу босқичидан кейин нималар қилиниши зарурлиги (янги МРР, туман даражасидаги режа ёки ҳеч нарса бўлмаслиги) ҳақида аниқлик киритилиши зарур.</p> <p>МРРнинг ишончлилиги ва барқарорлиги ҳақидаги ушбу маълумот энг муҳим инвестиция ва ривожланиш эҳтиёжларини аниқлашда ва улар орасида устуворликларни белгилашда фойдали бўлади.</p>
Келажак учун ривожлантиришни режалаштириш	<p>МРРни ишлаб чиқишда муддатларни ҳисобга олиш, эҳтиёжлар бўйича устувор жиҳатларни таклиф қилиш ва аниқлаш муҳим саналади, чунки улар МРР лойиҳасини ишлаб чиқиш вақтида эмас, МРР инвестицияларини яқунлаш вақтида юзага чиқади.</p> <p>Баъзи ҳудудларда эҳтиёжлар кўлами ўсиб бориши (масалан, ижобий демографик тенденциялар туфайли мактабларда 5 йил ичида бугунгидан кўра кўпроқ ўқувчилар ўрнига эҳтиёж сезилиши мумкин), баъзи бошқа эҳтиёжлар камайиши мумкин (масалан, масофавий ишлаш ва ўқиш жамоат транспортига бўлган талабни камайтириши мумкин).</p> <p>МРР ва унинг суб-лойиҳалари нафақат ҳозирги эҳтиёжлар даражасини, балки келажакдаги эҳтиёжларни ҳам қаноатлантириши зарур.</p>
Ҳозирги тенденцияларнинг экстраполяцияси	<p>Таҳлил ва эҳтиёжларни прогноз қилишнинг энг оддий ечими мавжуд тенденцияларни экстраполяция қилишдир. Сўнги бир неча йил ичида ҳар қандай кўрсаткич бўйича маълумотларни олиб, кейинги 5 ёки 10 йилга экстраполяция қилинган тенденцияни яратиш мумкин.</p> <p>Бу усул баъзи соҳаларда (демография) ишончлироқ, бошқаларида эса унчалик ишончли бўлмаслиги (савдо баланси) мумкин, аммо агар таҳлилчи (аналитик-мутахассис) унинг чекловларини тушунса, фойдаланиш мумкин.</p>

**Мураккаб прогнозли  
ечимлар**

Мураккаброқ ечимлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзгаришларнинг энг муҳим омилларини аниқлаш учун тармоқнинг иқтисодий ва экологик таъсирини чуқур таҳлил қилиш;
- Маҳалла, туман ва ҳудудлардаги асосий иқтисодий субъектларни микродаражада таҳлил қилиш;
- Келажакдаги устувор жиҳатлар ва талабларни прогноз қилиш учун ҳуқуқий ва сиёсий базани таҳлил қилиш;
- ва бошқалар.

## 2.5. ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА СОҲАВИЙ ЁНДАШУВ

Давлат инвестициялари кўпинча инвестициялар туридан ёки инвестициялар амалга оширилаётган иқтисодий ёки сиёсий соҳадан қатъи назар, гуруҳланади. Бу эҳтиёжларни аниқлаш, ечимларни шакллантириш ва молиялаштириш манбаларини жалб қилишда унчалик мақбул бўлмаган умумий ёндашувга олиб келиши мумкин.

Ушбу ишга аниқроқ ёндашиш тавсия этилади. Инвестициялар йўналишларини/соҳаларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда устувор тармоқлар бўйича ривожлантиришни режалаштириш таклиф этилади. Буни асосий ривожланиш муаммоларини аниқлаш ёки энг муҳим иқтисодий/бандлик тармоқларини аниқлаш орқали аниқлаш мумкин.

Таҳлил қилиш учун энг муҳим соҳаларни аниқлаш таҳлилга кўпроқ йўналтирилган ёндашувни таъминлаш учун зарур бўлиб, у қуйидаги босқичларда ўтказилиши зарур: муқобил ечимларни танлаш, суб-лойиҳасуб-лойиҳаларни ишлаб чиқиш, инвестициялардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва тегишли мақсадли гуруҳларни аниқлаш, аниқ эҳтиёжларни молиялаштириш учун энг мос ва рағбатлантириши мумкин бўлган молиялаштириш манбасини мақсадли белгилаш.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Таҳлил қилинадиган асосий соҳаларни аниқлаш</b>	<p>Асосий соҳаларни аниқлаш кучли ва заиф томонларни таҳлил қилиш орқали ташкил этилиши мумкин. Иккала ёндашув ҳам, одатда, шунга мос келади ва кўпинча, биргаликда муваффақиятли ишлайди.</p> <p>Кучли жиҳатлар деганда иқтисодиётнинг мавжуд яхши даромад келитрувчи тармоқлари (қишлоқ хўжалиги ёки тоғ-кон саноати) ёки табиий захираларни (сувли-ботқоқ ерлар, дарёлар, конлар) тушуниш мумкин – буларнинг барчаси асосий сиёсат соҳаси ёки иқтисодиёт соҳасига яқинроқ қарашни асослаши мумкин.</p> <p>Шунингдек, заиф жиҳатлар сирасига муаммоли экологик вазият, ишсизликнинг юқори даражаси, айрим касалликларнинг нисбатан юқори даражаси, табиий шароитлар ёки ҳуқуқий муҳит туфайли айрим иқтисодиёт тармоқларининг ёмонлашиши кабиларни киритиш мумкин – буларнинг барчаси тегишли сиёсат соҳалари ва иқтисодиёт тармоқларини чуқур таҳлил қилишни талаб этади.</p>
<b>Энг муҳим соҳаларни чуқур таҳлил қилиш:</b>	<p>Энг муҳим соҳалар ва сиёсат соҳалари аниқлангандан сўнг, энг мақбул таҳлил воситалари ва муайян соҳага тегишли маълумотлардан фойдаланган ҳолдашу эҳтиёжларни чуқур таҳлил қилиш лозим бўлади ва бу таҳлиллар қуйидагилардир:</p>

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
- Иқтисодий таҳлил	<p>Иқтисодий таҳлил анъанавий иқтисодий кўрсаткичларга қаратилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ЯИМ ёки солиққа тортиладиган савдо тушуми кўринишидаги якуний маҳсулот,</li> <li>• Кўшилган қиймат ёки бошқа рентабеллик кўрсаткичлари,</li> <li>• Солиқ турлари бўйича солиқ тушумларининг даражалари,</li> <li>• Бандлик ва меҳнат бозорида иштирок этишнинг умумий кўрсаткичлари,</li> <li>• Инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар,</li> <li>• Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги ёки халқаро савдо айланмалари.</li> </ul>
- Ижтимоий таҳлил	<p>Ижтимоий таҳлил ижтимоий муаммоларга қаратилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳолининг жинси, ёши, маълумоти ва бандлик ҳолати бўйича таркиби;</li> <li>• Демографик хусусиятлар ва ижтимоий ёрдам кўрсаткичлари,</li> <li>• Саломатлик ҳолати, шу жумладан жорий ҳолати ва узоқ муддатли тенденциялари,</li> <li>• Туғилиш кўрсаткичлари, шунингдек, оила тузилмалари тўғрисидаги маълумотлар,</li> <li>• Маҳалладаги таълим даражаси,</li> <li>• Таълим ва бандлик ўртасидаги ҳар қандай номувофиқликлар.</li> </ul>
- Экологик таҳлил	<p>Экологик таҳлил доирасида учта асосий тоифа кўриб чиқилади ва баҳоланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавжуд атроф-муҳит инфратузилмаси (сув таъминоти ва оқава сувларни тозалаш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва тозалаш, саноат чиқиндиларини йиғиш ва тозалаш, шу жумладан хавфли ва заҳарли чиқиндилар) ва уларда аниқланган ҳар қандай камчиликлар;</li> <li>• Ифлосланишнинг тарихий ва замонавий мавжуд даражалари ва уларнинг манбалари, “ифлослантирувчи тўлаши керак” тамойилини қўллаш, тарихий ифлосланиш жойларини изоляция қилиш ва тозалаш усуллари;</li> <li>• Табиатни муҳофаза қилиш масалалари, шу жумладан биотоплар ва уларнинг ҳимояланган ҳолатини таҳлил қилиш, табиий хилма-хиллик учун хавф манбалари ва уларни ҳимоя қилиш усуллари.</li> </ul>
- Иқлим ўзгариши	<p>Иқлим ўзгаришини таҳлил қилиш иқлим ўзгаришининг маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ёки унинг атрофидаги табиий ҳаётга салбий таъсирини аниқлашдан бошланади: ҳозирги вазиятни ҳам, келажакдаги прогнозларни ҳам ҳисобга олиш зарур.</p> <p>Таҳлилнинг бошқа йўналиши маҳалла масъулияти доирасида иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш бўйича ечимларни ўз ичига олади: уйлар, жамоат бинолари ва коммунал ёритиш тизимларининг энергия самарадорлигини ошириш, эскирган ва самарасиз транспорт воситаларидан фойдаланишни камайтириш, маҳалла, унинг фуқарolari ва корхоналари томонидан CO<sub>2</sub> чиқиндиларини камайтиришнинг бошқа усуллари.</p> <p>Таҳлилнинг учинчи ва якуний йўналиши – мослашиш: янги иқлим шароитида бизнесни юритиш сифати ва самарадорлигини оширишга имкон бериш учун маҳалла ҳаёти ва иқтисодиётини ўзгартириш йўллари аниқлаш. Булар сувни қайта ишлатиш, бўронларни кузатиш, мавжуд маданий ўсимликларнинг сувга сезгир бўлмаган штампларини экиш ёки қишлоқ хўжалигининг бошқа турларига ўтиш ва бошқалар бўлиши мумкин.</p>

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
- Қишлоқ хўжалиги	<p>Қишлоқ хўжалигини таҳлил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қишлоқ хўжалигининг асосий фаолият турларини аниқлаш,</li> <li>• Асосий маҳсулотларни таҳлил қилиш,</li> <li>• Қўшилган қийматнинг жорий даражасини баҳолаш ва маҳсулотларни чуқурроқ қайта ишлаш ёки маркетингни яхшилаш орқали қўшилган қийматни ошириш имкониятларини баҳолаш;</li> <li>• Мавжуд ишчи кучи ва фойдаланилган технологияларни таҳлил қилиш ва ходимларни ўқитиш ёки янги технологияларга сармоя киритиш орқали ушбу соҳалардаги эҳтимолий такомиллашувларни баҳолаш;</li> <li>• Иқлим ёки ифлосланишнинг соҳа ва унинг маҳсулдорлигига таъсири.</li> </ul>
- Кончилик	<p>Кончиликни анъанавий равишда икки нуқтаи назардан таҳлил қилиш зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тоғ-кон саноатининг фойдали жиҳатлари баҳоланиши керак, шу жумладан: иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш, экспорт ва солиққа тортишнинг маҳаллада давом этиши ёки ривожланишининг таъсири;</li> <li>• Кончиликнинг ифлосланиш ва иқлим ўзгариши таъсири кўринишидаги салбий ташқи таъсирлари мавжуд ва келажақдаги қонуний талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун таҳлил холис қилиниши зарур.</li> </ul>
- Қайта ишлаш саноати	<p>Кўп жиҳатдан қайта ишлаш саноатини таҳлил қилиш қишлоқ хўжалиги ёки тоғ-кон саноати таҳлилининг давоми бўлиши мумкин – қайта ишлаш, кўпинча, иқтисодийнинг ушбу асосий тармоқлари қиймати занжиридаги кейинги қадамдир. Қайта ишлаш саноатининг ривожланиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қайта ишлаш учун хом ашёнинг мавжудлиги ва ишончлилиги,</li> <li>• Қайта ишлаш саноатини бошлаш учун зарур бўлган технологиялар имкониятларидан фойдаланиш,</li> <li>• Ишга қабул қилинадиган ўқимишли/ўқитилган ишчи кучининг сифати ва сони,</li> <li>• Савдо ва экспорт йўналишлари имкониятларидан фойдаланиш,</li> <li>• Қайта ишланган маҳсулотлар учун потенциал бозорни аниқлаш.</li> </ul>
- Хизматлар	<p>Хизматлар кўпинча иқтисодий ривожланишнинг чўққиси ҳисобланади, унда сарфланадиган ресурслар ва якуний маҳсулот ҳам сезилмас бўлиб, ҳаводан пул қилинади. Бироқ хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодий жуда катта даражада иқтисодийнинг бирламчи ва иккиламчи тармоқлари томонидан таъминланган иқтисодий ривожланишнинг пойдевориغا боғлиқ бўлади.</p> <p>Шу билан бирга, Ўзбекистон каби ресурсларга бой давлатлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган ишлаб чиқаришда ўз ресурс базасидан тўлиқ фойдаланишни ўйламай туриб, ўз иқтисодий тузилмасини жуда тез ўзгартиришга интилиши шарт эмас. Аҳоли зичлигининг пастлиги ҳам хизмат кўрсатишга бой иқтисодийнинг ривожланишини мураккаблаштиради.</p> <p>Баъзи маҳаллаларда туризм ёки логистика каби кўпроқ анъанавий хизматлар кўриб чиқилиши мумкин, аммо МРР доирасидаги маҳаллаларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш соҳаларини ўзларининг иқтисодий ўсиши пойдевори сифатида кўрмайдилар.</p>

## 2.6. ҚўШНИ ХУДУДЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

МРР тузиш жараёни қўшни маҳаллалар, туман ва умуман минтақанинг кенгроқ географик контексти бўйича солиштириш орқали маҳалланинг эҳтиёжлари ва имкониятларини етарли даражада баҳолаши мумкин. Ушбу занжир умумий ҳудудга асосланган ривожланиш учун бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиши керак.

Бошқа маҳаллалар бир-бирига ўхшаш иқтисодий ва ишчи кучига ихтисослашувига эга бўлиши мумкин, бу эса ўз МРР устида ишлаётган жамоа учун муқобил ихтисослашувни таклиф қилиши мумкин: масалан, қўшниси очиқ кўмир конини ишга туширишни режалаштираётган маҳаллада курорт ҳудудини ривожлантиришга ҳаракат қилмаслик; муқобил равишда бир хил тор иқтисодий соҳага ихтисослашган иккита маҳаллада ишчи кучи етишмаслиги мумкин.

Қўшни жамоалар ўзларининг инфратузилмаси ва давлат хизматлари объектларида муайян ортиқча имкониятларга эга бўлиши мумкин, бу эса ўз МРРни ишлаб чиқаётган маҳаллада баъзи ривожланиш ғояларини кераксиз ёки эскиртириб қўйиши ва бошқа муқобил суб-лойиҳасуб-лойиҳаларга эътибор қаратиш учун ўз ресурсларини бўшатиши мумкин: масалан, катта касалхона ва поликлиникаларга эга бўлган яқин атрофдаги маҳалла бир ёки бир нечта қўшни маҳаллаларга ўз ресурсларини соғлиқни сақлашдан ташқари бошқа соҳаларга сарфлашга имкон бериши мумкин; шунга ўхшаш ҳолатлар спорт инфратузилмаси, касб-ҳунар мактаблари ва бошқа турдаги инфратузилмаларга нисбатан қўлланилади.

МРРни ишлаб чиқиш бўйича ИТБ лойиҳаси инфратузилмани ривожлантиришни режалаштиришга нисбатан янада яхлит кўринишни ўз ичига олган кластерлашган МРР ёндашувидан фойдаланади. Бу – бир вақтнинг ўзида бир нечта қўшни маҳаллаларни таҳлил қилиб, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳисобга олади.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<p><b>Маҳалла аъзолари фойдаланишлари мумкин бўлган инфратузилма</b></p>	<p>Ижтимоий-иқтисодий ва экологик таҳлилни ишлаб чиқишда унинг МРР устида ишлаётган маҳалла аъзолари фойдаланиши мумкин бўлган қўшни ҳудудлардаги мавжуд инфратузилмага эътибор қаратиш лозим. Кўпгина ҳолларда, мавжуд инфратузилма ва хизмат кўрсатиш марказлари атрофдаги маҳаллалар аъзоларига хизмат кўрсатиш салоҳиятига ёки ҳатто ваколатига эга бўлиши мумкин.</p> <p>Ушбу таҳлилни ўтказишнинг бир усули – ҳозирда айрим давлат хизматлари қаерда кўрсатилиши ва эҳтиёжлари қаерда қаноатлантирилишини ўрганишдир. Яна бир ёндашув – атрофдаги ҳудудлардаги маҳаллалар инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш объектларини мустақил равишда аниқлаш (ва улар томонидан тақдим этилган имкониятлар ҳақида маҳалла фуқароларини хабардор қилиш).</p>
<p><b>Қўшни ҳудудларни ривожлантириш режалари</b></p>	<p>Муқобил вариантлар таҳлили инвестициялар/ суб-лойиҳасуб-лойиҳаларнинг устувор жиҳатларини аниқлаш жараёнининг бир қисми бўлиши лозим. У ўз навбатида, қўшни маҳаллаларда айти шундай фаолият бўлмаслиги ва қўшимча қувватлар сарфланишининг олдини олиш учун, у ўша ҳудудларнинг (эҳтимол, туман ва вилоятнинг ҳам) режалари тўғрисидаги хабардорликни ўз ичига олиши керак. Агар қўшни икки маҳалла бир вақтнинг ўзида бир хил ихтисосликдаги касб-ҳунар мактабларини курса, бу ҳеч кимнинг айби бўлмаслиги мумкин, лекин барибир бу давлат ресурсларининг самарасиз сарфланиши ҳисобланади.</p> <p>Инфратузилма объектлари бўйича потенциал бир-бирига мос келиши мумкин бўлган режалар бўйича музокаралар олиб бориш осон бўлмаслиги мумкин ва фасилитаторларга муҳокамаларда ёрдам бериш учун туман, вилоят ёки ҳатто тегишли вазирлик вакилларини таклиф қилиш тавсия этилади.</p>

<b>Ривожланишнинг умумий устуворликлари</b>	<p>MPP маҳалла даражасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса-да, қўшнилар, туман ва минтақа билан маълум даражада ҳамкорлик қилиш тавсия этилади.</p> <p>Бу қисман турли бошқарув даражаларидаги ривожланиш компетенцияларининг бир-бирига мос келишининг соф маъмурий асослари билан асосланади. Аммо бу кўпроқ давлат инвестицияларидан оқилона фойдаланиш ва туман ва ҳатто вилоятнинг барча аҳолиси учун умумий фойдаланиш инфратузилмаси билан боғлиқ.</p> <p>Умумий эҳтиёжларни аниқлаш ва уларни қўплаб кичик қўламдаги такрорланувчи тизимлар ўрнига битта катта миқёсли инфратузилма объекти ёрдамида қаноатлантириш усулларини аниқлаш мақсадида бошқарув даражалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун MPP жараёнидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.</p>
---	--

## 2.7. МИЛЛИЙ ВА СУБМИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШ РЕЖАЛАРИГА МУВОФИҚЛИК

Ҳар бир режалаштириш ҳужжати режалаштиришнинг қатъий иерархиясига асосланган бўлади: минтақавий режалар миллий даражадаги режаларни ўз ичига олиши керак, туманлар минтақалар ва мамлакат бўйича режаларга мувофиқ бўлиши керак ва маҳалла режалари юқоридагиларнинг барчаси, яъни мамлакат, вилоят ва туман режаларига мос келиши ва мувофиқлаштирилиши зарур.

Миллий даражадаги стратегиялар тегишли сиёсат секторларидаги сиёсат асослари ва мақсадларини белгилайди, 5 йиллик минтақавий ривожланиш дастури эса минтақавий даражадаги инвестиция стратегиясини белгилайди. Туман даражасида умумий режалаштириш ҳужжати мавжуд эмас, лекин кўпгина соҳавий режаларда инфратузилмага инвестициялар бўйича географик прогнозлар мавжуд.

Ушбу ҳужжатлар стратегик мувофиқликни таъминлаш ҳамда минтақавий ва миллий режалаштиришга мос келмаслиги сабабли эскирган инвестицияларнинг олдини олиш учун MPPни ишлаб чиқишда таҳлил қилиниши ва унга риоя қилиниши лозим.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Миллий ва минтақавий мақсадларга эришига ҳисса қўшиш</b>	<p>Миллий бошқарув тизимининг бир қисми сифатида маҳаллий даража минтақавий ва миллий мақсадларга ҳисса қўшиши керак, шунинг учун минтақавий ва миллий режаларни тушуниш ва уларга риоя қилиш мажбурийдир.</p> <p>Юқори даражадаги ҳужжатларга мос келмайдиган MPPлар қабул қилинмаслиги зарур ва улар талабларга риоя қилинмаганлиги сабабли юқори даражадаги органлар томонидан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.</p>
<b>Режа мазмунининг уйғунлиги</b>	<p>MPPлар мазмунан минтақавий ва миллий ҳужжатларга мос келиши муҳим: масалан, агар миллий ҳокимият кончиликини ёпиш орқали ифлосланишнинг олдини олишга қарор қилса, MPP янги тоғ-кон ишларини ёки кончилар учун касб-ҳунар мактабини очишни таклиф қилмаслиги зарур; худди шундай, агар миллий стандартда оқава сувларни мажбурий тозалаш назарда тутилган бўлса, ҳеч қандай янги жамоат биносини (мактаб, поликлиникалар ва ҳ.к.) ички сув қувурларисиз қуриш мумкин эмас.</p>

<b>Умумий тармоқнинг уйғунлигини таъминлаш</b>	<p>Оддийроқ даражада, минтақавий ва миллий тармоқларга ишчи уланишни таъминлаш учун юқори даражадаги режаларга мувофиқлик зарур ҳисобланади. Бу ерда географик (маҳаллий тармоқлар минтақавий тармоқларга уланган), вақтинчалик (тармоқлар ишга тушганда) ва сиғим (маҳаллий тармоқлардан минтақавий тармоқларга қанча хизмат кўрсатиш ҳажми мавжуд) мезонларига кўра мувофиқлаштириш зарур.</p> <p>Бу транспорт, энергия таъминоти, алоқа технологиялари ва бошқалар каби тармоқлар учун долзарбдир. Баъзи тармоқлар миқёсга камроқ боғлиқ, шунга қарамай улар туман даражасида уланишга зарурат бўлиши мумкин, масалан. сув инфратузилмаси, чиқинди сувларни тозалаш, қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш ва шу қабилар.</p>
--	--

## 2.8. БЮДЖЕТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИГА АСОСЛАНИШ

МРР томонидан қўллаб-қувватланадиган инвестицияларнинг аксарияти давлат инфратузилмасини яратиш ёки реконструкция қилишни ўз ичига олади, яъни ушбу инфратузилмадан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш давлат органларининг масъулияти саналади. Бу зарур ресурсларни (янги ходимларнинг иш ҳақи, операцион харажатлар, техник хизмат кўрсатиш харажатлари, ижтимоий аҳамиятга эга харажатларни қоплаш учун субсидиялар) ўз вақтида режалаштирилишини таъминлаш учун бюджетни режалаштириш билан мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Кўп ҳолларда, ривожланаётган мамлакатларда ҳудудий ривожланишни кўзда тутувчи, донорлар томонидан молиялаштириладиган (ёки ссуда билан молиялаштириладиган) дастурлар асосий инвестицион молиялаштириш ҳисобланади – улар миллий манбаларга нисбатан инвестиция типидagi молиялаштиришнинг асосий қисмини таъминлайди. Шу сабабли, биргаликда молиялаштириш, жорий ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини режалаштириш, икки томонлама молиялаштиришдан қочиш учун миллий ва субмиллий бюджетни режалаштириш жараёнлари билан яқиндан мувофиқлаштирилиши ва ўзаро боғлиқ бўлиши зарур.

Юқорида айтиб ўтилганлар молиялаштиришни таъминлаш учун барча тегишли фискал органлар билан мувофиқлаштириш, шунингдек, бюджет даврини мувофиқлаштириш зарурлигини англатади: МРР фасилитаторлари ва ЛАГ мутахассислари суб-лойиҳасуб-лойиҳаларнинг молиявий барқарорлиги таъминланганда ҳаракатларнинг бемалол бўлишини таъминлаш учун бюджет қарорларини қабул қилиш муддатларини билишлари ва ҳисобга олишлари зарур.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Икки марта молиялаштиришга йўл қўймаслик</b>	<p>Икки марта молиялаштириш деганда бир хил фаолият учун бир хил харажатлар давлат маблағлари ёки донорлар томонидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан икки марта (ёки ундан кўп) молиялаштириладиган вазият тушунилади. Бу давлат ресурсларидан фойдаланиш учун қабул қилиниши мумкин эмас.</p> <p>МРР доирасида ИТБ томонидан қўллаб-қувватланадиган инфратузилма миллий манбалардан молиялаштириш учун ҳам мос бўлиши мумкин. Бироқ, агар бир молиявий манба доирасида қўллаб-қувватлаш учун маълум бир инфратузилма объекти ва унинг харажатлари танланса, бошқа молиялаштириш манбаси айна харажатларни молиялаштиришга олмайди.</p>



	<p>Икки томонлама молиялаштиришни бартараф этишни мувофиқлаштиришнинг энг осон йўли инфратузилма объеклари даражасида бўлиши мумкин, ammo кўпинча донорлик ва кредит маблағлари ва/ёки бошқа давлат молиялаштиришлари фақат харажатларнинг маълум тоифалари учун кўзда тутилади (масалан, қурилиш билан боғлиқ харажатлар мос келади, ускуналар харажатлари эса, мос эмас). Бундай ҳолларда чегаралаш инфратузилма объекти эмас, балки харажатлар даражасида амалга оширилиши керак.</p>
<p><b>Давлат харажатларини тўлдириш</b></p>	<p>Кўпинча маълум инвестицияларни қўллаб-қувватлаш фақат баъзи турдаги харажатлар учун амал қилади (масалан, донор ёки кредитор қурилишни молиялаштиради, лекин янги мактабдан фойдаланишни молиялаштирмайди). Бу тегишли бюджетларда қўшимча харажатларни ўз вақтида ва мувофиқлаштирилган режалаштиришни талаб қилади.</p> <p>Худди шундай, ҳар қандай инфратузилманинг жорий харажатлари ва техник хизмат кўрсатиш харажатларига нисбатан, масалан, йўллар, электр тармоқлари, сув қувурлари, таълим бинолари учун келгуси йиллар учун тегишли харажатлар олдиндан бюджетлаштириш керак.</p> <p>Бундай мувофиқлаштиришни таъминлаш учун қўллаб шартларни бажариш керак бўлади, хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тегишли органлар аниқланган ва уларга мурожаат қилинган бўлиши,</li> <li>• Барча манфаатдор томонлар муҳокама қилган ва келишиб олган бўлишлари,</li> <li>• Инвестициялар муддати аниқ белгиланган бўлиши ва унга риоя қилиниши,</li> <li>• Харажатлар сметалари ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва уларга риоя қилинган бўлиши.</li> </ul>
<p><b>Биргаликда молиялаштиришни тақдим этиш</b></p>	<p>Халқаро амалиётда миллий, минтақавий ёки маҳаллий ҳамкор (масалан, инфратузилма эгаси) лойиҳани маълум бир талаб қилинадиган улуш/фоиз миқдорида биргаликда молиялаштирган тақдирдагина, маълум бир инфратузилма объекти донорлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши ҳолатлари жуда кенг тарқалган. Бу лойиҳани биргаликда молиялаштириш бўйича келишувлар асосида харажатлар бенефициар органнинг бюджетида (масалан, муниципалитет, коммунал корхона, ННТ ва бошқалар) режалаштирилиши керак эканлигини аниқлатади.</p>

## 2.9. ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАРҚАРОРЛИГИ

Барқарорлик ҳозирги авлодлар эҳтиёжларини келажак авлодлар эҳтиёжларини бузмасдан қаноатлантириш, айти вақтда эса иқтисодий ўсиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий фаровонлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

МРР контекстида барқарорликни турли жиҳатлардан кўриб чиқиш мумкин:

- Табиий ресурсларнинг барқарорлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришининг олдини олишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари;
- Лойиҳа натижаларининг инфратузилмага эгаллик қилиш ва келажакдаги таъмирлаш харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ барқарорлиги,
- Маҳаллий ҳаммаҳалла фаровонлиги ва МРР маҳалла аъзоларига таклиф қилиши мумкин бўлган имкониятлар,
- Инфратузилма ва аҳолига хизмат кўрсатиш объекларини малакали кадрлар билан таъминлаш орқали улардан фойдаланишнинг амалий имкониятлари ва бошқалар.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<p><b>Молиявий барқарорлик</b></p>	<p>Ҳар бир инфратузилма объекти ёки ускунасидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш турли мақсадлар учун молиявий ресурсларни талаб қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Операцион харажатлар, масалан, электр, сув хизматлари, интернетга тўлов, ходимларнинг иш ҳақи;</li> <li>• Таъмирлаш харажатлари, шу жумладан кичик ҳажмдаги таъмир ишлари (масалан, деворларни қайта бўяш) ва ҳар бир неча йилда бир марта капитал таъмирлаш;</li> <li>• Якунида, инфратузилмани (1-30 йил) ёки ускуналарни (3-10 йил) алмаштириш учун маблағларни бироз иқтисод қилиш керак бўлади.</li> </ul> <p>Молиявий барқарорликка эришиш учун ушбу харажатлар учун жавобгарлик мажбуриятини олган ва ушбу харажатларни қоплашга қодир бўлган орган ёки муассасага улар аниқ юкланиши керак. Одатда, бундай молиявий жавобгарлик инфратузилмага эгалик қилиш билан бирга келади: масалан, қонун бўйича мактабнинг эгаси бўлган муассаса ўз биносининг ҳолатини сақлаб туради ва ўқитувчиларга иш ҳақи тўлайди. Бундай муассасаларга мисоллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Миллий даража (тармоқ вазирликлари ва идоралар),</li> <li>• Вилоят ёки туман (худудий бошқармалар ва уларнинг идоралари, коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналари);</li> <li>• Маҳаллий даража (маҳаллалар, ННТ ёки фирмалар).</li> </ul>
<p><b>Иқтисодий барқарорлик</b></p>	<p>Молиявий барқарорликни таъминлаш учун инвестициялар кўпинча иқтисодий асосларни ва даромадларнинг барқарорлигини талаб этади. Кўпгина асосий инфратузилма объектлари ўзларининг тўғридан-тўғри функцияларидан ёки инфратузилмадан фойдаланишнинг билвосита таъсири сифатида даромад келтириши мумкин.</p> <p>Даромад келтирадиган инфратузилмага одатий мисоллар сифатида фуқаролар ва фирмаларни сув билан таъминлаш учун ҳақ оладиган сув таъминоти компанияси ёки электр энергиясини етказиб берувчи энергетика компаниясини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолларда шундай хизматлар учун белгиланадиган тарифлар фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва захираларни яратиш учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир. Агар тарифлар ўта паст даражада ўрнатилган бўлса (кўпинча ривожланаётган мамлакатларда шундай бўлади), молиялаштиришнинг муқобил манбаларини аниқлаш керак.</p> <p>Асосий фаолиятдан даромад келтириши кутилмайдиган объектлар (мактаблар, поликлиникалар, автобус бекатлари ва ҳ.к.) хусусий тадбиркорлик учун жойни кафелар, дўконлар, тўлов терминаллари ва шу кабиларга ижарага бериш орқали қўшимча даромад қидириши мумкин.</p>
<p><b>Ижтимоий барқарорлик</b></p>	<p>МРРнинг якуний мақсади маҳаллалар фуқароларининг ҳаёт сифатини яхшилашдир, шунинг учун ижтимоий барқарорлик МРРни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий тамойилидир. Қуйидаги соҳаларда баҳолаш ўтказилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Соғлиқни сақлаш,</li> <li>• Таълим,</li> <li>• Бандлик,</li> <li>• Географик ҳаракатчанлик.</li> </ul> <p>Бу масалаларнинг барчаси МРР даражасида ва суб-лойиҳалар даражасида таҳлил қилиниши зарур.</p>

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Экологик барқарорлик</b>	<p>Инвестицияларга устуворлик беришда янги инфратузилма объектини жорий этиш ва унинг атрофида фуқаролар фаоллигини ошириш ёки ўзгартириш натижасида ҳаво, ер, сув ва ҳайвонот дунёсига ёки экотизим аҳолисига салбий таъсир етказилиши мумкин бўлган табиий ёки қурилган муҳитнинг экологик барқарорлиги баҳоланиши лозим.</p> <p>Таклиф этилаётган инфратузилма учун энергия тежамкор ва кам углеродли ечимларга бўлган эҳтиёжлар экологик барқарорлик ва иқлим ўзгаришининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.</p> <p>Таклиф этилаётган инвестициялар иқтисодий ривожланишга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса-да, атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир етказилиши ҳам мумкин. Аксарият салбий экологик таъсирлар ҳам аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифати муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлади.</p>
<b>Ишчи кучи барқарорлиги</b>	<p>Меҳнат бозоридаги вазият ҳам эътиборга олинadиган асосий омиллардан биридир, шунинг учун ҳам у ёки бу маҳалладаги мавжуд кадрлар ҳам баҳоланиши зарур.</p> <p>Ҳатто Ўзбекистондек йирик давлатда ҳам барча мактаблар, коллежлар, поликлиникалар, шифохоналар, кутубхоналар, хизмат кўрсатиш марказлари ва ИТБ, Жаҳон банки ёки бошқа кўмак билан қурилиши мумкин бўлган бошқа объектларни бошқариш учун юқори малакали кадрларга жиддий эҳтиёж сезилади.</p> <p>Қўшимча мактаблар, шифохоналар, поликлиникалар ва шу каби объектларни қуриш мажбуриятини олишдан олдин шу соҳаларнинг вазирликлари ёки бошқа тегишли органлар (масалан, университетлар) билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши зарур. Мувофиқлаштирилган ёндашувни таъминлаш учун лойиҳанинг фасилитаторлари ёки асосий жамоаси бу борада муҳокамалар ташкил қилиши керак.</p>

# 3 | ФАСИЛИТАЦИЯНИНГ РОЛИ ВА ИШ ПРИНЦИПЛАРИ





Фасилитация МРР ишлаб чиқиш жараёнининг ажралмас қисмидир. Фасилитация жараёни фасилитатор томонидан амалга ошириладиган турли воситалар ёрдамида кўникмалардан фойдаланишни рағбатлантириш орқали МРР ишлаб чиқиш йўли билан маҳаллани ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Фасилитациянинг роли турли жиҳатларни ўз ичига олади, булар менторлик ва таълим фаолияти, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишни таъминлаш, жамоатчиликни сафарбар қилиш, жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш. МРРни ишлаб чиқишда бундай ёрдам маҳаллий фасилитаторлар томонидан амалга оширилади.

**Фасилитация** (*инг. Facilitation*) – жараён, мунозара ва ҳоказоларда бевосита иштирок этмасдан туриб, бошқа одамларга жараённи ҳал қилишда ёки келишув ёки ечимга эришишда ёрдам бериш ҳаракати (*Кембриж луғати*).

**Фасилитация** – бирор нарсанинг имконини топиш ёки осонлаштириш жараёни ёки шундай ҳаракатнинг ўзи. (*“Оксфорд” луғати*)

**Бу сўзнинг ўзаги** – инглизча *“facilitate”* феъли бўлиб, у бирор нарсани осонлаштириш; (бирор нарсани) осон ва самарали бўлишига ёрдам бериш маъносини беради. (*“Бриттаника” луғати*)

Ушбу бобда МРРни ишлаб чиқишда ёрдам беришда муҳим бўлган асосий тамойиллар умумлаштирилади.

### 3.1. БЕТАРАФЛИК

Бетарафлик ҳар қандай низода иккала томонга ҳам ён босмайдиган томон сифатда, бу каби низоли муносабатда

бўлган шахслар ёки ташкилотларни тавсифлаш учун кенг қўлланилиши мумкин бўлган атамадир. МРР ишлаб чиқиш контекстида бу тамойил кўпинча фасилитаторларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлади: фасилитаторлар ҳатто МРРни ишлаб чиқишда яқиндаништирокётган тақдирда ҳам, уларнинг эҳтиёжлари, ривожланиш устуворликлари, устувор саналувчи ечимлар, асосий фикрлар ва бошқалар бўйича маҳалла танловига нейтрал муносабатда бўладилар.

Фасилитаторнинг вазифаси вазиятни адолатли акс эттириш, маҳалланинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида хабардорлигини таъминлаш, шу билан бирга МРРнинг ҳар қандай элементида ўз шахсий фикрини билдириш ва шахсий нуқтаи назарини ифода этишдан тийилишидан иборат. Фасилитаторлар МРРда кўзда тутилган маҳаллаларининг аъзолари эмаслар ва шунинг учун ўз фикрларини билдириш ёки танловга таъсир қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Фикрларни эмас, балки фактларни тақдим этади</b>	<p>Фасилитатор муаммони ҳал қилиш учун гуруҳ қабул қилиши керак бўлган қарор ёки йўналиш ҳақида ўз фикрига эга бўлиши мумкин. Бироқ, фасилитатор жараёни фаол бошқараётганда ҳар доим режанинг контентига нисбатан нейтрал туриши зарур.</p> <p>Гуруҳ қарорларини қабул қилишда у қарорлар асосли бўлиши учун фасилитатор гуруҳга маълумотлар, фактлар, таққослаш маълумотларини тақдим этиши мумкин.</p>
<b>Ҳар икки томонга ҳам ён босмайди</b>	<p>Фасилитаторлар, ҳатто маҳалла фуқароларининг икки гуруҳи қарама-қарши фикрлар ёки устуворликларга эга бўлса ҳам, бир ечим ёки устуворликни бошқасига нисбатан афзал кўрмасликлари лозим.</p> <p>Фасилитаторнинг роли маҳалла қарорларини уларга таъсир қилмасдан аниқ ҳужжатлаштиришдир.</p>
<b>Маҳалла фикрини шакллантиришга ёрдам беради</b>	<p>Фасилитатор ҳаммаҳалланинг аниқ қарорлар қабул қилишини кузатиб бориши зарур. Бунда фасилитаторлар маҳалла фуқароларига ушбу қарорларни қуйидаги воситалар ёрдамида шакллантириш ва ифодалашда ёрдам беришлари керак бўлиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестиция бўлган эҳтиёжларни тўғри ифодалаб бериш,</li> <li>• Эҳтиёжлар ва инвестициялар объектларини белгилаш;</li> <li>• Келажакдаги инфратузилма учун аниқ географик жойлашувни аниқлаш,</li> <li>• Инвестициялар учун реал вақт чегараларини белгилаш,</li> <li>• Инвестициялар, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини аниқлаш.</li> </ul>

### 3.2. ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Фасилитаторлар МРРни ўзлари ишлаб чиқа олмаслиги ва уларга бунинг учун рухсат берилмаганлиги сабабли, улар маҳалладан асосий маълумотларни олишлари зарур. Бу эса, маҳалла билан яхши ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва яхши муносабатда бўлишни талаб қилади.

МРРни ишлаб чиқиш сабаблари ва уни амалга ошириш қандай имкониятлар яратиши ҳақида маҳалла аъзоларига маълумот берилиши лозим.

Иш жараёнида яхши муносабатда бўлиш нафақат МРРни ишлаб чиқиш учун, балки амалга ошириш босқичида ҳам муҳимдир. Маҳалла аъзолари МРРнинг амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этишлари, мониторингида ёрдам беришлари ва уни эҳтимолий якуний қайта кўриб чиқишда фаол иштирок этишлари керак. Бунинг рисоладагидек ишлаши учун фасилитаторлар ташаббус гуруҳига тез-тез мурожаат қилиши ва якунида маҳалла йиғилишларини ташкил қилишлари зарур.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Маҳалла раҳбариятини билиш</b>	Маҳаллани суҳбат ва мунозарага жалб қилишнинг энг самарали усули бу жамоа раҳбариятининг руҳсатини олишдир. Раҳбариятнинг икки тури мавжуд: расмий раҳбарлар (маҳалла раиси ва уларнинг жамоаси) ва норасмий етакчилар ёки маслаҳат берувчи етакчилар (маҳалланинг оқсоқоллари).
<b>Ташаббус гуруҳи билан илиқ муносабатларда бўлиш</b>	<p>Муносабатлар дейилганда, ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, ишончнинг мустаҳкам пойдеворини, умумий тушунча ва қарашларни ҳамда ташаббус гуруҳи ва маҳалла билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш назарда тутди.</p> <p>Ўзаро муносабатларни ўрнатиш фасилитация ва ушбу жараённинг асосий қисми бўлса-да, бу кўпинча фасилитаторлар эътиборга олишлари керак бўлган муҳим ижтимоий кўникма ҳам ҳисобланади. Бу барча манфаатларнинг ҳурмат қилиниши ва эътиборга олиниши, мулоқотнинг самарали ва доимий (ва кўпинча юзма-юз) бўлишини, гуруҳ жараёнлари ва низолар самарали бошқарилишини таъминлашни ўз ичига олади.</p>
<b>Муносабатларни фаол тарзда сақлаб туриш</b>	<p>Ташаббус гуруҳи ва маҳалла билан фаол алоқаларни сақлаб туриш самарали мулоқот, ташкилий ва ахборот жараёнларини алмашиш демақдир.</p> <p>Тегишли жараёнлар фасилитаторларнинг мақсадларга эришишини таъминлаш учун жалб қилиш ҳаракатлари қандай тузилгани ва умумий жалб қилиш режасининг қандай тузилганлигига қаратилган бўлади. Жараёнларнинг турли жиҳатлари муҳокама қилиш усуллари, тартиблари, йиғилиш формати ва йиғилиш ёки муҳокама пайтида фойдаланиладиган воситаларни ўз ичига олади.</p> <p>Жараёнлар, шунингдек, ўзаро таъсир услуги (масалан, гуруҳ муҳокамаси, ялпи муҳокама, тақдимот ва бошқалар), иштирокчиларнинг гуруҳ динамикаси ва учрашув учун яратилган муҳитни ҳам ўз ичига олади. Барча иштирокчилар йиғилиш натижаларига ҳисса қўшишини таъминлаш учун фасилитаторлар жараёнларга эътибор беришлари зарур.</p> <p>Муносабатларни фаол тарзда сақлаб туриш ва қўллаб-қувватлашда ҳар қандай муносабат учун асосий тамойилларни қўллаш муҳимдир. Бундай тамойилларга олдиндан хабар бериш, йиғилишлар жадвалини тақдим этиш, тегишли фикр-мулоҳазалар вақтини ҳисобга олиш, мақсадли гуруҳ учун саволларни тушунарли шаклантириш ва шу кабиларни киритиш мумкин.</p>
<b>Бутун маҳаллани жалб қилиш</b>	<p>Фасилитаторлар МРР бутун маҳалла эҳтиёжларига жавоб бериши кераклигини тан олишлари ва улар маҳалладаги барча фуқаролар гуруҳлари вакилларини жалб қилиш орқали маҳалланинг адолатли ва тўлиқ вакиллигини таъминлашга интилишлари зарур.</p> <p>Одатда, маҳалланинг энг фаол ва очиқ фикрли аъзолари эркаклар ва катта ёшдаги шахслардир. Фасилитаторлар аёллар ва ёшларни мунозараларга жалб қилишлари ва уларга ўзларининг эҳтиёжлари ва устувор танловларини айтишлари учун имкон беришлари керак, шунда маҳалла учун МРРни шакллантиришда барча фикрлар тингланади ва ҳисобга олинади.</p>

### 3.3. ЖАВОБ БЕРИШ ЎРНИГА САВОЛЛАР БЕРИШ

Савол бериш – бу тез-тез маълумот ва жавобларни тақдим этиш учун муқобил равишда семинарлар, йиғилишлар ёки яқка тартибда менторлик ёки мураббийлик (коучинг) қилиш пайтида фасилитаторлар томонидан қўлланиладиган усулдир. Сўров ўтказиш – шахс ёки гуруҳга савол ёки бир қатор саволлар бериш, улар дуч келадиган муаммоларга ўз ечимларини топишга имкон бериш ва шу билан бетарафлик ва жамоатчиликни жалб қилиш тамойилини қўллаб-қувватлашдир. Савол бера олиш учун фасилитаторлар муаммоларни яхши тушунишлари, шунингдек, МРР ишлаб чиқиш усуллари ва воситаларини қўллаб билишлари зарур.

Гуруҳга маълумот ёки ечимларни тақдим этишнинг анъанавий усулига нисбатан сўров бир қанча афзалликларга эга:

- **Ўрганишнинг батафсиллиги:** жавобни ўзлари ишлаб чиқиш орқали гуруҳ иштирокчилари масалани чуқурроқ ўрганадилар. Тўғри танланган бир қатор саволлар ўрганишни такомиллаштиради ва презентацияда кўпинча эриша олмайдиган чуқур фикрлашга ундайди.
- **Биргаликдаги фаолият:** саволлар бериш орқали сиз гуруҳга диққатни қаратасиз. Бу иштирокчилардан жавобларни муставил ўйлаб кўришларини талаб этади. Бу кўпроқ биргаликда фаолият муҳитини яратиб, муҳокаманинг қизгин ва сифатли бўлишига олиб келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, у кўпроқ иштирокчини жалб қилиши, имкониятларни ошириб, яхши натижалар бериши мумкин.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
Тўғри саволларни тузиш	<p>Фасилитаторлар бутун маҳалла ташаббус гуруҳининг йиғилишларига пухта тайёрланган саволлар билан келишлари муҳим ўрин тутаяди. Кўпгина саволлар маҳаллалар бўйича стандарт бўлиши мумкин бўлса-да, баъзи маҳаллаларда ҳал қилиниши керак бўлган муайян вазиятлар бўлиши мумкин (масалан, йирик иш берувчининг ҳудудни тарк этиши, муҳим экологик муаммолар, кескин демографик ўсиш ва ҳ.к.).</p> <p>Шу билан бирга, маълумотларга оид саволларни бериш мақсадга мувофиқ эмас: фасилитатор йиғилишларга барча тегишли маълумотлар (асосий иқтисодий, ижтимоий, демографик ва экологик кўрсаткичлар, асосий географик масофалар ва бошқалар) билан келиши зарур. Ушбу маълумотлардан жамоага қўшимча саволларни шакллантириш учун фойдаланиш мумкин: масалан, улар қўшниларига қараганда бандлик даражаси пастлигидан хавотирда эканликлари ёки йўқлиги, улар атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳақида хабардорлиги даражаси ва ҳк.</p>
Жавобларни тинглаш	<p>Савол беришни ўрганиш фасилитаторларнинг синчковлик билан ва яхшироқ тинглашига сабаб бўлибгина қолмай, балки уларга маҳалла вакиллари томонидан берилган саволларга қандай аниқ ва тўғри жавоб бериш ҳақида ўйлаш учун вақт беради.</p> <p>Бу фасилитаторларга бошқа одамлар ҳақидаги илк таассуротидан фарқли ўлароқ, уларнинг нимани сўраётгани ҳақида кўпроқ маълумот бериши мумкин.</p>



Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<p><b>Кейин бирор ҳаракат учун келади ёки қўшимча маълумот беради</b></p>	<p>Жавобларни диққат билан тинглаш ва мулоқотни ривожлантириш фасилитаторларга маҳалла эҳтиёжлари ва уларнинг эҳтиёжлар ҳақидаги тушунчалари бўйича қўшимча саволлар (ёки статистик маълумотлар сўрови) ишлаб чиқишга имкон беради.</p> <p>Маҳалла билан мулоқотда статистик маълумотлар тўлиқ ҳолатни акс эттирмаслиги (масалан, кўп кишилар норасмий банд бўлиши ёки бошқа туманда ишлаши, шу сабаб мавжуд расмий маълумотларга киритилмаган бўлиши) ёки маҳалла учун атроф-муҳит ифлосланишининг аҳамиятини янада тушунарлироқ кўрсатиш учун атроф-муҳит маълумотларини соғлиқни сақлаш маълумотлари билан умумлаштиришни талаб қилиши мумкин.</p> <p>Эсда тутинги, кўплаб кузатувлар офисда қўшимча ишлар ва жамоа билан қўшимча йиғилишларни талаб қилиши мумкин.</p>

### 3.4. ФАСИЛИТАТОРЛАРНИНГ МАЛАКАСИ

Кўпинча занжир мустаҳкамлиги унинг энг заиф бўғинига боғлиқ, деб айтилади. МРР жараёни кўп жиҳатдан фасилитаторлар қиладиган иш сифатига боғлиқ. Шунинг учун фасилитаторлар ўз ишларини иложи борича сифатли бажариш учун зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фасилитаторлар ўзларининг энг яхши жиҳатларини кўрсатишлари учун ишга қабул қилиш жараёнида юқори мотивацияли ва малакали фасилитаторларни танлашнинг ўзи етарли эмас. МРР қўлланмасида кўзда тутилган кўплаб босқичлар Ўзбекистонда илгари ҳеч қачон амалга оширилмаган, шунинг учун меҳнат бозорида ушбу босқичларни бажариш учун малакали кадрлар бўлмаслиги мумкин.

Бу Лойиҳа фасилитаторлар ишга қабул қилингандан сўнг уларнинг малакасини оширишга сармоя киритишга тайёр бўлиши кераклигини англатади.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<p><b>Ҳам ижтимоий, ҳам касбий кўникмаларга бўлган эҳтиёж</b></p>	<p>Иш билан боғлиқ билим ва кўникмаларга тегишли компетенциялар одатда касбий кўникмалар (hard skills) деб номланади, ижтимоий кўникмалар (soft skills) эса, умумий иш жараёнини осонлаштирувчи шахсий фазилатларидир.</p> <p>Ишга қабул қилиш жараёнида касбий кўникмаларни синаб кўриш ва ҳатто олинган дипломлардан хулоса чиқариш мумкин бўлса-да, ижтимоий кўникмалар иш жараёнида текширилиши ва такомиллаштирилиши зарур.</p> <p>Ижтимоий кўникмаларни кузатиш ва синаб кўриш қийинроқ, аммо улар баъзи иш турларида қийин кўникмаларга қараганда аҳамиятлироқ ёки ҳатто ўта муҳим бўлиши мумкин – қийин муҳокамани бошқариш қурилиш қодини ёддан билишдан кўра муҳимроқ бўлиши мумкин.</p>

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
Кўникмаларни ривожлантиришга бўлган хоҳиш	<p>Фасилитатор ишини тўлиқ бажариш учун ҳеч ким барча зарур билим ва кўникмаларга эга эмаслиги аниқ эканлиги сабабли, ўрганиш ва ўсишга бўлган мотивация фасилитатор муваффақиятининг ҳаракатлантирувчи омилига айланади.</p> <p>Шунинг учун фасилитаторлар ривожланишга бўлган мотивациясига асосан танлаб олинishi зарур, аллақачон ишга олинганларига эса, ўсиб бораётган касбий малаканинг афзалликлари тушунтирилиши ва уларни давом эттиришга ундаш керак.</p>
Усуллар	<p>Фасилитаторлар билан ишлашда қўлланиладиган воситалар, ёндашувлар ва техникалар анъанавий чора-тадбирларни ўз ичига олади, улар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Модулли тренинглар,</li> <li>• Тажрибали ҳамкасблар билан иш жойида тренинглар,</li> <li>• Мотивацияга эга ходимлар учун коучинг ва менторлик.</li> </ul> <p>Буларнинг барчаси самимий ва шижоатли шахсларга қаратилган тартибларда қўлланиладиган, пухта танланган фасилитаторлар жамоасига қўлланилиши лозим.</p>
Ўзаро мулоқот	<p>Фасилитаторнинг энг муҳим малакаларидан бири бу мулоқот қилиш кўникмаларидир. Бунинг сабаби шундаки, уларнинг аксарият ишлари тизимдаги турли манфаатдор томонлар ўртасида мулоқот ўрнатиш функцияси билан боғлиқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла аъзолари,</li> <li>• Тегишли маҳаллалар раҳбарияти,</li> <li>• Туман ва вилоят даражасидаги ҳокимият органлари,</li> <li>• Бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари.</li> </ul> <p>Мулоқотда нафақат хабар етказиш, балки маълумотни қабул қилиш ва тушуниш ҳам муҳимдир. Кўпинча Ёўғри келган одам бу оммавий иш ўрни учун ўз номзодини илгари суриш тенденцияси мавжуд. Шунинг учун Лойиҳа уларга ўзаро мулоқот қилиш кўникмасининг тинглаш қисмини ўргатиш учун ҳаракат қилиши керак, хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Очиқ саволлар бериш,</li> <li>• Бошқаларни фаол тинглаш,</li> <li>• Акс-имо-ишоралар билан гапириш,</li> <li>• Гуруҳларни ваколат билан эмас, тушунтириш орқали бошқариш.</li> </ul>

### 3.5. МРР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВОСИТАЛАРИДАН ҚАНДАЙ Фойдаланишни билади

Фасилитаторлар одатда ўзлари ёрдам берадиган масалалар ёки муаммоларни чуқур тушунишлари керак. Ишининг кўзини билувчи фасилитаторлар ўзлари ишлаётган гуруҳларга самарали мулоқот ўтказиш, улар кўриб чиқаётган маълумотлар ва қарорларни тушуниш ва гуруҳ фаолияти учун режалар ишлаб чиқишга ёрдам бериш учун жараён кўникмалари ва воситалари билан бирга муаммони тушуниши, йиғилиш мақсади ва кутилган натижалардан унумли фойдаланадилар.

Бу барча фасилитаторлар MPPни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг қуйидги таҳлилий воситаларидан жуда қулай фойдаланишлари кераклигини англатади:

- Статистик маълумотлар манбалари,
- Маълумотлар ўртасидаги мантиқий боғлиқликлар,
- Катта гуруҳларда муҳокамаларни бошқариш,
- Қарор қабул қилиш усуллари (хариталаш, муаммолар галереяси, матрица, календарлаш, мантиқий матрицалар ва бошқалар),
- Бюджетлаштириш ва харажатларни ҳисоблаш,
- Қурилиш ва назорат.

Тамойилнинг таркибий қисмлари	Изоҳ
<b>Аналитик кўникмалар</b>	<p>Аналитик кўникмалар – бу хулосалар чиқариш учун маълумотни кичикроқ тоифаларга ажратиш қобилияти. Аналитик кўникмалар мантиқий фикрлаш, танқидий фикрлаш, мулоқот, тадқиқот, маълумотларни таҳлил қилиш ва ижодкорликни ўз ичига олган тоифалардан иборат.</p> <p>Иш фаолияти давомида ривожлантириладиган ушбу кўникмалар фасилитаторлар учун самарали ва шунга мос равишда фаолият юритишлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қолган барча принципларнинг юзага келишини қўллаб-қувватлайди.</p>
<b>Муайян усуллари кўллаш кўникмалари</b>	<p>MPP ишлаб чиқиш қуйидагилар каби бир қатор алоҳида усулларни ўз ичига олади, бунда фасилитатор ҳам аналитик кўникмаларга эга бўлиши, шунингдек, муҳокама ва қарорлар қабул қилишга раҳбарлик қилиши зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳаллани хариталаш,</li> <li>• Муаммолар галереяси,</li> <li>• SMART,</li> <li>• SWOT,</li> <li>• Қишлоқни биргаликда баҳолаш,</li> <li>• Мантиқий чегаралашлар ва бошқалар.</li> </ul>
<b>Чизмачилик қобилиятлари</b>	<p>Фасилитаторлар ўзларинг ёзув-чизув ишларида фикрларни лўнда ифодалай олиши зарур, чунки уларнинг якуний маҳсулоти MPP матни бўлиб, у ўқувчига ҳеч қандай қўшимча тушунтиришсиз ёки маҳалла ҳақида олдиндан маълумотсиз ҳам тушунарли бўлиши керак.</p> <p>Ёзувларда имкон қадар тежамкорликка интилиш керак: фойдали маълумотларни ўз ичига олган қисқа жумлалар ва аниқ хулосалар таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш жараёни ва қабул қилинган қарорларни тавсифлашда ўз ифодасини топиши лозим.</p>
<b>Молиявий саводхонлик</b>	<p>Молиявий саводхонлик MPPни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни осонлаштиришнинг асосий элементи дир. Фасилитаторлар маҳалла вакилларининг камчиликларини тўғрилайди, молиявий саводхонлик (харажат ва бюджетлаштириш) эса, маҳалла вакилларининг асосий заиф жиҳати ҳисобланади.</p> <p>Фасилитаторлар молиявий тилда эҳтиёжларни ва муқобил инвестицияларни шакллантиришга ёрдам бера олишлари ва кейин уларни ташаббус гуруҳлари ва жамоат йиғилишлари учун тушунарли ва содда тилга “таржима” қила олишлари зарур.</p>



# 4 | MPP ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ УСУЛЛАР ВА ВОСИТАЛАР



Ушбу боб МРРни ишлаб чиқишда қўлланиладиган асосий усулларга тавсиф беради. Умуман олганда, МРРни ишлаб чиқишнинг 4 та асосий усулини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ҳужжатларни тадқиқ қилиш
- Семинарлар (ва гуруҳ ишлари);
- Визуал таҳлиллар;
- Икки томонлама, кўп томонлама учрашувлар (шу жумладан интервьюлар).

Усулни танлаш муайян бир усулни қўллаш орқали бирор ахборот ёки маълумотни олиш имкониятига, шунингдек, қидириладиган маълумотнинг хусусиятларига (масалан, фактлар, баҳолаш, муносабат) боғлиқ бўлади.

МРРни ишлаб чиқишда муаммоларни аниқлаш ва ечимларни топиш учун қўлланиладиган энг кенг тарқалган воситалар қуйидагилардир:

- Маҳаллани хариталаш;
- Муаммолар галереяси;
- Асосий сабабларини таҳлил қилиш;
- SWOTSWOT таҳлили;
- Рискларни бошқариш;
- SMART мақсадларни қўйиш;
- Умумий ҳолатни кўриш воситаси;
- Статистик воситалар.

Бундай воситалар МРРни ишлаб чиқишда турли жараёнлар ва таҳлил элементларига хос бўлади.

## 4.1. ҲУЖЖАТЛАРНИ ТЕКШИРИБ ЧИҚИШ

### Мақсад ва унинг кўлами

Ҳужжатларни текшириб чиқиш МРР ишлаб чиқишнинг энг муҳим босқичи ҳисобланади – мавжуд маълумотларни тўплаш, тартибга солиш ва синтез қилиш орқали фасилитаторлар ва бошқа манфаатдор томонлар бу жараённинг асосий концепциялари, умумий маълумотлари, устувор жиҳатлари ва тенденциялари ҳақида тушунчага эга бўладилар, шунингдек, семинарлар, йиғилишлар ва визуал кузатишлар давомида ҳал қилиниши керак бўлган камчиликларни аниқлайдилар.

Ҳужжатларни текшириб чиқиш фаолияти манбаларни сканерлаш, статистик маълумотларни йиғиш, иккинчи даражали маълумотларни таҳлил қилиш ва барча ҳужжатлар тартибга солиниши ҳамда улардан осон фойдаланиш учун маълумотномалар рўйхатини яратишни ўз ичига олади.

### Долзарблик

Бу усул жуда долзарб бўлиб, асосий усул сифатида қўлланилади:

- Ижтимоий-иқтисодий ва экологик статистик маълумотларни қидириш;
- Шу жойга оид маълумотларни қидириш;

- Коммунал хизматлар ва хизматлардан фойдаланиш бўйича маълумотларни қидириш;
- Давлат инфратузилмаси бўйича маълумотларни қидириш;
- Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўйича маълумотларни қидириш;
- Жамоалар ва туманларнинг турли хариталари ва қашшоқлик хариталарини қидириш;
- Давлат ва донор инвестиция дастурларини излаш;
- Сиёсат мақсадлари ва вазифаларини қидириш.

Хужжатларни тадқиқ қилиш манбаларни текшириш орқали жавоб топиб бўлмайдиган саволларни аниқлаш орқали давлат органлари, ташаббус гуруҳи, жамоатчилик вакиллари билан учрашувларга тайёргарлик кўришга катта ёрдам беради.

### **Афзалликлари ва камчиликлари**

- Турли шаклда қўлланилиши;
- Ахборотдан фойдаланишнинг қулайлиги;
- Умумлаштириш ва хулоса чиқариш осонлиги;
- Муайян саволларга жавоб бермаслик ёки аниқ маълумотларни ўз ичига олмаслик эҳтимоллари;
- Маълумотлар эскирган бўлиши мумкинлиги.

## **4.2. УЧРАШУВЛАР**

### **Мақсад ва унинг кўлами**

Манфаатдор томонлар билан учрашувлар маълумотларни танлашнинг асосий усули ҳисобланиб, унинг мақсади танланган манфаатдор томонлар, хусусан, жамоатчилик вакиллари, ташаббус гуруҳи, бошқа жалб қилинган томонлардан маълумот ва фикрларни тўғридан-тўғри олишдир. Бу усул муайян кодланган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда бошқаларнинг муносабатлари, фикр-мулоҳазалари ва шу каби ахборотни тўплаш учун муҳим бўлиши мумкин.

Учрашувлар барча турдаги манфаатдор томонларни қамраб олиши мумкин ва айниқса, фикрлар, муносабатлар ва ҳоказо маълумотларни йиғиш зарур бўлганда қимматли бўлиш эҳтимоли юқоридир.

### **Долзарблик**

Бу усул жуда долзарб бўлиб, асосий усул сифатида қўлланилади:

- Ривожланишнинг устувор йўналишлари, мақсадлари, инвестицияларнинг устувор жиҳатларини аниқлаш;
- Қўшимча маълумотларни қидириш.

### **Афзалликлари ва камчиликлари**

- Фикр-мулоҳазаларни кодлаштириш имконини беради;
- Муаммоларни, асосий сабабларни, тарихий истиқболни чуқур баҳолаш имконини беради;
- Қўшимча маълумотларни олиш мумкин;
- Дастлаб кўриб чиқилмаган ғоялар ва муаммоларни очиб беради;
- Кўп вақт талаб қилади;
- Шахсий ноҳолислик хавфи.

### 4.3. ВИЗУАЛ КУЗАТУВЛАР

#### Мақсад ва унинг қўлами

Визуал кузатувларнинг асосий мақсади МРРни қўллаб-қувватлаш доирасида давлат инфратузилмасининг ҳолати тўғрисида етарли маълумотни олишдир.

#### Долзарблик

Бу усул инфратузилманинг жорий техник ҳолати, амортизация ва хавфсизлик тўғрисида маълумот тўплаш учун фойдали бўлиши мумкин. Мазкур усулни қўллашда энг мақбул кишилар сифатида қурилиш соҳасидаги мутахассисларни таклиф қилиш мумкин.

#### Афзалликлари ва камчиликлари

- Айни вақтдаги техник ҳолат ҳақида ҳақиқатга асосланган асосли маълумотларни тақдим этади;
- Умумий хулоса чиқариш учун фойдаланиш қулай;
- Мутахассиснинг хулосаси чуқур экспертиза учун муҳимдир;
- Аниқ хулоса чиқариш учун қўшимча экспертиза талаб қилиниши мумкин.

### 4.4. ЖАМОАТЧИЛИКНИ САФАРБАР ҚИЛИШ БЎЙИЧА СЕМИНАР

#### Мақсад ва унинг қўлами

Жамоатчиликни сафарбар қилиш бўйича семинар – бу муайян натижани қўлга киритиш учун мўлжалланган узокроқ давом этувчи интерактив йиғилиш ёки сессиядир. Бу кишилар гуруҳларининг биргаликда, тизимли ҳаракат қилишлари учун тузилган усулдир. Ушбу усул МРРни ишлаб чиқишнинг асосий усули ҳисобланади, чунки у маҳалла вакиллари билан ишлаш учун қулай ҳисобланади. Бу усулдан ғояларни шакллантириш, таклифларни муҳокама қилиш учун фойдаланиш мумкин.

#### Долзарблик

Мазкур усул одамларнинг фикрлари, уларни нима ташвишга солиши, маҳалланинг ривожланиш истиқболлари ҳақида улар қандай фикрда эканлигини аниқлаш ва ўрганиш учун қўлланилади.

#### Афзалликлари ва камчиликлари

- Каттароқ мақсадли гуруҳ билан ишлаш;
- Қаноатлантирилган ва қаноатлантирилмаган эҳтиёжларни тушуниш
- Эҳтиёжларни, устуворликларни аниқлаш;
- Манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазаларини уларнинг ўзидан тинглаш;
- Вақт ва харажатларни талаб қилиши;
- Тажрибали фасилитатор зарурлиги;
- Натижаларни бутун аҳоли нисбатида олиш учун вакилликка алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги. .

### 4.5. МРР ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ ВОСИТАЛАР

МРР ишлаб чиқишда турли хил воситалар қўлланилиши мумкин. Аксарият воситалар МРР ишлаб чиқиш босқичларига хосдир. Воситалар ҳақида қисқача маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган..



<b>Маҳаллани хариталаш</b>	Маҳаллани хариталаш маҳаллани ривожлантириш бўйича устувор жиҳатларни аниқлашда “пастдан юқорига” ёндашувни қўллаб-қувватловчи восита ҳисобланади. Бу усул асосий жамоат инфратузилмасини аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини тавсифлаш ва камчиликлар тўғрисида хулоса чиқариш, жамоа ҳудудининг визуал харитасига асосланади.
<b>Муаммолар галереяси</b>	Муаммолар галереяси маҳалла ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш ва уларни тартиблашда “пастдан юқорига” ёндашувни қўллаб-қувватловчи восита ҳисобланади. Мазкур усул янгилини ёки қурилиши керак бўлган давлат инфратузилмаси рўйхатини аниқлашга асосланган. Ана шу рўйхат аниқлангандан сўнг, ҳар бир инфратузилма объекти учун устувор даражани овоз бериш жараёни орқали белгилаш мумкин.
<b>Асосий сабабларни таҳлил қилиш</b>	Асосий сабабларни таҳлил қилиш муаммолар ёки ҳодисаларнинг “илдиз сабабларини” аниқлаш ва уларга жавоб бериш ёндашувини аниқлаш учун тизимли жараёндир. Бу усул самарали бошқарув фақат муаммоларни юзага келгандагина бартараф қилиш эмас, балки уларнинг олдини олиш йўлини топишни талаб қилувчи асосий ғояга асосланади. Бу восита ечимларни аниқлаш учун қўлланилади.
<b>SWOTSWOT таҳлили</b>	SWOTSWOT (инглизча “strengths, weaknesses, opportunities, and threats” яъни кучли жиҳатлар, заиф томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар, сўзларининг бош ҳарфлари) таҳлили ҳудудий таҳлилни ўтказиш учун ишлатилиши мумкин бўлган асосдир. SWOT таҳлил ички ва ташқи омилларга, шунингдек, ҳозирги ва келажакдаги салоҳиятга қаратилган бўлади. Нохолис фикрлар ёки шубҳали жойлардан қочиб, ҳаётнинг реал масалаларига эътибор қаратиш орқали таҳлилни тўғри амалга ошириш лозим.
<b>СМАРТ</b>	СМАРТ – (инглизчадаги “Specific, Measurable, Achievable, Relevant, and Time-Bound” яъни “муайян, ўлчанувчи, эришиш мумкин бўлган, долзарб ва аниқ муддатли” жумласининг бош ҳарфлари) бу маълум, яъни муайян, ўлчанувчи, эришиш мумкин бўлган, долзарб ва аниқ муддатли ижобий жиҳатлар бўйича мақсадларни белгилаш ва баҳолаш усулидир. Мақсадга алоқадор бўлган ушбу параметрларни белгилаш мақсадларга маълум вақт оралиғида эришишни таъминлашга ёрдам беради. Бу восита кўпинча ривожланиш мақсад ва вазифаларини белгилаш учун қўлланилади.
	Умумий ҳолатни кўриш – бу ҳеч қандай тафсилотларсиз вазиятнинг умумий кўринишини тақдим этувчи восита ҳисобланади. Ривожланиш эҳтиёжлари ва мақсадларига нисбатан мавжуд вазиятни концепциялашда умумий ҳолатни кўриш воситасини қўллаш таклиф қилинган ривожланиш стратегиясининг кенгрок контексти ва ўзаро боғлиқлигини таъминлашда тавсия этилади.
<b>Умумий ҳолатни кўриш</b>	Рискларни бошқариш воситалари кўрсаткичларни аниқлаш ва яратиш, параметрларни белгилаш, устувор жиҳатларни белгилаш ва жавобларни ишлаб чиқиш ҳамда хавфни кузатиш орқали ноаниқликни бартараф этишга имкон беради. Ушбу фаолиятни воситалар ва техникалар, ҳужжатлар ва ахборот тизимларисиз кузатиб бориш қийин бўлиши мумкин.  Хавфларни одатий усуллар ёрдамида баҳолаш суб-лойиҳаларни амалга оширишнинг тавсия этилган жадвалига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.
<b>Рискларни бошқариш воситалари</b>	Статистические инструменты помогают определить микромодель представительства сообщества, что позволяет обеспечить принцип пропорциональности. Они способствуют определению категорий населения и обобщенных переменных для формирования пропорционального состава инициативной группы и участников семинаров в сообществе.
<b>Статистик воситалар</b>	Статистик воситалар мутаносиблик тамойилини таъминлашга имкон бериш учун маҳалла аъзолари вакилликнинг микромоделини аниқлашга ёрдам беради. Улар ташаббус гуруҳи ва жамоатчилик учун ташкил этилган семинарларидаги мутаносиб аъзоликни ҳосил қилиш учун аҳоли тоифалари ва жамланма ўзгарувчиларни аниқлашга ҳисса қўшади.



# 5 | МРРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ



MPP қўлланмасини амалий қўллаш бўйича босқичма-босқич қўлланма MPP бошқарув даврини ташкил этувчи 12 босқичдан иборат. Ҳар бир босқич бир нечта кичик босқичларни ўз ичига олади. MPP ишлаб чиқилишида бу босқичлар изчил, яъни кетма-кет бажарилиши зарур.



Умуман олганда, MPPни ишлаб чиқиш жараёни 4-6 ойгача давом этиши мумкин, аммо муддат ҳужжатнинг кўлами ва мураккаблигига (масалан, кластер MPP ва индивидуал жамоа MPP, қамраб олинган секторлар, аниқланган суб-лойиҳалар) боғлиқ бўлишини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳар бир қадам учун ҳисобланган давомийлик MPP қўлланмаси фойдаланувчилари учун тахминий йўналиш бўлиб, у MPPлар бўйича фарқланиши мумкин.

1-иловада MPP ишлаб чиқиш босқичларини амалга ошириш бўйича назорат рўйхати келтирилган.

## 0-БОСҚИЧ: ТАЙЁРГАРЛИК

<b>Мақсад</b>	МРРни ишлаб чиқиш, ишчи гуруҳни ташкил қилиш, мақсадларни белгилаш ва ишни режалаштиришни муваффақиятли бажаришга тайёрланиш
<b>Кўзланган муддат</b>	1-2 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	Ёлланадиган фасилитаторлар
<b>Услугалар</b>	Офис ишлари
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муайян ишларга тайинланган ва бунга тайёр фасилитаторлар</li> <li>• Иш режаси, жумладан иш жадвали</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Маҳаллалар</li> </ul>

### Тайёргарлик тадбирлари

Муайян маҳалла учун МРР ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилганидан сўнг, бу жараёни ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари бошланиши мумкин. У фасилитаторларни сафарбар қилиш, мавжуд ресурсларни аниқлаш ва иш режасини тузиш каби ҳаракатларни ўз ичига олади.

Агар ҳудудий ривожланиш учун бир нечта қўшни маҳаллаларни ягона МРРни ўз ичига олган кластер-МРРни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, тайёргарлик босқичи иш самарадорлигини ошириш учун барча тегишли жиҳатларни ҳисобга олиши керак бўлади.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: ФАСИЛИТАЦИЯ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ГУРУҲИНИ САФАРБАР ҚИЛИШ

<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафтагача
<b>Якуний натижалар</b>	Муайян ишларга тайинланган ва бунга тайёр фасилитаторлар

### 1. МРР учун асосий масъул фасилитаторни тайинлаш

Фасилитаторлар маҳаллий маҳаллаларда МРР ишлаб чиқишни қўллаб-қувватловчи асосий иштирокчилардир. МРР ишлаб чиқиш учун асосий масъул фасилитатор тайинланиши зарур. Шунингдек, МРР учун масъул фасилитатор ўринбосарини тайинлаш ҳам тавсия этилади.

Асосий фасилитаторни тайинлаш мезонлари, асосан, барча фасилитаторлар ўртасидаги иш юкмасини мувозанатлаш тамойилига асосланиши лозим. Кластер-МРР ва алоҳида маҳаллалар учун МРР иккаласини ишлаб чиқиш параллел равишда амалга оширилган тақдирда, иш юкмасини имкон қадар тенглаштириш учун асосий масъул иштирокчилар сифатида фасилитаторлар ўртасида МРРнинг иккала турини мувозанатлаш тавсия этилади.

### 2. Ёрдамчи гуруҳни тайинлаш

Ёрдамчи гуруҳ таркибига МРРни ишлаб чиқишда фасилитаторларга ёрдам бериши мумкин бўлган ва талаб қилинадиган, жамоаларни сафарбар қилиш бўйича мутахассислар, АТ бўйича мутахассислар, муҳандислар, ҳайдовчилар, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар ва ИТБ лойиҳасининг бошқа ходимлари киритилиши мумкин. Мазкур ёрдамчи гуруҳ бир вақтнинг ўзида бир нечта МРР ни ишлаб чиқишга хизмат қилишини ҳам кўзда тутиш мумкин.

### 3. Тренинглار ўтказиш

Фасилитаторлар (ва ёрдамчи гуруҳ) МРРни ишлаб чиқишда тегишли малака ва кўникмаларга эга бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўникмалар сирасига одамлар билан муомала қилишдаги ижтимоий кўникмалар ҳамда алоҳида вазифаларни бажариш учун зарур бўлган билим ва малакаларни ўз ичига олган касбий кўникмаларни киритиш мумкин.

Ташкилий модулли тренинглар одатда малака ошириш жараёнини бошқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади, ва бундай тренинглар турли хил кўникмаларни ривожлантиришга ихтисослашган бўлиши зарур. Фасилитаторлар ишилар билан яхши муомалада бўлиш, коучинг, фасилитация ва МРР қўлланмасидан фойдаланиш каби мавзуларда мажбурий тренингларда ўқишлари тавсия этилади. Янги ишга қабул қилинган фасилитаторлар учун иш жойида ташкил қилинадиган тренинглар ҳам ўтказилиши мумкин, бунда ёш кадрлар бевосита малакали кадрлардан иш ўрганадилар. Бунда Telegram-чатлар, умумий булутли дастурлар ва мунтазам семинарлар каби муайян билимларни бошқариш ечимлари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: МАВЖУД РЕСУРСЛАР КўЛАМИНИ АНИҚЛАШ

Кўзланган муддат	1 ҳафтагача
Яқуний натижалар	Аниқланган вақт ва ресурслар сарфи

### 1. Қулай вақт

Аввало, МРРни ишлаб чиқиш учун қулай бўлган муддатни кўриб чиқиш тавсия этилади, чунки бошқа ресурсларнинг аксарияти вақт омилига боғлиқ бўлади.

Унга ажратиладиган муддатлар воқелиқдан келиб чиқиб белгиланиши зарур, яъни ушбу муддатда юқори сифатли МРРни ишлаб чиқиш, фасилитаторлар иши, жамоатчилик билан муҳокамалар (ташаббус гуруҳи ва жамоат йиғилишлари), миллий, вилоят ва туман ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилиш учун вақт ажратиш мумкин бўлиши лозим. Жараёнга дастлаб режалаштирилган вақтнинг камида 10% ҳажмида маълум захира ажратилиши керак.

Шунингдек, яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳат – вазифалар ва жараёнларнинг икки марта бажарилиши хавфи: агар фасилитатор ёки бошқа манфаатдор томонлар бошқа муҳим вазифалар билан машғул бўлишини ҳисобга олсак (бошқа МРРларни ишлаб чиқиш ёки амалга ошириш, маълумотларни тўплаш ва ҳисобот бериш вазифалари, иш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар), вазифаларни алмашиш ҳолатига мослашиш учун иккала жараёнга қўшимча вақт ажратиш керак бўлади.

### 2. Муҳим харажатлар тоифалари ва мавжуд ресурслар

Мавжуд ресурслар кўламини аниқлаш МРРни ишлаб чиқиш учун реал ва амалга оширилиши мумкин бўлган иш режасини мослаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Харажатлар тоифалари ва харажатларини аниқлаш ресурсларни режалаштиришнинг кейинги босқичи бўлиши лозим. Ресурсларни аниқлаш учун ресурсларнинг қуйидаги тоифалари кўриб чиқилиши мумкин:

1. Ускуналарга бўлган эҳтиёж: компьютерлар, бошқа офис жиҳозлари (масалан, презентациялар учун экранлар ва проекторлар), мобил телефонлар, интернет ва бошқа алоқа воситалари	Ускуналарни сотиб олиш ёки ижарага олиш (агар қулайроқ ва молиявий жиҳатдан фойдали бўлса) ва жорий харажатларни аниқлаш
2. Биноларга бўлган эҳтиёж (масалан, фасилитаторлар ишлаши учун офис, маҳалла аҳолиси ва ташаббус гуруҳи билан учрашувлар ташкил этиш учун бинолар)	Оммавий тадбирларни ташкил этиш учун офислар ва биноларни ижарага олиш харажатларини қоплашга зарурат бўлиши ёки йўқлигини аниқлаш
3. Маҳаллаларга, шунингдек, вилоят ва туман ҳокимликларига бориш учун зарур транспорт	Транспорт учун эҳтимолий ечимларни (масалан, жамоат транспорти, лойиҳа ходимлари томонидан тақдим этиладиган транспорт) ва тегишли харажатларни аниқлаш
4. МРР жараёни учун зарур бўлган хабардорлик ва ошкоралик: маҳаллий, минтақавий ва бутун республика бўйлаб хабардорлик даражаси.	МРР ишлаб чиқиш бўйича хабардорликни ошириш учун зарур бўлган харажатларни аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• маҳаллада (плакатлар, варақалар, билбордлар, роликлар ва бошқалар),</li> <li>• оммавий мунозараларни қўллаб-қувватлаш харажатлари (масалан, кофе-брейк),</li> <li>• ва минтақавий ва республика даражасидаги хабардорлик (онлайн ва анъанавий нашрлар, фото ва видео материаллар, матбуот анжуманлари)</li> </ul>

### 3-СУБ-БОСҚИЧ: ИШ ЖАДВАЛИ ВА ИШНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ АНИҚЛАШ

Кўзланган муддат	2-3 кун
Якуний натижалар	Иш режаси, ишлаб чиқилган жумладан иш жадвали

#### 1. Ишни ташкил этиш хусусиятлари

Жараённинг барча босқичлари учун аниқ қадамлар кўрсатилган МРРни ишлаб чиқиш бўйича иш режаси ишлаб чиқилиши зарур бўлади. Бундай иш режаси жараённинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган қадамлар ва асосий вазифаларни белгилаши ва барча асосий тадбирлар жадвалларини ўз ичига олиши керак.

Иш режасининг вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ресурслар ҳам унда акс эттирилиши лозим. Иш режасида молиявий, кадрларга оид, жорий, вақтинчалик ва технологик ресурслар миқдорий жиҳатдан кўрсатиб ўтилиши зарур.

Агар МРРни ишлаб чиқиш жараёнида иш режасини амалга оширишда жиддий кечикишлар ёки ўзгаришлар аниқланса, иш режаси реал ва ишончли ҳужжат бўлиб қолиши учун ҳам, у янгилаши керак.

#### 2. Иш жадвалини ишлаб чиқиш

Иш режасини тайёрлаш учун фасилитаторлар биринчи навбатда қуйидаги саволларга жавоб бериш орқали МРРни ишлаб чиқишда амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар бир босқичдаги асосий тадбирларни мувофиқлаштириб олишлари мақсадга мувофиқдир:


- МРРни ишлаб чиқиш учун ҳар бир босқичда қандай муҳим вазифалар ва тадбирлар мавжуд? (Эслатма: фасилитаторлар ушбу қўлланмага таянган ҳолда, кўп саволларга жавоб топишлари мумкин.)

- Ушбу вазифалар ва ҳаракатлардан қайси бири рўйхати бошқа ҳаракатларнинг бажарилишига туртки беради ва улар ўзаро қандай боғланган?
- Муайян МРР учун иш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бошқа ишлаб чиқиш босқичидаги МРРларнинг иш режаларига қандай таъсир қилади?

Агар айтилган фасилитаторлар учун бир нечта МРР ишлаб чиқиш параллел равишда режалаштирилган бўлса (бир нечта кластерли МРР ёки бир нечта маҳалла учун МРР), ресурслар ва фаолият ҳақида кенгроқ тушунчани таъминловчи вазифаларни биргаликда акс эттирувчи қўшма иш режасини ишлаб чиқиш тавсия этилиши мумкин.

Тегишли босқичлар доирасидаги асосий тадбирлар аниқлангандан сўнг, таклиф қилинган иш жадвали бўйича маҳаллалар билан маслаҳатлашиш муҳимдир. Режалаштирилган тадбирларни муҳокама қилгандан сўнг, кутилган натижалар, зарур ресурслар, муваффақият кўрсаткичлари, амалга ошириш муддатларини аниқловчи батафсил иш режаси ишлаб чиқиши мумкин.

Иш режасини яратиш учун Microsoft Project каби компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкин. Иш режасини яратиш учун махсус Гантт диаграммаси воситасидан ёки оддийроқ қилиб айтганда MS Excel дастуридан ҳам фойдаланиш мумкин.





## 1-БОСҚИЧ: ВИЛОЯТ ВА ТУМАН ҲОКИМИЯТЛАРИ УЧУН МРР КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

<b>Мақсад</b>	Вилоят ва туман миқёсида тегишли ҳокимият органлари вакиллари билан олиб бориладиган тушунтириш ишлари
<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иш режаси</li> <li>• Маҳалла ҳақида асосий маълумотлар</li> </ul>
<b>Услугалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Офис ишлари</li> <li>• Презентация</li> <li>• Кейинги музокаралар</li> </ul>
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўтказилган презентация</li> <li>• Ҳар қандай кейинги саволларга аниқлик киритилиши</li> <li>• Яхши ишчанлик алоқалари ўрнатилиши</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Лойиҳа ходимлари</li> <li>• ЛАГ</li> <li>• Вилоят ва туман ҳокимияти органлари</li> </ul>

### Мақсадлар ва принциплар

ЖДРни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқиш бўйича Иш режасини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг вилоят ва туманлар миқёсида манфаатдор давлат ҳокимияти органлари билан тушунтириш-тарғибот учрашувларини ўтказиш тавсия этилади.

Учрашувнинг мақсади манфаатдор томонларни хабардор қилиш, жалб қилиш ва МРРни ривожлантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун туман ишчи гуруҳини тузишдир.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: УЧРАШУВГА ТАЙЁРГАРЛИК

<b>Кўзланган муддат</b>	3 кун
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Манфаатдор томонлар аниқланди</li> <li>• Учрашувлар вақтлари белгиланди</li> <li>• Презентация ишлаб чиқилди</li> </ul>

### 1. Манфаатдор томонларни аниқлаш

Ҳудудий режалаштириш ва ривожлантиришга, айниқса, давлат инфратузилмаси ва коммунал хизматларга эътибор қаратувчи вилоят ва туман ҳокимият органларини аниқлаш:

- туман ҳокимлиги ҳузуридаги Иқтисодий ривожлантириш бўлими
- туман ҳокимлиги ҳузуридаги Инвестицияларни режалаштириш ва бошқариш бўлими;
- вилоят ва туман миқёсида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари,
- Вилоят ва туман миқёсида давлат хизматлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар:
  - ▶ ижтимоий ёрдам,
  - ▶ соғлиқни сақлаш,

- ▶ таълим,
- ▶ сув ва оқава сувларни бошқариш,
- ▶ транспорт инфратузилмаси ва жамоат транспорти
- ▶ электр энергияси таъминоти.
- МРР жараёни билан ҳамкорлик қилиш учун таклиф қилинадиган / юбориладиган муассасаларнинг аниқ вакилларини аниқлаш устида ишлаш.
- Ушбу вакилларнинг баъзилари МРРни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давомида ҳамкорлик қилиш учун туман даражасидаги ишчи гуруҳини ташкил қилади.

## 2. Учрашувларни режалаштириш ва ташкил этиш

Тегишли муассасалар вакиллари сифатида ваколат берилган барча шахслар билан боғланиш орқали учрашувлар учун мос вақтни топиш. Учрашувларнинг мақсади ҳақида муассасаларни хабардор қилиш.

Икки хил учрашувни ташкил қилиш (бинолар, жиҳозлар, тарқатма материаллар, плакатлар, фотосуратчи, матбуот учун материаллар, кофе-брейк) ва ўтказиш:

- Вилоят вакиллари билан 1 соатлик учрашув;
- Туман вакиллари билан 1,5-2 соатлик учрашув.

## 3. Презентация тайёрлаш

Power-point дастурида МРР жараёнининг асосий жиҳатларини қамраб олувчи презентация тайёрлаш. Ҳар қандай МРР учун қўлланиладиган стандарт элементлардан фойдаланиш ва уларни МРР ишлаб чиқилган маҳалла ҳақидаги аниқ маълумотлар билан тўлдиринг.

Йўриқнома сифатида қуйидаги контентдан фойдаланиш мумкин:

- Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот,
- МРРни ишлаб чиқишнинг мақсади ва тамойиллари,
- Ишлаб чиқиш жараёни: асосий босқичлар ва ўзаро алоқалар,
- манфаатдор томонларнинг роли ва масъулияти,
- Жараённинг муддатлари: ишлаб чиқиш ва амалга ошириш,
- Инфратузилма кўлами (қўллаб-қувватланиши мумкин бўлган барча эҳтимолий инфратузилма турлари),
- Маҳалланинг географияси, эҳтиёжлари ва ресурслари бўйича аниқ маълумотлар,
- МРРни амалга ошириш учун тахминий бюджет.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: ЙИҒИЛИШЛАР ЎТКАЗИШ

<b>Кўзланган муддат</b>	2 кун
<b>Яқуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўтказилган презентация</li> <li>• Ҳар қандай кейинги саволларга аниқлик киритилиши</li> <li>• Яхши ишчанлик алоқалари ўрнатилиши</li> </ul>

### 1. Учрашувларни ўтказиш

Презентацияни намойиш қилинг ва барча иштирокчилар кузатиб бориши ва тушуниши учун слайдларни секинроқ ўтказиб, тушунтиринг. Иштирокчиларнинг иқтисодий ва инфратузилмани ривожлантиришни режалаштиришда аввалги фаолиятлари ва тажрибалари турлича эканлигини ёдда тутинг.

Иштирокчиларнинг энг кўп бериладиган саволларига жавоб беришга тайёр бўлинг. Тақдимот давомида мослашувчан бўлиш ва баъзи саволларга жавоб бериш тавсия этилади, шу билан бирга алоҳида савол-жавоб сессияси учун узоқроқ вақт ажратинг.

Туман ҳокимлиги билан бўлиб ўтган учрашувда иштирокчилар номзодини кўрсатиш бўйича туман ишчи гуруҳи ва мутасадди ташкилотлар вакиллари вакилларининг ваколатларини таъкидланг. Номзодлар рўйхатини топшириш муддатини белгиланг. Ишчи гуруҳда туман ҳокимият органларининг барча тегишли вакиллари (айниқса, алоҳида ҳолатларга ҳудудий ҳокимият органларини жалб қилиш) жалб қилинишини кўриб чиқиш. МРР тузиш жараёнида қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган инфратузилманинг барча потенциал эгалари вакиллик қилишлари таъминланиши зарур. Инфратузилма ва коммунал хизматлар объектларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш харажатларини молиялаштирувчи потенциал томонларнинг вакиллиги ҳам бўлиши мақсадга мувофиқдир. Гуруҳ ташкилотлар даражасида эмас, балки шахслар даражасида тузилиши зарур: барча йиғилишларда айна шахсларнинг иштирок этиши ишнинг узлуксизлигини таъминлайди. Келажакда фойдаланиш, хусусан, кейинги йиғилишларни ташкил этиш, уларни ишчи гуруҳга қўшилишга таклиф қилиш, айрим муассасалар вакилларига МРР жараёни ҳақида маълумот берилганлигини исботлаш ва шу каби ҳаракатлар учун йиғилишнинг барча иштирокчиларининг алоқа маълумотларини тўплаганингизга ишонч ҳосил қилиш.

## 2. Учрашувдан кейинги ҳаракатлар

Йиғилган алоқа маълумотларидан фойдаланган ҳолда йиғилиш хулосасини иштирокчиларга улашинг. Учрашув иштирокчиларига ҳар қандай тушунтириш ёки маълумот учун сиз ва ҳамкасбларингиз билан боғланишлари мумкинлигини эслатиб турунг.

Келажакда маълумотлар алмашинувини яхшилаш учун учрашувнинг барча иштирокчиларининг алоқа маълумотларини ўзаро алмашиш керак бўлади.

## 2-БОСҚИЧ: ТУМАН ИШЧИ ГУРУҲИНИ ТУЗИШ

<b>Мақсад</b>	МРРнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик таҳлилини, устувор жиҳатлар ва суб-лойиҳаларнинг эҳтиёжлари ҳамда амалга оширилишини аниқлашни текшириш учун ишончли баҳолаш кенгашини яратиш.
<b>Кўзланган муддат</b>	1-2 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	Тегишли туман ҳокимликлари томонидан ишчи гуруҳга номзодлар
<b>Услуглар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Офис ишлари</li> <li>• Семинар</li> </ul>
<b>Якуний натижалар</b>	Туман тезкор ишчи гуруҳи
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Ҳудудни ривожлантириш ва режалаштириш, давлат хизматлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлган туман раҳбарияти</li> </ul>

### Мақсад ва вазифалар

Туман ишчи гуруҳи ҳудудни ривожлантириш ва режалаштириш, шунингдек, давлат хизматлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлган туман раҳбарияти вакиллари ўз ичига олган органдир. Бунда соҳавий кўлам МРРдаги барча эҳтимолий инвестиция соҳаларини қамраб олиши зарур.

Ишчи гуруҳ МРРда кўзда тутилган инвестицияларни бошқа давлат манбалари билан мувофиқлаштириш, потенциал инфратузилмага эгалик қилиш масалаларини режалаштириш, инфратузилма тўлиқ ишлаши учун тегишли активлар, жиҳозлар, ходимларни режалаштириш каби фаолият билан шуғулланиши кўзда тутилади.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: ИШЧИ ГУРУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Кўзланган муддат	2 ҳафтагача
Якуний натижалар	Туман тезкор ишчи гуруҳи

### 1. Вакилларни жалб қилиш

Жалб қилинган томонлардан ишчи гуруҳига вакилларни кўрсатиш/вакиллик қилиш сўралган хабардорликни ошириш бўйича йиғилишдан сўнг, номзодлар/танловларни ва туман ишчи гуруҳи учун вакиллар билан боғланиш маълумотларни умумлаштириш.

Номзодларни ҳар бир жалб қилинган муассаса вакили иштирок этганлиги, иштирокчилар ишчи даражадаги ходимлардан иборатлиги, мурожаат қилиш маълумотлари тақдим этилганлиги каби асосий мезонларга мувофиқ текшириш.

Ишчи гуруҳ аъзоларини ишчи гуруҳ фаолияти тўғрисида хабардор қилиш ва уларни таништирув семинарига таклиф қилиш.

### 2. Таништирув семинари

Таништирув семинарининг асосий мақсади гуруҳнинг роли ва ваколатларини тушунтиришдан иборат. Бу тадбир 2 соатгача давом этиши кўзда тутилади.

Таништирув семинари қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши зарур:

- МРР ҳақида маълумот (ишлаб чиқиш даври ва муддатлари, МРР ишлаб чиқиладиган тумандаги қанча аҳоли манзилгоҳини қамраб олиши, маълумотлар манбалари, эҳтимолий инвестиция турлари ва ҳудудлари);
- Туман ҳокимлиги вакиллари, уларнинг малакаси ва тажрибасини иштирокчиларга таништириш;
- Ишчи гуруҳнинг жорий таркибидаги эҳтимолий камчиликларни (ҳозирги таркиб билан қамраб олинмаган келажакдаги потенциал таҳлил ва инвестициялар соҳалари ва киритилиши керак бўлган кўшимча ваколатлар) муҳокама қилиш;
- Ҳамкорлик усуллари ва дастлабки муддатлар.

## 3-БОСҚИЧ: МАҲАЛЛА ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР ТўПЛАШ

Мақсад	Маҳалла ва ташаббус гуруҳи билан ишлашга тайёргарлик кўриш учун шу маҳалла ҳақида маълумот тўплаш, МРР ҳудудий таҳлилин ишлаб чиқиш учун кириш маълумотларини тўплаш
Кўзланган муддат	3-4 ҳафта
Қилиниши керак бўлган ишлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Статистик маълумотлар</li> <li>• Маҳалла ҳудуди бўйича маълумотлар (умумий жойлашуви, мавжуд ҳудудларининг хариталари)</li> <li>• Алоқадор ҳужжатлар</li> </ul>
Услублар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Офис ишлари</li> <li>• Махсус ахборот учун маълумотлар сўраш</li> </ul>

<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Туман даражасидаги маълумотлар тўпланди</li> <li>• Маҳалла паспорти ишлаб чиқилди</li> <li>• Жойнинг ҳаритаси йиғилди</li> <li>• Ижтимоий-иқтисодий маълумотлар йиғилди</li> <li>• Тартиб-қоидаларга оид ҳужжатлар йиғилди</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Вилоят ва туман ҳокимияти органлари</li> </ul>

## Маълумотлар тўплаш

Маълумотларни йиғиш – бу керакли ўзгарувчилар бўйича маълумотларни тўплаш ва ўлчаш, уларни кейинги таҳлил ва тадқиқ қилиш имконини берувчи тўғри форматда бошқариш жараёнидир. Маълумот тўплаш учун қўлланиладиган усуллар статистик маълумотлар, ҳужжатлар ва ёзувлар бўйича тадқиқотлар, интервьюлар, сўровлар, тўғридан-тўғри кузатишлар ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Маҳаллани таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида айтиб ўтиш зарур (8-босқичга қаранг). Таҳлил учун талаб қилинмайдиган маълумотлар тўпламларини (ва ажратилган маълумотларни) йиғиш шарт эмас.

Маълумотлар манбаларини қайд қилиш тавсия этилади. Имкон қадар, фойдаланилган маълумотларга веб-ҳавоаларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: СТАТИСТИК ВА ЖОЙГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ

<b>Кўзланган муддат</b>	3-4 ҳафта (2-суб-босқич: билан параллел равишда)
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Туман даражасидаги маълумотлар тўпланди</li> <li>• Маҳалла паспорти ишлаб чиқилди</li> <li>• Жойнинг ҳаритаси йиғилди</li> <li>• Ижтимоий-иқтисодий маълумотлар йиғилди</li> </ul>

### 1. Туман даражасидаги маълумотларни тўплаш

Кенгроқ мазмунни таъминлаш учун асосий туман даражасидаги маълумотларни тўплаш тавсия этилади. Бунга туман харитаси, туман ҳудудининг майдони, географияси, аҳолиси, шаҳарлари ва қолган аҳоли пунктлари ҳақидаги маълумотлар киради.

Транспорт инфратузилмаси, таълим инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш инфратузилмаси, сув ва канализация инфратузилмаси, электр таъминоти инфратузилмаси каби асосий инфратузилма бўйича ҳам туман даражасидаги маълумотлар тақдим этилиши керак.

Аҳолининг саломатлик ҳолатини тавсифлаш учун асосий касалликлар, уларнинг динамикаси каби соғлиқ билан боғлиқ маълумотларни тўплаш тавсия этилади.

### 2. Маҳалла паспортини ишлаб чиқиш

Маҳалла паспорти маҳалланинг асосий хусусиятларини умумлаштиради. Маҳалла ҳақидаги асосий маълумотлар маҳалла паспорти намунасида тўпланиши керак. Буларга жамоат ҳудуди, аҳоли ва энг муҳим инфратузилма объектлари ҳақидаги (энг сўнги манбаларда мавжуд) маълумотлар киради.

### 3. Асосий ижтимоий-иқтисодий маълумотлар

Ижтимоий-иқтисодий маълумотлар у ёки бу маҳалланинг аҳолиси, саломатлик ҳолати ва касалликлар, саводхонлик ва таълим, турмуш даражаси ва қашшоқлик, ишчи кучи ва бандлик, аёлларнинг ҳолати ва гендер имкониятларини кенгайтириш, туғилиш, ўлим ва миграция, экология ва атроф-муҳит, тадбиркорлик фаолияти, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқалар ҳақида маълумотларини ўз ичига олади.

Ушбу маълумотлар тоифалари ижтимоий-иқтисодий таҳлил учун жуда муҳим ва МРРнинг маҳалла таҳлилига киритилиши зарур (8-босқичга қаранг). Маълумотларни ўсиш-камайиш ва тенденциялар бўйича таҳлил қилиш учун уларни аввалги 5-10 йиллик даврни қамраб олувчи динамикада тўплаш муҳимдир.

Тўпланиши керак бўлган тавсия этилган маълумотлар қаторлари қўлланмага илова қилинган (2-иловага қаранг).

### 4. Маҳаллани хариталаш

Маҳалла ҳудуди тўғрисидаги маълумотлар тўплами ердан фойдаланиш типологияси ҳақида маълумот беради ва инфратузилманинг жойлашини аниқлайди. Қолаверса, географик ахборот тизимлари ёрдамида бундай маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш мумкин.

Инфратузилма ва давлат хизматларининг барча асосий объектлари бундай хариталарда аниқ кўрсатилиши зарур. Худди шундай, МРРни ишлаб чиқишнинг келгуси босқичларида, суб-лойиҳа паспортини аниқлаш жараёнида инфратузилманинг ҳар қандай кўзда тутилаётган элементлари харитада жойлашган бўлиши лозим.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ

Кўзланган муддат	3-4 ҳафта (1-суб-босқич билан параллел равишда)
Яқуний натижалар	Тартиб-қоидаларга оид ҳужжатлар йиғилди

### 1. Маҳаллага оид қонуний ҳужжатларни йиғиш

Қонуний ҳужжатлар – бу ваколатли сиёсий раҳбарият (Президент, Ҳукумат, Парламент, минтақавий ҳокимият органлари, туман ҳокимиятлари ва бошқалар) томонидан тасдиқланган, келажакдаги тартиб-қоидалар мазмуни ва ривожланиш мақсадларига эришиш учун қилинган танловларни тавсифловчи ҳужжатлардир. Булар мамлакатнинг барча ҳудуди ва иқтисодиёт тармоқларини қамраб олувчи кенг қамровли дастурий ҳужжатлар, муайян тармоқ дастурий ҳужжатлари, ислохотни режалаштириш бўйича ҳужжатлар, ҳудудни ривожлантириш бўйича муайян ҳужжатлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Тўпланиши керак бўлган энг муҳим ҳужжатлар – бу МРР томонидан қамраболинадиган муайян соҳаларга (масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, сув хўжалиги, йўллар инфратузилмаси) оид ҳуқуқий ҳужжатлар, маълум бир ҳудуд ва инвестиция стратегиясини ривожлантиришга бевосита алоқадор бўлган ҳужжатлардир (масалан, минтақавий даражада инвестиция стратегиясини белгилайдиган 5 йиллик минтақавий ривожланиш дастури).

Бундай ҳужжатларни тўплашдан мақсад МРРда кўзда тутилган инвестицияларини юқори даражадаги сиёсий ҳужжатлардаги концепциялар билан боғлаш имкониятидир.

## 2. Қўшни маҳаллаларнинг ҳудудини ривожлантириш ҳужжатларини тузиш

МРРни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қўшни маҳаллаларнинг режалари ҳам аниқланиши ва тегишли манбаларидан олинishi зарур. Бу ушбу маҳалланинг МРРни кенгроқ географик контекстда кўриб чиқиш ва бошқалар томонидан тақдим этилган ташқи таъсирлардан қочиш, шунингдек, қўшнилари учун салбий ташқи таъсирларни яратмаслик учун амалга оширилади.

## 4-БОСҚИЧ: ЖАМОАТЧИЛИКНИ САФАРБАР ҚИЛИШ БЎЙИЧА СЕМИНАР

<b>Мақсад</b>	“Пастдан юқорига” ёндашувни ва маҳалланинг мутаносиб вакиллигини таъминлаш орқали маҳалланинг ривожланиш муаммолари ва ўзининг муаммоларини аниқлаш.
<b>Кўзланган муддат</b>	2-3 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла аъзолари тўғрисидаги маълумотлар</li> </ul>
<b>Услугалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Вакиллик микромоделини аниқлашнинг статистик усуллари</li> <li>• Маҳаллани хариталаш</li> <li>• Муаммолар галереяси</li> </ul>
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари танланди</li> <li>• Ташаббус гуруҳи шакллантирилди</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Маҳалла аъзолари</li> <li>• Ташаббус гуруҳи</li> </ul>

### Мақсад

Жамоатчиликни сафарбар қилиш бўйича семинар – бу маҳалла ривожланишининг устувор йўналишлари белгилловчи асосий тадбирдир. Маҳаллани ривожлантириш устувор жиҳатларидан келиб чиқиб, МРРни ишлаб чиқиш жараёнида инвестицион суб-лойиҳалар таклиф этилади

Маҳаллани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари “пастдан юқорига” ёндашув асосида таклиф этилади, яъни ташаббус семинарда иштирок этаётган маҳалла вакиллари билан келади. Ривожланиш масалалари ва муаммолари хилма-хиллигини адолатли тақдим этишни таъминлаш мақсадида семинарда маҳалла аҳолисининг мутаносиб вакиллиги маҳалла микро-модел вакиллиги асосида таклиф этилади.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: МУНОЗАРАГА ТАКЛИФ

<b>Кўзланган муддат</b>	1-2 ҳафта
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла вакиллари билан микро модели ишлаб чиқилди</li> <li>• Иштирокчилар семинарга таклиф қилинди</li> </ul>

### 1. Семинарнинг вақтларини белгилаш

Маҳалла раҳбарияти билан боғланиш ва мутаносиб вакиллик тамойилини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши вариантлар бўйича маслаҳатлашиш орқали семинар учун мос вақт топинг.

Маҳалла раҳбариятини йиғилишнинг мақсади, яъни МРР томонидан кўриб чиқиладиган маҳаллани ривожлантиришнинг устувор жиҳатларини аниқлаш ва йиғилишнинг оптимал давомийлиги (масалан, 2 соатлик тадбир) ҳақида хабардор қилиш.

МРРни ишлаб чиқишда “пастдан юқорига”, “мутаносиб вакиллик” ва шу каби асосий тамойиллар, шунингдек, семинар иштирокчиларини аниқлашда маҳалла раҳбарияти қандай иштирок этишини тушунтириш тавсия этилади. Маҳалла аҳолиси ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш зарурати билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш.

Бинолар, жиҳозлар, плакатлар, фотосуратчи ва кофе-брейкларни ташкил қилиш каби ташкилий масалаларни кузатиб бориш.

## 2. Маҳалла аъзоларининг вакиллиги

Маҳалланинг мутаносиб вакиллиги (батафсил 2.3-бобга қаранг) семинарни ташкил этиш ва унинг иштирокчиларини танлашда таъминланиши керак бўлган асосий тамойилдир. Шунинг учун маҳалла вакилларининг микро-моделини аниқлаш ва аҳоли гуруҳларини ифодаловчи маҳалла аъзоларини аниқлаш зарур.

Маҳалла аҳолисининг асосий хусусиятлари олтига тоифани ўз ичига олади, булар – жинси, ёши, маълумоти, бандлик ҳолати, этник келиб чиқиши ва яшаш жойи. Категорияларнинг ҳар бири чекланган ўлчамларга эга, бунда ҳар бир ўлчов маҳалланинг ҳар бир аҳолисига битта ўзгарувчи билан боғланиши мумкин.

Тоифа	Ўлчамлари		Тақсимлаш принципи
	Сон	Ўзгарувчи	
Гендер	2	Аёл Эркак	Аҳолининг гендер тузилмасига пропорционал
Ёшингиз	4	18-30 31-45 46-60 61+	Аҳолининг ёш тузилмасига пропорционал
Маълумоти	4	Олий маълумот Ўрта-махсус маълумот Ўрта маълумот Ўрта маълумотдан паст	Аҳолининг маълумоти тузилмасига пропорционал
Бандлик ҳолати	5	Ёлланма ходим Иш берувчи Талаба Ишсиз Пенсионер	Аҳолининг бандлик ҳолатига пропорционал
Этник мансублиги	2	Ўзбек Бошқа	Аҳолининг этник келиб чиқишига пропорционал
Яшаш жойи	Кўчалар сонига кўра	А кўча Б кўча (...) кўча п кўча	Кўчалар сонига пропорционал

Маҳалланинг пропорционал вакиллигининг микро-моделини аниқлаш учун ҳар бир тоифа ва ўзгарувчи бўйича маҳалладаги яшовчиларнинг аниқлаш талаб этилади. Маҳалланинг



хилма-хиллигини ифодалаш учун имкон қадар кўпроқ тоифалар бўйича маълумотларни тўплаш тавсия этилади. Жинс, ёш, яшаш жойи, шунингдек, этник келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш таълим ва иш билан боғлиқ маълумотлар билан солиштириганда нисбатан осонроқ бўлади.

Ҳисоблаш керак бўлган ўзгаришлар сони ишлатиладиган тоифаларнинг ўзгарувчиларини кўпайтиришдир. Масалан, ҳар бирида 2 ва 4 ўзгарувчига эга бўлган жинс ва ёш тоифалари қўлланилса, вариацияларнинг умумий сони 8 та бўлади; ҳар бирида 2, 4 ва n та ўзгарувчига эга бўлган жинс, ёш ва яшаш жойи тоифалари қўлланилса, вариацияларнинг умумий сони  $8n$  тани ташкил қилади (кўчалар сонига қараб).

Ўша ҳудуд аҳолисига нисбатан тоифалар ва ўзгарувчилар аниқлангандан сўнг ва вариациялар саралангандан сўнг, у бутун аҳоли сонига нисбатан алоҳида ўзгаришларни ифодаловчи аҳоли улушини ҳисоблашни талаб қилади.

Кейинги қадам сифатида вакиллик микро-моделини танлаш учун иштирокчиларнинг оптимал сонини белгилаш керак бўлади.

Идеал пропорционал вакиллик микромоделда ҳар бир ўзгарувчи учун вакиллар сони унинг пропорционал қийматига мос келиши керак. Агар танлов (тадбир иштирокчилари) кўпайтирилса, маҳалланинг микро-моделни маҳаллани пропорционал равишда ифодалаш имконияти ортади. Шунинг учун асосий муҳокама тадбирлари учун, масалан, ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича семинарда камида 50-60 иштирокчини таклиф қилиш тавсия этилади.

Қуйида вакиллик учун микро-моделни аниқлашга мисол келтирилган.

Маҳалла аъзоси	Тоифалар			Ҳар бир вариация бўйича аҳоли сонини	Жами аҳоли сонига нисбатан вариация нисбати	Микро-модел учун вакиллар сони
	Гендер	Ёши	Яшаш жойи			
Исм, фамилия	М	31-45	А кўча	3	3 / TP *100%	Жами аҳоли сонига нисбатан вариация нисбати * Таклиф қилинган иштирокчилар сонини
Исм, фамилия	М	31-45	А кўча			
Исм, фамилия	М	31-45	А кўча			
Исм, фамилия	Ф	46-60	А кўча	2	2 / TP*100%	Жами аҳоли сонига нисбатан вариация нисбати * Таклиф қилинган иштирокчилар сонини
Исм, фамилия	Ф	46-60	А кўча			
Исм, фамилия	[..]	[..]	[..]			
Исм, фамилия	[..]	[..]	[..]			

Саралаш ва мантиқий функциялардан фойдаланишга имкон берувчи MS Excel дастурида тақдим этиш учун микромоделни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

### 3. Иштирокчиларни таклиф қилиш

Иштирокчиларнинг мақсадли сони учун мутаносиб вакилликнинг микро модели аниқлангандан сўнг, ушбу профилга мос келадиган маҳалла аҳолиси аниқланиши ва семинарда иштирок этишга таклиф қилиниши зарур.

Иштирокчиларни танлашнинг осон вариантларидан бири ҳар бир вариацияда тасодифий танлаш функциясини қўллашдир. Бу жараённи аниқлашга маҳалла раҳбарияти, аёллар

вакили, ёшлар вакили ва норасмий маҳалла етакчиларини жалб қилиш орқали ҳар бир вариантдан иштирокчиларни танлаш ҳам мумкин.

Танланган иштирокчилар учун йиғилишга таклифнома камида бир ҳафталик тегишли муддат билан етказилиши лозим. Таклифномаларда МРР жараёни ва йиғилиш мақсадлари ҳақида дастлабки маълумотлар бўлиши керак.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИНИ АНИҚЛАШ

<b>Кўзланган муддат</b>	1-кун
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари танланди</li> <li>• Ташаббус гуруҳи шакллантирилади</li> </ul>

### 1. Кириш

Семинар ўз мақсадлари, иш тартиби ва қўлланиладиган усулларни тушунтириш билан бошланади (яъни, маҳаллани хариталаш ва муаммолар галереяси).

Иштирокчилар ҳар бирида 8-10 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади. Хонада ҳар бир гуруҳ учун муҳокама қилиш ва лойиҳа тузиш учун жой ажратилиши зарур. Ҳар бир гуруҳ учун флипчарт қоғози ва рангли маркерлар берилади.

### 2. Маҳаллани хариталашдан фойдаланиш

Маҳаллани хариталаш – бу маҳалладаги ривожланиш муаммоларини визуал равишда хариталаш мақсадида қўлланиладиган биринчи усул. Иштирокчилар гуруҳлари маҳалладаги асосий объектларини харитада кўрсатишлари ва ривожланиш муаммоларини визуал равишда тасвирлашлари сўралади. Бунга мисол тариқасида муаммоли кўча ва йўллар, таълим инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш инфратузилмаси ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ҳар бир гуруҳдан инфратузилманинг жойлашуви ва аниқланган асосий муаммолар кўрсатиб берилган харитани тақдим этиш сўралади. Шу тарзда инфратузилмани ривожлантириш масалаларининг нисбий аҳамияти ва объектларнинг ўзаро боғланиши (масалан, уй йўлакларини кўчалар, мактаблар, шифохоналар ва бошқа объектларга) кўрсатиб берилади.

### 3. Муаммолар галереясини қўллаш

Муаммолар галереяси ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлашда қўлланиладиган иккинчи усулдир. Бу ҳар бир гуруҳдан МРР доирасида ҳал қилиниши керак бўлган устувор вазифалар сифатида таклиф қилинадиган 5 тагача энг долзарб ривожланиш муаммоларини аниқлашни талаб қилади. Фасилитатор машғулот мақсадини тушунтириши зарур. Бунда, ҳар бир иштирокчи ўзи учун маҳалла ҳаётига турли жиҳатлардан салбий таъсир кўрсатувчи турли муаммо ва масалаларни таклиф қилиши кўзда тутилади. Инфратузилма сифати ва фойдаланиш имконияти, хизматлардан фойдаланиш, бизнес ва бандлик имкониятлари, малака ва кўникмалар каби масалаларни бунга мисол қилиш мумкин. Якка тартибда кўриб чиқилгандан сўнг, гуруҳ таклифларни ўзаро муҳокама қилиши ва энг кенг тарқалган 5 тагача масалани аниқлаб олиши зарур.

Гуруҳ ичида муҳокама қилингандан сўнг, ривожланиш масалалари ҳар бир гуруҳ томонидан тақдим этилади ва экранда, доскада, флипчарт қоғозиди ва ҳоказоларда умумий рўйхатда кўрсатилади. Агар у ёки бу муаммо бир неча гуруҳ томонидан тилга олинган бўлса, у

фақат бир марта рўйхатга олинади. Охирида барча аниқланган ривожланиш муаммолари рўйхати тузилади.

Кўпинча ривожланиш муаммолари мактаб, боғча, поликлиника, йўллар каби инфратузилма объектлари сифатида рўйхатга олинади. Кейинги овоз бериш учун ҳар бир инфратузилма объекти муайян объект – аниқ мактаб (агар маҳаллада бир нечта мактаб бўлса), аниқ болалар боғчаси ва бошқалар сифатида тушунилиши муҳимдир.

### **3-СУБ-БОСҚИЧ: УСТУВОР ЖИҲАТЛАРНИ ОВОГА ҚЎЙИШ**

#### **1. Овоз бериш**

Маҳалла аъзолари учун ташкил қилинган мазкур семинарда кўтарилган барча муаммолар овоз бериш жараёнидан ўтиши керак. Унинг мақсади – маҳалла аҳолисининг катта қисми учун умумий бўлган энг долзарб устувор жиҳатни аниқлашдир. Энг юқори рейтингга эришган 3-5 та устувор жиҳат суб-лойиҳаларга киритилади.

Ривожланиш муаммоларининг тўлиқ рўйхати аниқлангандан сўнг (2-кичик босқичга қаранг), семинарда иштирок этаётган маҳалла аъзоларидан аниқланган чекланган миқдордаги муаммолар, яъни 3 та объект учун овоз беришлари сўралади.

Овоз бериш бюллетенлари инфратузилма объектига иштирокчилар берган рақам билан тайёрланиши зарур. Семинар иштирокчилари сонига қараб шунча миқдордаги бюллетенларни тайёрланиши лозим.

Маҳалла аъзолари ўз хоҳишларига кўра бюллетенларни овозлар тўпланувчи қутига солиб, аноним тарзда овоз беришлари керак бўлади.

#### **2. Овозларни санаш ва қайд қилиш**

Берилган овозлар омма олдида санаб чиқилади. Шаффофлик мақсадида, маҳалла вакиллларини овозларни санашда иштирок этиш учун таклиф қилиш.

Фасилитатор овозларни санашнинг шаффоф тартибидан фойдаланади: у барча иштирокчилар кўзи олдида президиум столида овозларни санайди. Фасилитатор барча семинар иштирокчилари натижаларни кўришлари учун президиум столи ёнидаги флипчартга муаммолар рейтингини ёзиб қўяди.

#### **3. Яқунлаш**

Овоз бериш жараёнининг якунида барча ривожланиш муаммолари семинарнинг барча иштирокчилари томонидан овозга қўйилади. Ҳисоблаш натижасида барча аниқланган ривожланиш муаммолари улар олган овозлар сонига қараб тартибланади.

Ривожланиш муаммоларининг кетма-кетлиги муаммонинг маҳалланинг умумий устувор даражаси сифатида талқин қилиниши керак. Овозлар сонидан келиб чиқиб, фасилитатор маҳалла аъзоларига энг кўп овоз олган 3-5 та муаммоларни эндиликда ушбу маҳалланинг устувор муаммолари деб ҳисоблаш мумкинлигини тушунтиради.

Кейин эса, фасилитатор жараённинг кейинги босқичларини тушунтиради, булар: офис ишлари ва объектга ташрифлар асосида ўтказиладиган текширувлар, ечимларни ишлаб чиқиш, туман ва вилоят ҳокимликлари билан ечимларни текшириш, ечимларни жамоатчилик билан текшириш. Фасилитатор шунингдек, барча босқичлар учун вақтинчалик муддатни кўрсатади.

## 4-СУБ-БОСҚИЧ: ТАШАББУС ГУРУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

### 1. Ташаббус гуруҳи таркиби

Семинар якунида шу маҳалла аъзолари ичидан ташаббус гуруҳи тузилиши зарур. Семинар иштирокчилари учун бўлгани каби, ташаббус гуруҳи аъзоларини танлашда ҳам микро даражадаги вакиллик модели қўлланилиши керак. Ташаббус гуруҳи аъзоларининг умумий сони 10-15 нафар бўлишини инobatга олган ҳолда, энг муҳим тоифаларнинг бир қисмини қолдириш тавсия этилади, бу эса кичик танлама учун моделнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди.

Тоифа	Ўлчовлар		Тақсимлаш принципи
	Сони	Ўзгарувчи параметрлар	
Гендер	2	Аёл Эркак	Аҳолининг гендер тузилмасига пропорционал
Ёши	4	18-30 31-45 46-60 61+	Ёш тузилмасига кўра яшовчилар нисбати
Яшаш жойи	Кўчалар сонига кўра	А кўча Б кўча (...) кўча п кўча	Кўчалар сонига пропорционал

Семинар иштирокчиларига яшаш жойи бўйича ташаббус гуруҳида иштирок этиш учун мурожаат қилиш тавсия этилади, чунки қолган тоифаларга ташаббус гуруҳи аъзоларини танлаш осонроқ бўлиши мумкин.

Ташаббус гуруҳида иштирок этиш ихтиёрий бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ташаббус гуруҳига нафақат семинар иштирокчилари, балки бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишни хоҳловчи маҳалланинг исталган аъзоси киритилиши мумкин. Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган кишиларни (масалан, туман ишчи гуруҳида вакили бўлган давлат органлари ходимлари) ташаббус гуруҳига аъзо бўлмаслиги тавсия этилади.

Ташаббус гуруҳи аъзолари учун исмлар, фамилиялар ва алоқа маълумотлари тўпланиши зарур. Ташаббус гуруҳи аъзоларининг пропорционал вакиллик принципи асосидаги тоифаларга қанчалик мос келиши ҳақида ҳам маълумот тўплаш тавсия этилади. Ташаббус гуруҳи аъзолари, шунингдек, уларнинг алоқа маълумотлари қайд этилади.

Ташаббус гуруҳи раҳбари ва унинг ўринбосари гендер тенглик принципи асосида ташаббус гуруҳи аъзолари томонидан сайланиши мақсадга мувофиқдир.

### 2. Ташаббус гуруҳи учун тренинглар

Маҳалла аҳолисидан сиёсатни режалаштириш бўйича мутахассис бўлишлари кутилмасда, уларда мазмунли иштирок этиш учун МРР жараёни ҳақида муайян тушунча шакллантирилиши лозим. Бундай тренинглар дастури асосий атамалар ва жараёнларни тушунтиришни ўз ичига олиши керак, шунда фуқаролар ишга жалб қилинганда, улар жараённинг қайси босқичида эканликлари ва ундан кейин нима бўлишини тушунишлари керак.

Тренинг модули ярим кунлик машғулот (4 соат) билан чекланиши мумкин, сўнгра кенгайтирилган кофе-брейк орқали норасмий фикр алмашиш мумкин.

Ташаббус гуруҳини тузган фуқаролар вақт ўтиши билан алмашиши ҳам мумкин, бунда дастлабки аъзолар тренингдан МРРнинг баъзи элементларини унутиши ёки нотўғри тушуниши мумкин. Шунинг учун фасилитаторлар ташаббус гуруҳининг ҳар бир йиғилиши бошида атамаларга янгидан тушунтириш беришга тайёр бўлишлари керак бўлади.

## 5-БОСҚИЧ: ТАШАББУС ГУРУҲИ БИЛАН ЕЧИМЛАР ТОПИШ

<b>Мақсад</b>	Мақсад ва вазифаларни аниқлаш, SWOTни ишлаб чиқиш, ташаббус гуруҳи билан ривожлантириш муаммоларининг муқобил ечимларини маслаҳатлашиб, муҳокама қилиш.
<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла таҳлили ўтказилди</li> <li>• Техник жиҳатдан амалга ошириб бўладиган муқобил ечимлар</li> <li>• Муқобил ечимлар учун харажатлар</li> </ul>
<b>Услуглар</b>	Семинар
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Белгиланган мақсадлар</li> <li>• SWOT ишлаб чиқилган</li> <li>• Суб-лойиҳаларга ўтказиш учун ривожлантириш муаммоларининг муқобил вариантлари бўйича келишув</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Ташаббус гуруҳи</li> </ul>

### Мақсад

Фасилитаторлар ташаббус гуруҳи билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали МРР мақсадлари ва вазифаларини, шунингдек, SWOTни аниқлашлари зарур. Аниқланган ривожлантириш муаммоларидан келиб чиққан ҳолда, бу муаммоларнинг муқобил ечимларини ташаббус гуруҳи билан маслаҳатлашиш ва муҳокама қилиш керак.

Барча манфаатдор томонларнинг иштирок этишини таъминлаш ва уларнинг фикрлари амалда қўлланилишини кўриш учун асосий манфаатдор томонлар ва уларнинг энг муҳими бўлган ташаббус гуруҳини сақлаб қолиш зарур ҳисобланади.

Аҳамиятли фикр-мулоҳазаларни олиш учун қуйидаги икки асосий шарт муҳим:

- Ташаббус гуруҳи аъзоларини суҳбатларда иштирок этишга ундаш,
- Фасилитаторлар фикр билдиришдан олдин ташаббус гуруҳи таклиф қилинган ечимларни тушунганига ишонч ҳосил қилишлари керак.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: УЧРАШУВГА ТАЙЁРГАРЛИК

<b>Кўзланган муддат</b>	3 кунгача
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Йиғилишни ташкил этиш ва унга тайёргарлик таъминланди</li> <li>• Презентация ишлаб чиқилди</li> </ul>

### 1. Учрашувни режалаштириш ва ташкил этиш

МРР, SWOT ва ривожлантириш муаммоларининг муқобил ечимлари бўйича мақсад ва вазифаларни аниқлаш бўйича йиғилиш жамоатчиликни сафарбар қилиш бўйича семинар ўтказилгандан кейин ташкил этилиши мумкин. Бу 3-4 соатлик интерактив семинар бўлиши мумкин.

Учрашувни ўтказишдан олдин фасилитаторлар ташаббус гуруҳи аъзолари маълумотларни таҳлил қилишда аниқланган устувор муаммолар ва энг муҳим масалалар тўғрисида

хабардор бўлишларини таъминлашлари зарур. Бунда улар ўзларининг вазиятларига янгича қарашлар билан ҳам таништирилиши мумкин.

Ташаббус гуруҳининг аввал аниқланган аъзолари йиғилиш вақти ва жойи тўғрисида йиғилишдан камида бир ҳафта, яхшиси икки ҳафта олдин хабардор қилиниши лозим. Йиғилишнинг аниқ кун тартиби ва мақсади бўлиши керак ва бу ҳақда барча иштирокчилар таклифнома билан бирга хабардор қилинади. Агар ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаси мавжуд бўлса, улар ҳам камида бир ҳафта олдин иштирокчиларга тарқатилиши керак.

## 2. Презентация тайёрлаш

Фасилитатор ҳужжатлар лойиҳаларини ташаббус гуруҳига тақдим этишнинг тегишли ва мақбул усулини топиши керак. Йиғилиш иштирокчиларининг кўпчилиги тарқатилган ҳужжатлар билан танишиш учун вақт ва мотивацияга эга бўлганига ишониш у қадар тўғри эмас, шунинг учун презентация етарлича батафсил, аммо тушуниш учун унчалик мураккаб бўлмаслиги тавсия этилади.

Анъанавий усул – бу кун тартибидаги асосий масалаларни белгилаб берувчи ва асосий маълумотни тақдим этувчи, Power Point форматдаги презентациядир. Бундай презентацияда маҳалла аҳолисига яхши маълум бўлган масалалар ўрин олмаслиги, унинг ўрнига унчалик маълум бўлмаган ва мураккаброқ масалаларга эътибор қаратиш мумкин (кўпинча ижтимоий-иқтисодий масалалар яхши маълум, атроф-муҳит ва иқлим масалалари эса унчалик эътиборда бўлмайди).

Мақсадлари ташаббус гуруҳи аъзоларини мақсад ва вазифалар ҳамда SWOTни аниқлашга йўналтириш бўлган презентация қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- МРР мақсадлари ва вазифалари учун асосий мулоҳазалар,
- аниқланган асосий устувор муаммолар аниқланди,
- асосий ижтимоий-иқтисодий маълумотлар,
- инфратузилмани тавсифловчи асосий маълумотлар,
- экологик муаммолар бўйича асосий маълумотлар.

Инвестицион имкониятлар/суб-лойиҳалар бўйича презентация тайёрлаш унчалик қийин эмас. Ҳар бир элемент суб-лойиҳаларни кузатиш ва таққослаш учун бир хил асосий тузилишга эга бўлиши таклиф этилади:

- суб-лойиҳанинг номи,
- харитадаги эҳтимолий жойлашув,
- инвестициялар билан қопланадиган эҳтиёжлар,
- МРР мақсадларига боғлаш,
- стратегик механизмларга боғлаш,
- объектга эгаллик мулки,
- инвестицияларнинг тахминий ҳажми,
- объектнинг тахминий жорий харажатлари ва уларнинг манбалари;
- бенефициарлар сони.

Агар суб-лойиҳада эҳтимолий муқобил ечим мавжуд бўлса, бу ечим таклиф қилинган суб-лойиҳа бўйича слайдлардан сўнг дарҳол худди шу тарзда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ

Кўзланган муддат	2 кунгача
Якуний натижалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Белгиланган мақсадлар</li> <li>• SWOT ишлаб чиқилган</li> <li>• Суб-лойиҳаларга ўтказиш учун ривожлантириш муаммоларининг муқобил вариантлари бўйича келишув</li> </ul>

### 1. Учрашувни ўтказиш

Ташаббус гуруҳи йиғилишида фасилитатор мулоҳазаларни кўрсатиш ва тушунтириш бўйича батафсил презентацияни кузатиб боради ва ташаббус гуруҳи аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини сўрайди.

МРР мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш ва SWOTни ишлаб чиқиш бўйича муҳокмаларга модераторлик қилишда фасилитатор мақсадларни белгилаш бўйича 8-босқичда тавсифланган фикрларга амал қилиши лозим.

Таҳлилни презентация қилишда асосий эътибор илгари аниқланган ривожлантириш эҳтиёжларини текшириш ва фасилитатор томонидан аниқланган эҳтиёжлар (аҳолига илгари маълум бўлмаган нарсалар) бўйича фуқароларни муҳокамага жалб қилишга қаратилиши керак. Баҳсинг мақсади ривожланиш эҳтиёжларининг аниқ рўйхатини шакллантириш ва уларни МРРнинг Стратегик қисмига киритиш учун асослашдир.

Муқобил вариантларни тақдим этишда асосий эътибор ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқлигини текширишга қаратилиши зарур. Яъни, таклиф этилаётган инвестициялар чиндан ҳам эҳтиёжни қондириши ва шу билан бирга амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланиши зарур. Ана шу омил аниқлангандан кейингина молиявий мувофиқлик (иложи борича кўпроқ суб-лойиҳаларни молиялаштириш имконияти ва аниқланган суб-лойиҳалардан қайси бири молиялаштирилиши кераклиги) бўйича баҳс-мунозараларни бошлаш керак. Муҳокама қилишдан мақсад МРРнинг амалий қисмига киритиладиган суб-лойиҳаларнинг устувор рўйхатини тузишдир.

### 2. Учрашувдан кейинги ҳаракатлар

Учрашувларда қабул қилинган қарорлар асосида МРР бобларининг якуний лойиҳаларини баҳам кўриш.

Жорий ҳолат асосида кейинги қадамлар ва уларнинг муддатлари ҳақида маълумот бериш.

Ташаббус гуруҳига ҳар қандай тушунтириш ёки маълумот учун сиз ва ҳамкасбларингиз билан боғланишлари мумкинлигини эслатиб туринг.

## 6-БОСҚИЧ: ВИЗУАЛ ВА ТЕХНИК ТЕКШИРУВ

Мақсад	Мавжуд инфратузилмадаги камчиликларни, ривожлантириш бўйича тавсия этилган устувор жиҳатлар учун техник жиҳатдан эҳтимолий ечимларни аниқлаш, амалга ошириш учун муқобил йўлларни ишлаб чиқиш ва харажатларни ҳисоблаш
Кўзланган муддат	3-4 ҳафта
Қилиниши керак бўлган ишлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инфратузилма бўйича техник стандартлар</li> <li>• Қурилиш ва матеираллар учун стандарт харажатлар</li> <li>• Қурилишдаги нархлар учун дефляторлар</li> </ul>

<b>Услуглар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўздан кечириш</li> <li>• Техник текширувлар</li> <li>• Тегишли мутахассислар билан учрашувлар</li> <li>• Техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш</li> <li>• Харажатлар сметасини тузиш</li> </ul>
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Техник жиҳатдан амалга ошириб бўладиган муқобиллар</li> <li>• Муқобил ечимлар учун харажатлар</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муҳандислар</li> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Туман ишчи гуруҳининг соҳалар бўйича мутахассислари</li> <li>• Мавжуд объектлар операторлари</li> <li>• Маҳалла вакиллари</li> <li>• Маҳалла раҳбарияти</li> </ul>

### Инфратузилмани текшириш

Маҳаллага суб-лойиҳалар ва эҳтимолий муқобил йўлларни аниқлаш ва шакллантиришга ёрдам бериш учун семинарда МРР учун устувор йўналишлар сифатида таклиф қилинган инфратузилма объектларининг техник ҳолати тўғрисида хулоса бериш керак. Бу инфратузилма объектларининг техник ва визуал текширувларини ўтказишни талаб қилади.

Инфратузилмага бўлган эҳтиёжни текшириш мавжуд техник ҳужжатларни баҳолаш ҳамда муҳандислар ва тегишли мутахассислар (маҳаллий, туман ва вилоят) ҳамроҳлик қилувчи фасилитаторлар ва ташаббус гуруҳи аъзолари, шунингдек, тармоқ вазирликлари вакиллари иштирокида визуал ва техник кўриқдан ўтказиш йўли билан таъминланади.

Ушбу иш иншоотларнинг механик мустаҳкамлиги, биноларнинг барча қисмлари ва муҳандислик коммуникацияларининг амортизацияси ва хавфсизлиги, шунингдек энергия самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади. Хизматлар учун хизматлар сифати ва ишончилигини чуқур таҳлил қилиш керак бўлади.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ СИФАТИДА ТАКЛИФ ҚИЛИНГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ТЕКШИРИШ

<b>Кўзланган муддат</b>	1-2 ҳафта
<b>Якуний натижалар</b>	Ўтказилган текширувлар

### 1. Ҳужжатларни текшириб чиқиш

Ҳужжатларни текшириб чиқиш босқичи мавжуд техник ҳужжатларни кўздан кечиришни ўз ичига олади. Бундай ҳужжатлар сирасига қурилиш лойиҳаси, таъмирлаш ишлари бўйича ҳужжатлар, биноларнинг техник ҳолатини баҳолаш, энергия самарадорлигини текшириш ва шу кабиларни киритиш мумкин. Барча аниқланган фактлар қурилишда белгиланган мавжуд стандартлар билан таққосланиши ва мувофиқлиги текширилиши керак бўлади.

Хизматлар ва уларни кўрсатишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар учун ҳужжатларни текшириб чиқиш босқичи кўрсатилган хизматлар ва фойдаланилган ресурслар бўйича ҳужжатларни таҳлил қилиш, шунингдек, белгиланган стандартлар билан таққослашдан иборат.

Бу текширувдан мақсад инфратузилманинг техник ҳолати бўйича асосий дастлабки хулосаларни аниқлашдан иборат.



## 2. Объектга бориш

Инфратузилма биноларини визуал кузатиш ҳужжатларни текшириб чиқиш босқичини мустақамлайди ва техник ҳужжатларга мувофиқликни текшириш имконини беради. Зарур ҳолларда, инфратузилма билан боғлиқ бошқа ечимларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилиш учун қўшимча текширув белгиланиши мумкин.

Хизматлар бўйича текшириш хизмат кўрсатиш сифати ва ишончилигини жойларда кузатиш, шунингдек, хизмат кўрсатувчилар, маҳалла ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари билан суҳбатлар ўтказиш йўли билан текширишни ўз ичига олади.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: МУҚОБИЛ ЕЧИМЛАРНИ АНИҚЛАШ

Кўзланган муддат	1 ҳафта
Якуний натижалар	Аниқланган техник жиҳатдан амалга ошириб бўладиган муқобил йўллар

### 1. Эҳтиёжлар ва устувор жиҳатларни текшириш

Текширувнинг икки тури тегишли мутахассислар кўмагида фасилитаторларга маҳалла эҳтиёжларини қўшимча лойиҳа ғоялари ва бу эҳтиёжларни инфратузилма, асбоб-ускуналар ёки хизматларни яхшилаш йўли билан қаноатлантириш усулларини аниқ шакллантириш имконини берувчи хулосаларни бериши зарур.

Масалан, маҳалла аъзолари учун ташкил қилинган семинар томонидан МРР инвестицияси учун устувор бўлган ўрта мактабга ташриф буюрганингизда, ўзига хос эҳтиёжлар ва ривожланиш масалалари аниқланиши мумкин:

- Мактабдаги ўқувчилар ўринлари етарли эмас ва уни кенгайтириш лозим;
- мактаб биниси амалдаги қурилиш қонунчилигига мос келмайди ва янги бино қурилиши керак;
- мактабда ҳожатхона йўқ ва янги ҳожатхоналар қурилиши зарур,
- мактабда спорт зали ёки стадион йўқ ва уларни қуриш керак,
- мактабда ихтисослаштирилган ўқув хоналари (кимё, физика, АТ ва бошқалар) мавжуд эмас ва улар қурилиши ва/ёки жиҳозланиши даркор.

Шунингдек, текширишдан хулоса қилиш мумкинки, семинарда аниқланган устувор объект ҳеч қандай инвестиция эҳтиёжларига эга эмас, яъни унинг ҳолати, қуввати, талаби бўйича фойдаланишга мос келади. Бундай ҳолларда айнан шундай суб-лойиҳа амалга ошириш учун таклиф қилинмаслиги керак.

### 2. Муқобил ечимлар ва техник имкониятлар

Инфратузилма, бинолар, жиҳозлар ва хизматларни текшириш натижаларига кўра, инфратузилма учун барча техник жиҳатдан мумкин бўлган ечимлар аниқланиши керак, хусусан:

- таъмирлаш, қисман таъмирлаш, бузиш ва янги инфратузилмани қуриш;
- амалдаги ёки янги бинони жиҳозлар билан таъминлаш;
- мавжуд хизматлар инфратузилмасини/ускуналарини такомиллаштириш ёки янгисини харид қилиш.

Муқобил ечимларнинг мақсадга мувофиқлиги нафақат мавжуд инфратузилмани техник текшириш хулосаларига, балки бошқа шартларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, янги инфратузилмани қуриш учун тегишли ер участкасининг мавжудлиги (кўпинча

эскирган инфратузилмани янгисини қуришни бошламай бузиш мумкин эмас, яъни таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш керак ва ҳоказо).

### 3-СУБ-БОСҚИЧ: МУҚОБИЛ ЕЧИМЛАР УЧУН ХАРАЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ

<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафта
<b>Якуний натижалар</b>	Муқобил ечимлар учун харажатлар қилинди

#### 1. Бюджетни аниқлаш

Бу босқични умумий харажатларни ва эҳтимолий молиявий манбани аниқлашдан бошлаш тавсия этилади. Бундай молиявий манба ҳам давлат, ҳам донорлик маблағлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Имкониятларни аниқлаштириш учун соҳа вазирликлари мутахассислари билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

МРР қўшимча лойиҳаларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган бюджетни аниқлаш учун нафақат зарур бўлган умумий молиявий маблағлар, балки молиялаштириш учун белгиланган шартлар, хусусан, харажатлар муддати, уларнинг тоифалари бўйича мувофиқлик қоидалари, биргаликда молиялашга эҳтиёж бор йўқлигини аниқлаш каби омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Молиялаштириш харажатларни тўлаш муддатлари учун маълум бир талаб билан чекланиши мумкин, яъни муайян муддатга амал қилмайдиган муқобил ечимларни амалга ошириш мумкин бўлмайди (масалан, бир неча қурилиш мавсумини талаб қиладиган муқобил ечимлар вақт талаблари туфайли амалга оширилмайди).

Харажатлар мувофиқлиги бўйича ҳам айни шартлар ўринли, яъни молиявий манбалар маълум харажатлар тоифалари ёки маълум турдаги инфратузилма объектлари бўйича чекловларга эга бўлиши мумкин.

Баъзи молиявий манбалар биргаликда молиялаштиришни талаб қилиши мумкин, яъни ўз манбаларидан биргаликда молиялаштириш талаби бажарилганда кўзда тутилган инвестицияларни молиялаштириш мумкин бўлади.

#### 2. Муқобил ечимларнинг харажатлари

Вақтинчалик суб-лойиҳалар бўйича ечимларни таққослаш имконини бериш учун белгиланган устуворликлар бўйича барча техник жиҳатдан амалга ошириб бўладиган муқобил ечимлар учун харажатлар таъминланиши зарур.

Мумкин бўлган ҳолларда стандарт қурилиш лойиҳаларидан фойдаланиш ва тегишли қурилиш мавсумлари сонидан келиб чиққан ҳолда қурилиш нархлари дефляторларидан фойдаланган ҳолда харажатлар тоифалари учун стандарт харажатларни татбиқ қилиш зарур.

Ташаббус гуруҳи билан кейинги маслаҳатлашувлар учун истиқболли суб-лойиҳалар учун муқобил ечимлар сметалари билан биргаликда тайёрланиши зарур.

#### 3. Таъсирни баҳолаш

Ривожланишнинг бир хил устуворлигига қаратилган турли хил муқобил ечимлар маҳаллага ҳар хил таъсир кўрсатиши мумкин. Тегишли мақсадли аудитория, асосий экологик мулоҳазалар ва бошқаларга нисбатан муқобил ечимлар учун таъсирни баҳолаш ҳужжатини тайёрлаш тавсия этилади.

Маҳаллага бўладиган таъсир бўйича муқобил ечимни таққослаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин:

- Муқобил ечимдан манфаатдор маҳалла аҳолиси сони,
- Муқобил ечимдан манфаатдор бўлган аҳоли ва корхоналар сони.

Масалан, агар транспорт соҳасида устувор жиҳатни (ички йўлларни таъмирлаш ёки қуриш) ёки сув таъминоти бўйича устувор муаммони ҳал қилиш учун бир нечта муқобил ечим мавжуд бўлса ва бунда барча эҳтиёжлар дарҳол қаноатлантирилмайдиган бўлса, мақсадли гуруҳлар сонини ошириш зарур ва бу муайян ечимни амалга ошириш орқали ҳал қилинади.

Ташаббус гуруҳи билан кейинги маслаҳатлашувлар учун истиқболли суб-лойиҳалар учун муқобил ечимлар ва таъсирларни қиёслаш ҳужжати билан биргаликда тайёрланиши зарур.

## 7-БОСҚИЧ: ТУМАН ИШЧИ ГУРУҲИ БИЛАН ТЕХНИК МУВОФИҚЛАШТИРИШ

<b>Мақсад</b>	Ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, МРР матни лойиҳаси бўйича муқобил ечимларни ишчи гуруҳ билан маслаҳатлашиш ва муҳокама қилиш
<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Техник жиҳатдан амалга ошириб бўладиган муқобил ечимлар</li> <li>• Муқобил ечимлар учун харажатлар</li> </ul>
<b>Услуглар</b>	Учрашув
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суб-лойиҳаларга ўтказиладиган ривожланишнинг устувор жиҳатларининг муқобил имкониятлари тўғрисидаги келишув</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Ишчи гуруҳ</li> </ul>

### Мақсад

МРР лойиҳасининг айрим элементлари ишлаб чиқилгандан сўнг, улар ишчи гуруҳ билан маслаҳатлашиши керак. Зарур ҳолларда, фасилитаторлар уларни такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган қисмлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини сўрашлари ёки уларни текширишлари ҳамда уларни МРР лойиҳасига киритиш учун якуний, деб ҳисоблашлари керак.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: УЧРАШУВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

<b>Кўзланган муддат</b>	3 кунгача
<b>Якуний натижалар</b>	Йиғилишни ташкил этиш ва унга тайёргарлик таъминланди

### 1. Учрашувларни режалаштириш ва ташкил этиш

Ишчи гуруҳ тузилиб, жараён бошланганда таништирув йиғилишига қўшимча равишда ишчи гуруҳ билан олдиндан 3-5 та учрашув режалаштирилган бўлиши зарур.

МРРнинг стратегик қисмини муҳокама қилишда маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият тўғрисида қўшимча маълумотлар олишда ишчи гуруҳ аъзолари жуда фойдали манба бўлиши мумкин.

МРРнинг амалий қисмини муҳокама қилишда асосий эътибор минтақавий ва миллий стратегияларга ҳамда туман даражасидаги раҳбарларнинг иш режаларига мувофиқ бўлиши керак.

Ишчи гуруҳнинг ваколатли аъзолари мажлис ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида йиғилишдан камида икки ҳафта олдин хабардор қилиниши лозим. Йиғилишнинг аниқ кун тартиби ва мақсади бўлиши керак ва бу ҳақда барча иштирокчилар таклифнома билан бирга хабардор қилинади. Агар ишлаб чиқилган ҳужжатлар лойиҳаси мавжуд бўлса, улар ҳам камида бир ҳафта олдин иштирокчиларга тарқатилиши керак.

## 2. Презентация тайёрлаш

МРРнинг стратегик қисмини муҳокама қилиш (тахминан 1-2 учрашув) мавжуд таҳлилни текшириш ёки етишмаётган маълумотлар ва ахборотни тақдим этиш орқали уни тўлдиришни мақсад қилади. Бунинг учун йиғилишдан олдин тарқатилган лойиҳада қоғозга туширилгандан фарқли ўлароқ, етишмаётган қисмлар кўрсатиб ўтилиши керак.

МРРнинг амалий қисмини муҳокама қилишда (тахминан 2-3 учрашув) ишчи гуруҳ аъзоларига таклиф этилаётган суб-лойиҳалар бўйича батафсил маълумотлар тақдим этилиши лозим. Йиғилишда муҳокама қилинадиган масалалар қуйидагилардан иборат:

- Таклиф этилаётган суб-лойиҳаларнинг аниқланган эҳтиёжларни қаноатлантириш имкониятларини текшириш,
- Туманни (вилоят ва муайян ҳудудни) ривожлантириш контекстида ривожлантириш бўйича суб-лойиҳаларини муҳокама қилиш,
- Таклиф этилаётган суб-лойиҳаларнинг техник имкониятларини текшириш;
- Таклиф этилаётган суб-лойиҳаларнинг харажатларини баҳолаш ёки текшириш,
- Туман инвестиция режалари контекстида молиялаштириш манбаларини муҳокама қилиш.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: ЙИҒИЛИШЛАР ЎТКАЗИШ

Кўзланган муддат	2 кунгача
Якуний натижалар	Суб-лойиҳаларга ўтказиладиган ривожланишнинг устувор жиҳатларининг муқобил имкониятлари тўғрисидаги келишув

### 1. Учрашувларни ўтказиш

Ишчи гуруҳи йиғилишида фасилитатор МРР бобининг лойиҳасини кўрсатиш ва тушунтириш бўйича батафсил презентацияни кузатиб боради ва ишчи гуруҳ аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини сўрайди.

МРРнинг таҳлилга оид қисмларини тақдим этишда асосий эътибор илгари аниқланган ривожланиш эҳтиёжларини текшириш ва маълумотларнинг етишмаётган қисмини тўлдиришга қаратилиши керак. Бундай мунозараларнинг мақсади энг яхши мавжуд маълумотларга асосланган таҳлилни яқунлашдир.

Инвестицион имкониятларни тақдим этишда асосий эътибор суб-лойиҳаларнинг техник ва молиявий имкониятларига қаратилиши зарур. Муҳокама қилишдан мақсад МРРнинг Амалий қисмига киритиладиган суб-лойиҳаларнинг энг самарали устувор жиҳатлар рўйхатини тайёрлашдир.

### 2. Учрашувдан кейинги ҳаракатлар

Учрашувларда қабул қилинган қарорлар асосида МРР бобларининг якуний лойиҳаларини баҳам кўриш. Белгиланган муддатларда топшириш мажбуриятини олган ҳар қандай қўшимча маълумотни ҳамкасбларга эслатиб туриш.

Жорий ҳолат асосида кейинги қадамлар ва уларнинг муддатлари ҳақида маълумот бериш.

Ишчи гуруҳга ҳар қандай тушунтириш ёки маълумот учун сиз ва ҳамкасбларингиз билан боғланишлари мумкинлигини эслатиб тулинг.

## 8-БОСҚИЧ: МРРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

<b>Мақсад</b>	Муҳокамалар учун МРР лойиҳасини ишлаб чиқиш
<b>Кўзланган муддат</b>	2-3 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Турли хил ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатларга оид маълумотлар</li> <li>• Маҳалла аъзолари билан мулоқот қилиш</li> <li>• Инфратузилма бўйича энг муҳим органлари билан мулоқот қилиш</li> </ul>
<b>Услуглар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Офис ишлари/маълумотларни таҳлил қилиш</li> <li>• Тасдиқлаш учрашувлари</li> </ul>
<b>Яқуний натижалар</b>	Дастлабки МРР лойиҳаси
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Маҳалла вакиллари</li> <li>• Инфратузилма органлари</li> </ul>

### МРР мазмуни лойиҳаси

МРР таҳлиллар ўтказилиб, стратегик йўналишлар аниқланувчи стратегик қисмдан ҳамда инвестицион устувор жиҳатлар ва суб-лойиҳалар таклиф этилиб, асослаб бериладиган амалий (операцион) қисмдан иборат бўлади.

МРРнинг кенг маънода қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

<b>Кириш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• МРР ҳақида қисқача маълумот</li> <li>• ИТБ лойиҳаси ҳақида маълумот</li> <li>• Методология</li> <li>• МРРдаги қадамлар</li> </ul>	
<b>(А) Стратегик қисм</b>	
<b>Мақсад вазифалар</b>	Ҳудудни ривожлантириш билан боғлиқ ва МРР томонидан ҳал қилинадиган умумий мақсадли ва аниқ вазифаларни аниқлаш
<b>Туман тўғрисида қисқача маълумот</b>	Туманнинг мақсадли жамоа / жамоаларга оид барча асосий жиҳатлар.
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Туман тўғрисида умумий маълумотлар</li> <li>• Туман харитаси</li> <li>• Мавжуд инфратузилма ҳақида маълумот</li> <li>• Саломатлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар</li> <li>• МРР доирасидаги мақсадли жамоалар ҳақида маълумот</li> </ul>	
<b>Маҳалланинг умумий доираси</b>	Маъмурий бўлиниш, жойлашуви, аҳолиси, ҳудуди тури бўйича барча асосий хусусиятлар;
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла ҳақида қисқача маълумот</li> <li>• Маҳалла ҳудуди харитаси</li> <li>• Ижтимоий-иқтисодий таҳлил</li> <li>• Инфратузилма таҳлили</li> <li>• Экологик таҳлил</li> </ul>	Ишбилармонлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ жиҳатлар ва тенденцияларни таҳлил қилиш;
	Таянч инфратузилма ҳолати ва камчиликлар таҳлили
	Иқлим ва атроф-муҳит билан боғлиқ асосий жиҳатларни таҳлил қилиш

<b>SWOT таҳлили</b>	Ҳудудни таҳлил қилишдан олинган асосий хулосаларни умумлаштириш
<b>Аниқланган муаммоларнинг умумий рўйхати</b>	Тегишли соҳа бўйича аниқланган ривожланиш муаммоларини умумлаштириш
<b>Устувор муаммолар</b>	Устувор муаммолар ва ечимлар рўйхатини тақдим этиш
<b>(В) Амалий қисм</b>	
<b>Асослаб бериш</b>	Суб-лойиҳани асослаб бериш
<b>Суб-лойиҳа паспорти</b>	Суб-лойиҳанинг асосий хусусиятларини умумлаштириш
<b>Умумий ҳудудий ривожланишга алоқадорлик</b>	Умумий ҳудудий ривожланишга алоқадорликни таъминлаш
<b>Барқарорлик</b>	Умумий ҳудудий ривожланиш учун суб-лойиҳа натижалари билан боғлиқ барқарорлик жиҳатларини тавсифлаш
<b>Мақсадли гуруҳлар</b>	Мақсадли гуруҳларни аниқлаш ва ўлчаш
<b>Инвестициялар таъсири</b>	Ижтимоий, иқтисодий ва экологик таъсирларни баҳолаш
<b>Бюджет тузилмаси</b>	Барча суб-лойиҳалар бўйича тахминий харажатларни, молиявий манбаларни умумлаштириш

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: МРРНИНГ СТРАТЕГИК ҚИСМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

### 1. Маҳаллани ривожлантириш мақсадларини белгилаш

МРР мақсадларини белгилаш давомида жамоатчилик ташаббус гуруҳи билан яқин ҳамкорлик таъминланиши керак. Бу ҳамкорлик семинар шаклида бўлиши мумкин.

Дастурнинг умумий мақсади дастур мақсадининг кенг баёни бўлиб, у дастур эришмоқчи бўлган узоқ муддатли натижалар ёки таъсирларни кўриб чиқади. Якуний мақсадлар фуқароларнинг фаровонлигини ошириш ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Умумий мақсад муаммолар ёки аралашувларнинг асосий соҳалари билан боғлиқ бўлган 3-5 та аниқ мақсад орқали кўшимча равишда амалга оширилади. Муайян мақсад – бу МРР ҳал қиладиган энг муҳим йўналиш нима эканлиги ва ушбу мақсадга эришишга қаратилган қандай аниқ ўзгаришлар кутилаётганлигини эътироф этувчи хулосадир. Муайян мақсад бутун МРР учун йўл-йўриқ ва йўналиш беради, режалаштиришни осонлаштиради, ходимларни рағбатлантиради ва натижаларни баҳолаш ҳамда назорат қилишга ёрдам беради.

Алоҳида маҳаллаларнинг аниқ вазифалари хизмат кўрсатиш (газ, электр энергияси, транспорт, сув, канализация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар) мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, жорий эҳтиёжларни аниқлаш ва маҳалла аҳолисининг келажақдаги эҳтиёжларини прогнозлаш асосида белгиланади. Вазиятлар, шунингдек, ҳозирги ва келажақдаги эҳтиёжлар турли дмаҳаллаларда турлича бўлиши мумкин, шунинг учун аниқ мақсадларни индивидуал равишда аниқлаш керак. Маҳалла ривожланишининг энг муҳим масалаларига эътиборни қаратиш учун одатда 3-5 та аниқ мақсад тавсия этилади.

Аниқ мақсадларни белгилашда ва уларни умумий стратегик режадан / якуний мақсаддан фарқлашда қуйидагиларни ёдда тутиш зарур:

- Стратегик режа мазмуни кенг, аниқ мақсадлар эса кенг қўламни кўзлайди.

- Стратегик режа умумий, аниқ мақсадлар аниқ мақсадларга қаратилган бўлади.
- Стратегик режа асосан мавҳум ва сезилмас, аниқ мақсадлар аниқ ва сезиларли бўлади.

Ривожланиш соҳалари ва асосий ижтимоий-иқтисодий ёки экологик муаммолар билан боғлиқ ривожланиш кўрсаткичларининг 3-7 мақсадли кўрсаткичларини киритиш орқали мақсадлар даражасини янада аниқроқ ва воситали қилиш зарур.

Муайян мақсадларнинг таклиф қилинган таърифини аниқлаш ва синовдан ўтказиш учун кенг қўлланиладиган “SMART” (SMART) мезонларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда, инглизчадаги SMART қисқартмасининг ҳар бир ҳарфи қуйидаги маънони англатади:

<b>S</b>	Specific and clear (аниқ ва лўнда): Мақсадлар мазмунли бўлишини таъминлаш учун ноаниқликдан сақланинг.
<b>M</b>	Measurable (ўлчанадиган): Қачон “манзилга етганингизни” билишингиз зарур.
<b>A</b>	Achievable and attainable (Эришса ва етса бўладиган): Мақсадлар чалкаш эмас, балки реал бўлиши керак.
<b>R</b>	Relevant (долзарб): Далилларга асосланган, ҳақиқий муаммони ҳал қилишга йўналтирилган.
<b>T</b>	Timely (Ўз вақтида): Мақсадларни аниқ режаларга айлантириш учун мақсадлар мавҳум бўлиши мумкин эмас, унинг аниқ муддатлари белгиланиши зарур.

## 2. Туман тўғрисида қисқача маълумот

Туман миқёсидаги маълумотларни тақдим этишдан мақсад маълумот бир кластер ҳудудлари ёки алоҳида маҳаллаларнинг жойлашуви, маъмурий ҳудуди, аҳолиси, инфратузилмаси ва бошқа кўрсаткичларини МРРга киритишдир.

### 2.1. Туман харитаси

Туманнинг энг муҳим инфратузилма ва географик объектлари, аҳоли зич нуқталарини аниқлаган ҳолда маъмурий харитасини тақдим этиш.

### 2.2. Туман тўғрисида умумий маълумотлар

Туман ҳақидаги умумий маълумотлар мақсадли маҳаллаларнинг жойлашуви, маъмурий бўлиниши, аҳолиси ва ҳудуди бўйича жойлашиши учун кенгроқ маълумот беради.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Маъмурий бўлиниш ва бўйсунуш</b>	Муайян ҳудудий бўлинмага тегишлилигини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Вилоят,</li> <li>• Тумандаги маҳаллалар сони</li> </ul>
<b>Аҳолиси</b>	Доимий аҳолининг умумий сонини аниқлаш; Аҳоли зичлиги ва асосий аҳоли зич нуқталарини аниқлаш
<b>Табиий ресурслар</b>	Табиий ресурслардан фойдаланиш имконияти /бор-йўқлигини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қазилма бойликлар (нефть, газ, кўмир, металллар, қимматбаҳо тошлар),</li> <li>• Қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта, маккажўхори, шоли, буғдой, ипак),</li> <li>• Гўшт ва сут етиштириш (даштлар, далалар, ўтлоқлар),</li> <li>• Табиий ландшафтлар (дарёлар, кўллар, тоғлар)</li> </ul>
<b>Ҳудуд тури</b>	Қуйидагиларга кўра ҳудуд турини аниқланг: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Релефни таснифлаш (кўрикхоналар, даштлар, чўллар),</li> <li>• Қурилиш объектлари бўйича (шаҳар, қишлоқ, аҳоли сони кам ҳудудлар),</li> <li>• Муҳим табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича (дарёлар, кўллар ва бошқалар)</li> </ul>

### 2.3. Мавжуд инфратузилма ҳақида маълумот

Мавжуд инфратузилма тўғрисидаги маълумотлар туман аҳолиси томонидан фойдаланилувчи ва бир маҳаллага қараганда кенгроқ мақсадли аудиторияга хизмат кўрсатувчи туман даражасидаги инфратузилма тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Йўллар</b>	Тумандаги асосий йўллар, уларнинг узунлигини аниқлаш
<b>Темир йўллар</b>	Тумандаги темир йўлларни аниқлаш (бор бўлса)
<b>Аэропортлар</b>	Туманда жойлашган аэропортларни аниқлаш (бор бўлса)
<b>Таълим муассасалари</b>	Туманда жойлашган барча турдаги таълим муассасаларини аниқлаш, ўқувчилар сонини кўрсатиш
<b>Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси</b>	Туманда жойлашган барча турдаги соғлиқни сақлаш муассасаларини (шифохоналар, поликлиникалар) аниқлаш
<b>Маданият инфратузилмаси</b>	Туманда жойлашган барча турдаги маданият муассасаларини (маданият марказлари, кутубхоналар ва бошқалар) аниқлаш

### 2.4. Саломатлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

Туман аҳолисининг саломатлик ҳолати тўғрисидаги маълумотларда аҳоли азият чекадиган асосий касалликлар ҳақида сўз боради. Туман аҳолиси учун жорий касалликларнинг умумий сони ва ҳақиқий йиллик ҳолатларни тақдим этиш мумкин.

### 2.5. Танланган маҳаллалар ҳақида маълумот

Танланган маҳаллалар ҳақидаги маълумотлар МРР доирасидаги маҳаллалар ҳақида қисқача маълумот беради. Маҳалла паспорти асосида жойлашуви ва ҳудудини, аҳоли ва хонадонлар сонини, аҳоли зич бўлган асосий нуқталарини тавсифлаш.

## 3. Лойиҳага киритилган маҳалла

Инвестиция лойиҳалари амалга ошириладиган ҳудуд маҳалланинг маъмурий ҳудуди (маҳалла, қишлоқ) сифатида белгиланади.

Бироқ деярли барча инвестициялар қўшни маҳаллалар, уларнинг маъмуриятлари ва яқин атрофда жойлашган корхоналарни ( заводлар, фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари (КЎБК)) ўз ичига олган ҳолда, кенгроқ ҳудудга таъсир қилиши мумкин. Инвестициялар таҳлили ва устувор жиҳатларини белгилашда ушбу кенгроқ ҳудудни ҳисобга олиш керак.

Фасилитаторлар ташаббус гуруҳи билан таҳлил қилиш ва хулосаларни текширишлари тавсия этилади. Бу ҳамкорлик семинар шаклида бўлиши мумкин.

### 3.1. Маҳалла ҳақида қисқача маълумот

Таҳлил агар ҳудуд маҳаллий ҳаммаҳалла ҳудудининг умумий хусусиятларини аниқлашдан бошланса, асосий фактларни маҳалла ҳудудига киритиш керак бўлади.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Маъмурий бўлиниш ва бўйсунуш</b>	Муайян ҳудудий бўлинмага тегишлилигини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Вилоят,</li> <li>• Туман</li> <li>• Қўшни маҳаллалар билан умумий маъмурий бирликларга тарихий мансублик</li> </ul>



<b>Жойлашув</b>	<p>Қуйидагилар ёрдамида жойлашувни аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• GPS жойлашув маълумотлари,</li> <li>• Яқин атрофдаги йирик шаҳарларни аниқлаш (масофа неча километрлиги ва компас йўналиши),</li> <li>• Жойлашувни маълум табиий объектларга (тоғлар, адирлар, дарёлар, кўллар, чўллар) нисбатан кўрсатиш</li> </ul>
<b>Аҳолиси</b>	<p>Доимий аҳолининг умумий сонини аниқлаш; Маҳалла таркибининг асосий параметрларини аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ёши,</li> <li>• Жинси,</li> <li>• Ишчи кучи ҳолати,</li> <li>• Ижтимоий мақоми (иш билан банд, нафақага чиққан, ишсиз, болалар, талабалар, ижтимоий ёрдам олувчилар),</li> <li>• Маълумоти;</li> </ul> <p>Агар маҳаллада аҳоли яшаш жойлари турлича бўлса, аҳоли зичлиги ва асосий аҳоли зич нуқталарини аниқлаш;</p> <p>Қуйидаги маълумотларни ўрнатиш орқали демографик тенденцияларни аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳолининг табиий ўсиши (туғилиш ва ўлим);</li> <li>• Миграция билан боғлиқ аҳоли ўсиши (ички ва ташқи, доимий ва мавсумий)</li> </ul>
<b>Табиий ресурслар</b>	<p>Табиий ресурслардан фойдаланиш имконияти /бор-йўқлигини аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қазилма бойликлар (нефть, газ, кўмир, металллар, қимматбаҳо тошлар),</li> <li>• Қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта, маккажўхори, шоли, бугдой, ипак),</li> <li>• Гўшт ва сут етиштириш (даштлар, далалар, ўтлоқлар),</li> <li>• Табиий ландшафтлар (дарёлар, кўллар, тоғлар)</li> </ul>
<b>Худуд тури</b>	<p>Қуйидагиларга кўра худуд турини аниқланг:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Релефни таснифлаш (қўриқхоналар, даштлар, чўллар),</li> <li>• Қурилиш объектлари бўйича (шаҳар, қишлоқ, аҳоли сони кам худудлар),</li> <li>• Муҳим табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича (дарёлар, кўллар ва бошқалар)</li> </ul>

### 3.2. Маҳалла худуди харитаси

Маҳалланинг энг муҳим инфратузилма ва географик объектлари, аҳоли зич нуқталарини аниқлаган ҳолда маъмурий харитасини тақдим этиш.

### 3.3. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили ҳар қандай ҳудудий ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисмидир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таҳлил қилиш ривожланиш эҳтиёжларини асослаш учун муҳим маълумотларни тақдим этади.

Ижтимоий-иқтисодий таҳлил МРР бўйича таҳлилий ишнинг асосий қисми бўлиб, ривожланиш йўналишлари ва устувор инвестициялар тўғрисидаги қарорни тайёрлаш ва асослаш учун барча асосий маълумотларни ўз ичига олади.

#### 3.3.1. Бизнес корхоналари

Тегишли тадбиркорлик фаолиятининг мавжудлиги маҳалла аъзоларига зарур даромад олиш имконини беради. Маҳаллий иқтисодиётдаги бизнеснинг асосий афзалликлари

орасида иш билан бандликни ошириш ва маҳаллада ихтиёрий даромадлар, солиқ даромадларини ошириш ва бизнес, айниқса хизматларга йўналтирилган бизнес корхоналари учун содиқ мижозлар базаси мавжуд. Иқтисодийнинг турли тармоқларининг мавжудлиги даромадларни диверсификация қилиш имконини беради, шу билан бир тармоққа тобелликни минималлаштиради.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Фаолият</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳаллада рўйхатдан ўтган корхоналар/иш берувчилар сонини аниқлаш;</li> <li>• Маҳаллада фаол бўлган корхоналар/иш берувчилар сонини аниқлаш;</li> <li>• Аҳоли сони бўйича корхоналар/иш берувчилар сони;</li> <li>• Қўшни маҳаллалар, минтақа, мамлакатга нисбатан фаоллик даражасини таққослаш</li> </ul>
<b>Асосий соҳалар</b>	<p>Маҳалладаги иқтисодийнинг асосий тармоқларини аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхоналар / иш берувчилар сони,</li> <li>• Ходимлар сони,</li> <li>• Товар айланмаси ҳажми</li> </ul>
<b>Қиёсий афзалликлар</b>	<p>Худуднинг муайян иқтисодий тармоқлар учун қандай афзалликлари борлигини аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Табиий ресурслар,</li> <li>• Транспорт йўналишлариданг фойдаланиш имконияти,</li> <li>• Инсон ресурслари (ҳозирги ва келажакдаги ишчи кучи),</li> <li>• Тарихий ихтисослик</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	<p>Бизнес ташкил қилиш ва уни ривожлантиришда эҳтимолий ривожланиш йўналишларини таклиф қилиш</p>

### 3.3.2. Бандлик

Бандлик аҳолининг кўпчилиги учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. Ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек, унинг малакаси таклиф томонини, иш берувчилар ва ишчи кучини тўплаш учун тақдим этилган саноат тармоқларининг мавжудлиги эса талаб томонини белгилайди. Шу сабабли, иш билан бандликни таҳлил қилиш МРРни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Имкониятлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалладаги тўлдирилган иш ўринлари сонини аниқлаш;</li> <li>• Тўлдирилмаган бўш иш ўринлари сонини/ставкаларини аниқлаш;</li> <li>• Агар бўш иш ўринлари узоқ муддат тўлдирилмаган бўлса, уларнинг сабабларини аниқлаш</li> </ul>
<b>Самарасизликлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Жорий ишсизлик даражасини аниқлаш;</li> <li>• Уни қўшни маҳаллалар, минтақалар, мамлакат билан таққослаш;</li> <li>• Ишсизларнинг асосий тегишли хусусиятларини аниқлаш</li> </ul>

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Даромадлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳалладаги даромадлар даражасини аниқлаш;</li> <li>Даромад тақсимотини таҳлил қилиш;</li> <li>Уни қўшни маҳаллалар, минтақалар, мамлакат билан таққослаш</li> </ul>
<b>Ижтимоий босим</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ҳар бир ходим қўллаб-қувватланадиган шахсларнинг кўрсаткичларини аниқлаш;</li> <li>Мавжуд демографик ва меҳнат тенденциялари асосида кейинги 5-10 йил ичида ҳар бир ходимга тўғри келадиган қўллаб-қувватланадиган шахсларнинг кутилаётган ставкаларини аниқлаш;</li> <li>Уни қўшни маҳаллалар, минтақалар, мамлакат билан таққослаш</li> </ul>
<b>Маълумот ва кўникмалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аҳолининг маълумоти ва малакаси қандай?</li> <li>Маълумот ва малакалар меҳнат бозори эҳтиёжларига қанчалик мос келади?</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	Бандликка кўмаклашишнинг эҳтимолий ривожланиш йўналишларини таклиф қилиш

### 3.4. Инфратузилма таҳлили

Инфратузилма – бу МРР инвестицияларининг кўп қисми амалга ошириладиган соҳа бўлиб, бу таҳлилнинг ушбу қисмини МРРнинг молиявий таъсири мақсадлари учун муҳимлигини белгилаб беради.

#### 3.4.1. Таълим инфратузилмаси

Сифатли таълим инфратузилмасидан фойдаланиш келажак авлодлар учун рақобатбардош таълим олиш ва янада юқори қўшимча қийматга эга меҳнат бозорига киришнинг асосий шартларидан биридир. Бинолар, синф хоналари, лабораториялар ва жиҳозлар, яъни таълим инфратузилмаси мактаблардаги ўқув муҳитининг энг муҳим элементлари ҳисобланади. Юқори сифатли инфратузилма таълимни яхшилашга ёрдам беради, шқувчиларнинг натижаларини яхшилади ва бошқа имтиёзлар қаторида мактабни ташлаб кетиш даражасини пасайтиради.

Таълим инфратузилмасининг таҳлили, асосан, мактаблар ва болалар боғчалари, агар бор бўлса, болалар учун мактабдан ташқари машғулотлар марказлари, масалан, спорт ва севимли машғулотлари бўлимларини ўз ичига олади.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Бор-йўқлиги</b>	<p>Мавжуд таълим инфратузилмасини (ҳам давлат, ҳам хусусий) аниқлаш: мактаблар, болалар боғчалари, тўгараклар марказлари ва бошқалар.</p> <p>Яқин атрофда (3 км радиусда) барча керакли хизматлар кўрсатилган ёки йўқлигини таҳлил қилиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Мактаб,</li> <li>Боғча,</li> </ul>
<b>Сифати</b>	<p>Бинолар ва инфратузилманинг жисмоний ҳолатини аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Сифат ва амортизация,</li> <li>Амалдаги қурилиш стандартларга мувофиқлиги</li> </ul>

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Қамрови</b>	Мавжуд инфратузилма таълим жараёнини амалга оширишга имкон бериши ёки йўқлигини таҳлил қилиш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Стандарт синфлар,</li> <li>• Ихтисослаштирилган ўқув хоналари (физика, кимё, уй ишлари, АТ),</li> <li>• Буфет,</li> <li>• Гардероб,</li> <li>• Ҳожатхоналар,</li> <li>• Спортзал,</li> <li>• Спорт стадиони,</li> <li>• Мажлислар зали</li> </ul>
<b>Бинога кириш имконияти</b>	Таълим инфратузилмаси жисмоний имконияти чекланган болалар учун қулайлигини тасдиқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Пандуслар,</li> <li>• Лифтлар</li> </ul>
<b>Қуввати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мактабга қатнайдиغان болалар сонини ва мактаб таълим беришга мўлжалланган болалар сонини аниқлаш;</li> <li>• Болалар боғчасига борадиган болалар сонини ва болалар боғчаларидаги ўринларни аниқлаш.</li> </ul>
<b>Интенсивлик</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мактаб неча сменалигини аниқлаш (бир ёки бир нечта);</li> <li>• Бошқа маҳаллалардаги мактабларга боришга мажбур бўлган ўқувчилар сонини аниқлаш (3 км ва ундан кўп радиусда);</li> <li>• Бошқа маҳаллалардаги болалар боғчаларига боришга мажбур бўлган болалар сонини аниқлаш (3 км ва ундан кўп радиусда);</li> </ul>
<b>Истиқболли</b>	Таълим инфратузилмасига келажакдаги (5-10 йил) талабни аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Демография асосида (талаб интенсивлиги),</li> <li>• Ўқув режаси асосида (АТ синфлари, Wi Fi имконияти)</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммолар бўйича ривожланиш чораларини таклиф қилиш

### 3.4.2. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси

Маҳаллаларда соғлиқни сақлаш инфратузилмаси барча асосий соғлиқни сақлаш хизматлари учун зарур пойдевор яратади. Бу хизматлар эмлашдан тортиб сурункали касалликларнинг олдини олишга, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришгача чора-тадбирларни ўз ичига олади. Соғлиқни сақлаш инфратузилмалари нафақат одамларнинг ҳаёт сифати ва умр кўриш давомийлиги, балки ишчи кучи сифати, тадбиркорлик фаоллиги ва пировард натижада мамлакат иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли кўплаб мамлакатларда ўта муҳим инфратузилма ҳисобланади. Кўпинча одамлар ўзларининг соғлиғи ва тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида фақат кекса ёшда қайғурадилар, аммо сифатли бирламчи тиббий ёрдам ва профилактика самаралироқ бўлиши мумкин.

Шунитаъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш инфратузилмасининг сифати ва кўрсатилаётган тиббий хизмат кўп жиҳатдан бошқа коммунал хизматларга, масалан, касалхоналар / поликлиникалар / тез ёрдам пунктлари, электр таъминоти, сув таъминоти ва бошқаларга борадиган йўлларнинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Бор-йўқлиги</b>	Маҳаллада бирламчи тиббиёт муассасаси (поликлиника) бор-йўқлигини аниқлаш; Маҳаллада иккинчи даражали соғлиқни сақлаш муассасаси (шифохона) бор-йўқлигини аниқлаш
<b>Сифати</b>	Бинолар ва инфратузилманинг жисмоний ҳолатини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Сифат ва амортизация,</li> <li>• Амалдаги қурилиш стандартларга мувофиқлиги</li> </ul> Керакли инфратузилма элементларини аниқланг: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Гардероб,</li> <li>• Қабулхона,</li> <li>• Умумий амалиёт шифокори хонаси,</li> <li>• Мутахассислар хоналари,</li> <li>• Биологик хавфли чиқиндилар хонаси,</li> <li>• Ҳожатхоналар.</li> </ul> Нотўғри режалаштириш ёки амортизация тусфайли юзага келган ҳар қандай камчиликларни аниқлаш
<b>Қамрови</b>	Маҳаллада кўрсатиладиган тиббий хизматлар кўламини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Педиатрия,</li> <li>• Терапевт,</li> <li>• Тиш шифокори,</li> <li>• Ихтисослашган парвариш</li> </ul>
<b>Бинога кириш имконияти</b>	Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси жисмоний имконияти чекланган беморлар учун қулайлигини тасдиқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Пандуслар,</li> <li>• Лифтлар</li> </ul>
<b>Қуввати</b>	Инфратузилма учун мўлжалланган ташриф буюрувчиларнинг имкониятларини ва ташриф буюрувчиларнинг ҳақиқий сонини аниқлаш
<b>Интенсивлик</b>	Беморларнинг бир кунда ўртача кутиш вақтини аниқлаш (соғлиқни сақлаш бўйича бирламчи ёрдам учун 1 кунгача ва мутахассис учун 3 кунгача ёки ундан кўпроқ); 5-10 йил демографик кўринишга асосланган келажакдаги интенсивликни баҳолаш
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва ривожлантириш чораларини таклиф қилиш

### 3.4.3. Электр энергияси таъминоти инфратузилмаси

Электр токи – бу замонавий ҳаётнинг қони деса бўлади, чунки усиз на иш, на ўқиш ва на дам олишни тасаввур қилиб бўлмайди. Маҳаллаларнинг ривожланишини режалаштиришда электр энергияси таъминоти инфратузилмаси рисоладагидек ишлайди деб кафолат бериб бўлмайди. Бу корхоналарнинг ишлашини таъминлайди ва турли

коммунал хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Электрон бошқарув ва давлат хизматларини фаоллаштириш электр таъминотининг аҳамияти ва сифатини оширади.

Энергия инфратузилмаси турли манбалардан (гидроэлектрик тўғонлар, қазилма ёқилғи, ядровий, қуёш, шамол, геотермал ва биомасса электр станциялари) ишлаб чиқарилган электр энергиясини ёки энергия сақлаш тизимларида сақланадиган электр энергиясини олиш ва узатиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва хизматлардан иборат. Маҳаллани ривожлантириш мақсадларида таҳлилнинг асосий жиҳатлари электр таъминотидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, унинг қувватининг етарлилиги, узлуксиз ишлаш, инфратузилманинг эскиришига қаратилиши лозим.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Бор-йўқлиги</b>	Маҳаллада доимий электр таъминоти мавжудлигини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Жамоат бинолари,</li> <li>• Бизнес корхоналари,</li> <li>• Уй хўжаликлари;</li> </ul> Асосий электр иншоотларининг қонунийлигини энергия таъминоти бўйича орган ёрдамида аниқлаш
<b>Қуввати ва ишончлилиқ</b>	Эҳтиёжлар учун этказиб бериладиган электр энергиясининг етарлилиги тўғрисида маълумотларни тўплаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Жамоат бинолари,</li> <li>• Бизнес корхоналари,</li> <li>• Уй хўжаликлари;</li> </ul> Электр таъминотидаги узилишлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш (электр таъминотида ойига 1 марта ёки ундан кўпроқ узилишлар)
<b>Сифати</b>	Инфратузилманинг жисмоний ҳолатини аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Сифат ва амортизация,</li> <li>• Амалдаги қурилиш стандартларга мувофиқлиги</li> </ul>
<b>Прогноз</b>	Келажакдаги ривожланиш режаларидаги (давлат хизматлари ва хусусий бизнес, уй хўжаликлари) келажакда электр таъминотига бўлган талабни баҳолаш
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммолар бўйича ривожланиш чораларини таклиф қилиш

#### 4.4.3. Ичимлик суви ва канализация инфратузилмаси

Ичимлик суви ва канализациядан фойдаланиш ҳаётнинг асосий шарти сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бу нафақат турмуш даражаси, балки аҳоли саломатлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Нотўғри гигиена, ичимлик сувининг миқдори ва сифатининг етарли эмаслиги, санитария-гигиена воситаларининг етишмаслиги кишиларнинг турли касалликларга чалинишига олиб келади ва ҳатто олдини олиш мумкин бўлган касалликлардан ҳам одамлар вафот этишлари мумкин.

Ичимлик суви ва канализациядан фойдаланиш соғлиқни сақлаш инфратузилмаси – касалхоналар ва поликлиникаларнинг тўғри ишлаши учун жуда муҳим, таълим инфратузилмаси учун муҳим, шунингдек, кўп ҳолларда, корхоналар жойлашган жойни танлаш билан ҳам ўзаро боғлиқ омилдир.

Таҳлил марказлаштирилган ва марказлашмаган инфратузилманинг бор-йўқлигига қаратилади.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Сув таъминотининг бор-йўқлиги</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳаллада доимий ичимлик суви таъминоти мавжудлигини аниқлаш;</li> <li>• Таъминот воситаларини аниқлаш – марказлаштирилган / марказлашмаган;</li> <li>• Асосий ичимлик суви таъминоти иншоотларининг қонунийлигини коммунал хизмат кўрсатиш органи ёрдамида аниқлаш</li> </ul>
<b>Сув таъминоти билан қамраб олинганлик даражаси</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик улушини (%) аниқлаш;</li> <li>• Вилоят, қишлоқ жойлари, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич билан таққослаш</li> </ul>
<b>Сув таъминотининг ишончилиги</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Сув таъминотидаги узилишлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш (ҳафтада 1 марта ёки ундан кўпроқ)</li> <li>• Ичимлик суви манбасини аниқлаш ва унинг барқарорлигини баҳолаш</li> </ul>
<b>Сув сифати</b>	<p>Ичимлик суви сифатининг стандартларга мувофиқлигини аниқлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кимёвий кўрсаткичлар,</li> <li>• Биологик кўрсаткичлар</li> </ul>
<b>Сувнинг йўқотилиши</b>	Маҳалланинг сув таъминоти тизимидаги сув йўқотилиши даражаси тўғрисидаги маълумотни коммунал хизмат кўрсатиш органидан олиш
<b>Сувдан фойдаланиш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳаллада сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни (қиши бошига йилига тўғри келадиган сув харжи (м<sup>3</sup>)) коммунал хизмат кўрсатувчи органдан олиш;</li> <li>• Вилоят, қишлоқ жойлари, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич билан таққослаш</li> </ul>
<b>Санитария воситаларининг бор-йўқлиги</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳаллада санитария инфратузилмаси мавжудлигини аниқлаш;</li> <li>• Ечимни аниқлаш - марказлаштирилган / марказлашмаган;</li> <li>• Санитария иншоотларининг қонунийлигини коммунал идора ёрдамида аниқлаш</li> </ul>
<b>Санитария хизмати билан қамраб олинганлик даражаси</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳолининг санитария иншоотлари билан қамраб олинганлик улушини (%) аниқлаш</li> <li>• Вилоят, қишлоқ жойлари, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич билан таққослаш</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммоларни бартараф этиш чораларини таклиф қилиш

### 3.4.5 Суғориш (ирригация) инфратузилмаси

Суғориш (ирригация) инфратузилмаси деганда ерни суғориш учун ишлатиладиган сувни асосий мақсадларда етказиб бериш учун сув хизмати инфратузилмаси тушунилади. Ўзбекистон каби қурғоқчил ва бевосита денгизга чиқиш йўли бўлмаган мамлакатда суғориш иқтисодий ривожланишнинг ўта жиддий масаласидир, лекин кўпинча ирригация инфратузилмаси норасмий: рўйхатга олинмаган ва коммунал хизматлар томонидан қўллаб-қувватланмайди. Бу вазиятни қийинлаштиради ва шунинг учун бу муаммога барҳам бериш янада муҳим аҳамиятга эга.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Бор-йўқлиги</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳаллада доимий суғориш инфратузилмаси бор-йўқлигини аниқлаш;</li> <li>Доимий суғориш инфратузилмасининг қонунийлигини коммунал хўжалиги органи ёрдамида аниқлаш</li> </ul>
<b>Қамрови</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ирригатсия инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятига эга унумдор ерлар улушини аниқлаш;</li> <li>Вилоят, қишлоқ жойлари, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич билан таққослаш</li> </ul>
<b>Ишончлилик</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суғориш тизимларида сув таъминотидаги узилишлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш (бир ойда бир марта ёки ундан кўпроқ)</li> <li>Суғориш суви манбасини аниқлаш ва унинг барқарорлигини баҳолаш</li> </ul>
<b>Фойдаланиш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳаллада сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни (бир км<sup>2</sup> учун йилига неча м<sup>3</sup> сув сарфланиши) коммунал хизмат кўрсатувчи органдан олиш;</li> <li>Вилоят, қишлоқ жойлари, мамлакат бўйича ўртача кўрсаткич билан таққослаш</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммоларни бартараф этиш чораларини таклиф қилиш

### 6.4.3. Асосий транспорт инфратузилмаси (йўллар) ва хизматлар

Транспорт инфратузилмаси ва транспорт хизматларидан фойдаланиш иқтисодий ривожланиш ва маҳаллаларда ҳаёт сифати учун жуда муҳим бўлиши мумкин: ишлаб чиқариш материалларини қабул қилиш ва маҳсулотни жўнатиш, юқори даражадаги давлат хизматлари кўрсатилувчи жойгача етиб бориш ва шунчаки ташқи оламга боғланишни транспортсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Йўллар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Яқин атрофдаги асосий йўлларни аниқлаш ва маҳалланинг ушбу йўллардан фойдаланиш даражасини баҳолаш;</li> <li>Маҳалла аҳолиси учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича эчимларни аниқлаш (масалан, муҳим жойларда пиёдалар учун ўтиш жойлари, автобус бекатлари ва улардан фойдаланиш ва бошқалар);</li> <li>Асосий йўллардан фойдаланиш имкониятининг бор-йўқлигининг иқтисодий ривожланиши ва маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий яхшиланишларга ижобий ва салбий таъсирини баҳолаш.</li> </ul>
<b>Темир йўллар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Яқин атрофдаги темир йўлларни аниқлаш ва ушбу темир йўллардан маҳалланинг фойдаланиш имкониятларини баҳолаш (темир йўл бекатлари, бекатлардан фойдаланиш, бекатларгача автобусда келиш имкониятлари ва ҳ.к.);</li> <li>Темир йўллардан фойдаланиш имкониятининг бор-йўқлигининг иқтисодий ривожланиши ва маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий яхшиланишларга ижобий ва салбий таъсирини баҳолаш.</li> </ul>
<b>Жамоат транспорти</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳаллани ривожланиш марказлари (қўшни шаҳарлар ва шаҳарлар) билан боғловчи жамоат транспорти инфратузилмаси ва хизматларини аниқлаш;</li> <li>Жамоат транспортдан фойдаланиш имкониятининг бор-йўқлигининг иқтисодий ривожланиши ва маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий яхшиланишларга ижобий ва салбий таъсирини баҳоланг.</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммолар бўйича ривожланиш чораларини таклиф қилиш



### 3.4.7 Маҳаллий йўллар, кўчалар ва кўприклар

Маҳаллий транспорт инфратузилмаси маҳаллий даражадаги йўллар ва ушбу йўллардаги кўприклар, аҳоли пунктларидаги кўчаларни ўз ичига олади.

Маҳаллий транспорт инфратузилмасининг сифати жисмоний шахслар, айниқса маҳалланинг камроқ ҳаракатланувчи аъзолари: пенсионерлар ва болалар учун ҳам жуда муҳим бўлиши мумкин. Инфратузилманинг бу қисми ҳам кўпинча маҳалланинг бевосита жавобгарлиги остида бўлади ва шунинг учун МРР учун муҳим устувор жиҳат бўлиши мумкин.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Йўллар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳалла ҳудудидаги ва унга яқин жойлашган маҳаллий йўлларни аниқлаш;</li> <li>Уларнинг сифатини баҳолаш ва техник хизмат кўрсатиш / реконструкция қилишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш</li> </ul>
<b>Кўчалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳалладаги кўчалар, уларнинг умумий узунлиги ва сифатини аниқлаш ва тавсифлаш;</li> <li>Кўчаларда ҳаракат хавфсизлиги жиҳатларини аниқлаш ва тавсифлаш, масалан, пиёдалар йўлакчалари, ўтиш чироқлари, кўришни яхшилаш учун ечимлар, йўлдаги сунъий нотекисликлар ва бошқаларнинг бор-йўқлиги;</li> <li>Асосий кўчаларни (марказий кўчалар ва транспорт зичлиги юқори кўчалар) таъмирлаш / реконструкция қилишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш;</li> <li>Асосий кўчаларни ёритиш</li> </ul>
<b>Кўприклар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳалладаги кўприкларни аниқлаш;</li> <li>Уларнинг сифатини баҳолаш ва техник хизмат кўрсатиш / реконструкция қилишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш</li> </ul>
<b>Автобус ва темир йўл бекатлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Маҳалладаги маҳаллий транспорт инфратузилмасини (автобус ва темир йўл бекатлари) аниқлаш;</li> <li>Уларнинг сифатини баҳолаш ва техник хизмат кўрсатиш / реконструкцияга бўлган эҳтиёжларини ёки камчиликларни аниқлаш</li> </ul>
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммоларни бартараф этиш чораларини таклиф қилиш

### 8.4.3. Телекоммуникация ва интернет инфратузилмаси

Телекоммуникация инфратузилмаси ахборотни электрон воситалар орқали узатиш ва қабул қилиш учун фойдаланиладиган объектлар ва тармоқларни ўз ичига олади.

Замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш имконияти, айниқса, маҳалла қиймат занжирида ривожланишни мақсад қилган шароитда муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун телекоммуникация хизматлари бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этиб, МРРда баҳоланиши ва инвестиция қилишнинг устувор жиҳатларидан бири сифатида баҳоланиши зарур.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Бор-йўқлиги</b>	Маҳалла фуқаролари ва корхоналари учун фойдаланиш мумкин бўлган телекоммуникация хизматларини аниқлаш
<b>Қамрови</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хизмат кўрсатувчилардан маълумот олган ҳолда (ёки танлама-сўровдан) телекоммуникация ва интернет хизматлари билан қамраб олинганлик даражасини тахминий баҳолаш;</li> <li>Уни минтақадаги, қишлоқ жойларидаги ва мамлакатдаги бошқа маҳаллалар билан таққослаш</li> </ul>

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Ишончлилик</b>	Хизмат кўрсатувчилардан маълумот олган ҳолда (ёки танлама-сўровдан) бу хизматдаги узилишларнинг тахминий даврийлигини аниқлаш (ҳафтасига 1 соат ёки ундан ортиқ)
<b>Сифати</b>	Хизмат кўрсатувчилардан маълумот олган ҳолда (ёки танлама-сўровдан) мавжуд уланишлар сифатини / тезлигини баҳолаш (кенг полосали уланишнинг минимал тезлиги юклар олиш учун 25 Мбит/с ва юклаш учун 3 Мбит/с)
<b>Чора-тадбирлар</b>	Аниқланган муаммолар бўйича ривожланиш чораларини таклиф қилиш

### 3.5. Экологик таҳлил

Атроф-муҳит муаммоларини таҳлил қилиш маҳалла аъзолари томонидан бевосита дуч келадиган муаммолар ва кўринмайдиган, аммо узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланиш учун муҳим бўлган баъзи муаммолар билан боғлиқ бўлади.

#### 3.5.1 Иқлим ўзгариши

Иқлим ўзгариши нисбатан секин глобал жараён, аммо унинг таъсири маҳаллий даражада сезилиши мумкин, бу эса ҳудудда хабардорликни ошириш ва маҳаллий ҳаракатлар ижроси учун тертки беради. Бундай ҳаракатлар МРРда акс эттирилиши мумкин.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Сабабчилар</b>	Маҳаллада иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатувчи энг муҳим сабабчиларни аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўмир электр станцияси / иссиқлик электр станцияси,</li> <li>• Эскирган технологияли йирик завод,</li> <li>• Қазилма ёқилғи қазиб олувчи кончилик компанияси;</li> </ul> Аниқланган хавф манбаларини бартараф этиш чораларини баҳолаш
<b>Таъсирлар</b>	Иқлимга бўлган салбий таъсирдан жиддий жабрланган аҳоли/соҳани аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Сувни кўп талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги,</li> <li>• Нафас олиш тизими касалликларига чалинган фуқаролар;</li> </ul> Белгиланган мақсадли гуруҳлар учун тузатиш чораларини баҳолаш

#### 3.5.2 Ифлосланиш

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши камдан-кам кўриб чиқилмайдиган яна бир омил, лекин давлат инвестициялари сарфланувчи катта соҳасидир Ҳатто кичик миқёсдаги тадбирлар ҳам фуқароларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаши мумкин. Ифлосланишнинг баъзи мисоллари чорва моллари қабристонлари ва маиший ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш учун тегишли жойларнинг йўқлиги билан боғлиқ.

Ифлосланишнинг учта асосий тури мавжуд бўлиб, улар ҳавонинг ифлосланиши, сувнинг ифлосланиши ва ернинг ифлосланишидир.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Сабабчилар</b>	Маҳаллада атроф-муҳитнинг ифлосланишига таъсир кўрсатувчи энг муҳим сабабчиларни аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Эскирган технологияли йирик завод,</li> <li>• Кончилик компанияси,</li> <li>• Чиқиндилар полигони,</li> <li>• Тарихий жиҳатдан ифлосланган ҳудудлар;</li> </ul> Аниқланган хавф манбаларини бартараф этиш чораларини баҳолаш
<b>Таъсирлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқлимга бўлган салбий таъсирдан жиддий жабрланган аҳоли/соҳани аниқлаш;</li> <li>• Белгиланган мақсадли гуруҳлар учун тузатиш чораларини баҳолаш</li> </ul>

### 3.5.3 Табиатни муҳофаза қилиш

Маҳаллани ўраб турган табиат кўпинча одатий ҳол сифатида қабул қилиниши мумкин, аммо унинг барқарорлигини таъминлаш учун ҳатто энг чидамли биомлар ҳам ҳимояланган бўлиши зарур. Иқтисодий фаолият (фермер хўжалиги ва туризм) билан боғлиқ фуқаролар томонидан бошқариладиган кичик миқёсдаги тадбирлар минтақанинг бошқа мамлакатларида ҳам муваффақият қозонди.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Сабабчилар</b>	Табиатни муҳофаза қилиш учун энг муҳим хавфларни аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Йирик фермалар,</li> <li>• Йирик завод-фабрикалар,</li> <li>• Ресурс талаб қилувчи бизнес корхоналари;</li> </ul> Аниқланган хавф манбаларини бартараф этиш чораларини баҳолаш
<b>Таъсирлар</b>	Иқлимга бўлган салбий таъсирдан жиддий жабрланган аҳоли/соҳани аниқлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқтисодий ва ижтимоий фаолият оқибатида таҳдид остида қолувчи ҳайвонлар,</li> <li>• Биомларнинг хавф остида бўлган турлари (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида ҳудудлар);</li> </ul> Белгиланган мақсадли гуруҳлар учун тузатиш чораларини баҳолаш

## 4. SWOT таҳлили

SWOT таҳлили (кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидлари) таклиф этилаётган маҳалла ҳудудида қўлланиладиган оддий ахборотни бошқариш ва таҳлил қилиш воситасини тақдим этади. У МРР бевосита таъсир қилиши мумкин бўлган соҳа дуч келадиган омиллар, хусусан, кучли ва заиф томонлари, ташқи омиллар; тўғридан-тўғри МРР таъсирига эга бўлган имкониятлар ва таҳдидларни таҳлил қилади. У МРРни хабардор қилувчи умумий ҳудудий таҳлил учун қўлланилиши ва муайян масалани қандай ҳал қилиш мумкинлигини батафсилроқ кўриб чиқиши мумкин.

SWOTнинг асосий элементи таҳлилдир. Бу эҳтиёжларни самарали баҳолаш ва ҳудуднинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли мақсадларни белгилаш учун зарурий шартдир. SWOT самарали бўлиши учун аниқланган омилларнинг ҳудуд ва унинг аҳолисига таъсири таҳлилини кўрсатиши зарур. Таҳлил энг муҳим масалалар ва

ҳаракатларнинг устувор жиҳатларини белгилаш ва ресурсларни тақсимлаш учун асос бўлиши лозим. Мазкур жараёнда маҳалланинг кучли ва яхши исботланган иштироки зарурлиги кундак равшан омилдир.

Яхши сифатли SWOT далиллар базасини, жамоатчилик иштирокини ва таклиф қилинган дастурни ўзаро боғлаши керак. Шунинг учун у ҳам миқдорий, ҳам сифат элементларини ўз ичига олади ва идеал ҳолда, кейинчалик самарадорликни ўлчаш мумкин бўлган тегишли асосий ёки контекстуал кўрсаткичларни ўз ичига олиши зарур. SWOT муаммолар ўртасидаги эҳтимолий боғланиш ва алоқаларни кўрсатади ва уларни ҳал қилишда янги технологияларни жорий қилиш имкониятларини аниқлаши мумкин. Бу эҳтиёж ва имкониятларни MPP мақсадларини ишлаб чиқиш билан боғловчи MPPнинг аралашуви зарурлигини асослайди. У MPPнинг асосланиши, долзарблиги ва мувофиқлигини баҳолаш мумкин бўлган муҳитни тақдим этади.

Кучли жиҳатлар	Заиф томонлар
Маҳаллани ривожлантириш учун 3-5 та энг муҳим ички ижобий омилларни аниқлаш	Маҳаллани ривожлантиришига таъсир қилувчи 3-5 та энг муҳим ички салбий омилларни аниқлаш
Имкониятлар	Таҳдидлар
Маҳаллани ривожлантириш учун 1-3 та энг муҳим ташқи ижобий омилларни аниқлаш	Маҳаллани ривожлантиришга таъсир қилувчи 1-3 та энг муҳим ташқи салбий омилларни аниқлаш

## 5. Аниқланган муаммоларнинг умумий рўйхати

MPPнинг мазкур боби барча аниқланган ривожланиш муаммоларини қамраб олиши зарур. Муаммоларни аралашув соҳасига қараб гуруҳлаш тавсия этилади. Ҳаммаси бўлиб 4 та соҳа ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Худуд	Худуднинг хусусиятлари
<b>Инфратузилмани ривожлантириш</b>	Давлат инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, масалан, транспорт инфратузилмаси, таълим инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш инфратузилмаси ва бошқалар.
<b>Хизматларни тақдим этиш</b>	Хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ муаммолар, масалан, интернет, электр, сув таъминоти, туризм, маданият соҳасидаги хизматлар.
<b>Бизнес муҳити</b>	Тадбиркорлик фаолияти, рақобатбардошлик, инновациялар, иқтисодий диверсификация қилиш, ижтимоий тадбиркорлик, иш ўринларини яратиш ва бошқалар билан боғлиқ муаммолар.
<b>Кўникма ва малакалар</b>	Маҳалла аҳолисининг давлат хизматларидан фойдаланиш, меҳнат бозорига интеграциялашувини соддалаштириш, даромад даражасини ошириш, бўш вақтини ўтказиш имкониятларини таъминлаш бўйича кўникма ва малакаларнинг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ муаммолар.

Оптималь вазиятда MPP соҳалар бўйича муаммоларнинг мувозанатли рўйхатини аниқлаши керак – яъни маҳалла фақат битта соҳага урғу бермасдан, барча соҳаларга тегишли муаммоларни аниқлайди.

Ҳар бир аниқланган муаммонинг қисқача ечимини, эҳтимолий молиявий манбани, шунингдек, муаммони ҳал қилиш учун муддатларни тақдим этиш таклиф этилади. Агар бу таклиф ўринли бўлса, қабул қилинган муаммо бўйича жамоатчилик семинарида бу овозга қўйилиши мумкин.

## 6. Устувор муаммолар

Устувор муаммолар рўйхати маҳалла учун аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда муаммолар рейтингини ўз ичига олади. Юқорида аниқланган ҳар бир муаммонинг асосий тавсифлари, шунингдек, МРРнинг амалий қисмида аниқланиши керак бўлган асосий амалий чоралар кўрсатилиши керак.

## 7. Ташаббус гуруҳи аъзолари рўйхати

Ташаббус гуруҳи аъзоларининг рўйхати МРРни ишлаб чиқишда иштирок этган аъзоларнинг далилларини тақдим этади. Раҳбар ва унинг ўринбосари, шунингдек, барча ташаббус гуруҳи аъзолари, уларнинг касби ва боғланиш маълумотларини аниқлаш тавсия этилади.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: МРРНИНГ АМАЛИЙ ҚИСМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Амалий қисм стратегик қисмда белгиланган ривожланиш муаммоларидан келиб чиқадиган суб-лойиҳаларни ўз ичига олади.

Суб-лойиҳаларнинг ҳар бири учун унинг яхши тайёрланганлиги ва бошқа муҳим жиҳатлар етарлича батафсил таҳлил қилинишини таъминлаш учун бир қатор босқичларни бажариши зарур.

Шунингдек, суб-лойиҳа маҳалла аҳолиси ҳаётини яхшилаш олмайдиган бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир нечта инвестиция лойиҳаларидан фарқли ўлароқ, ўзаро боғлиқ бўлган изчил инвестициялар асосидаги устувор ривожланиш ечимларидан иборат бўлиши керак.

### 1. Суб-лойиҳани асослаш

Табиийки, ҳар бир инвестиция ғояси соҳадаги мавжуд вазият ва келгусида кутилаётган ривожланиш, талаб ёки хавфдан келиб чиққан ҳолда асосланиши лозим. Суб-лойиҳани асослашда стратегик қисмга ҳаволалардан фойдаланинг: суб-лойиҳа қанчалик ўзаро боғланган бўлса, унинг устуворлик томони шунчалик юқори бўлиши керак.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Бандлик</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг бандликка кўмаклашишга ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Бизнес корхоналари</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг бизнесни ривожлантиришга ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Таълим</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг таълимга ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Соғлиқни сақлаш</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Электр энергияси таъминоти</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг электр таъминоти соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Ичимлик суви ва санитария</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг ичимлик суви ва оқава сувларни бошқариш соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Суғориш</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг суғориш соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Катта ўлчамдаги транспорт</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг минтақавий ва миллий транспортдан фойдаланишга ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Маҳаллий транспорт</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг маҳаллий транспорт соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Телекоммуникация</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг телекоммуникация соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Иқлим</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг иқлимга ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Ифлосланиш</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг ифлосланиш соҳасига ижобий алоқаси бор-йўқлигини баҳолаш
<b>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш</b>	Таклиф этилаётган суб-лойиҳанинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасига ижобий алоқаси борлигини баҳолаш

Жараённинг ҳозирги ҳолатини тавсифлаш учун 3 та фотосуратни илова қилинг.

## 2. Суб-лойиҳа паспорти

Суб-лойиҳанинг мўътадил ва етарлича батафсил кўринишини таъминлаш учун паспорт тузиш таклиф этилади. Бу ҳар қандай потенциал инвестор, кредитор, донор ёки халқаро ҳамкорга тақдим этилиши мумкин бўлган халқаро миқёсда қўлланиладиган ёндашув ҳисобланади.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Мақсад</b>	Натижалар, мақсадли гуруҳлар ва асослашни ўз ичига олган суб-лойиҳанинг мақсадини кўрсатиб ўтиш
<b>Натижалар</b>	Суб-лойиҳа натижаларини СМАРТ усулида тасвирлаб бериш
<b>Муддатлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суб-лойиҳани амалга ошириш муддатларини тавсифлаш;</li> <li>Эслатма: энг яхши натижаларга эришиш учун амалга ошириш босқичларидан фойдаланиш ва уларнинг муддатларини белгилаш</li> </ul>
<b>Давомийлиги</b>	Суб-лойиҳанинг барча тадбирларини амалга оширишнинг аниқ давомийлигини таъминлаш
<b>Инвестиция бюджети</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Афзал ечим асосида кутилаётган инвестиция бюджетини аниқлаш;</li> <li>Эслатма: энг яхши натижаларга эришиш учун амалга ошириш босқичларидан фойдаланиш ва уларнинг харажатларини аниқлаш</li> </ul>
<b>Амалга ошириш босқичлари</b>	Суб-лойиҳани амалга ошириш босқичларини батафсил тавсифлаш, масъул шахсларни кўрсатиш

## 3. Умумий ҳудудий ривожланишга алоқадорлик

Давлат инвестициялари назарий стратегик ҳужжатларда амалга оширилмайди, улар реал ҳаётга мустақкам тарзда татбиқ этилган бўлади. Инвестиция имкониятининг маконга оид хусусиятларини аниқлаш ва уни маҳалла ҳудудига татбиқ қилиш.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Жойлашув</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суб-лойиҳа инвестицияларининг асосий жойлашувини аниқлаш;</li> <li>Суб-лойиҳа муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳудуднинг асосий элементларини тавсифлаш</li> </ul>
<b>Муқобил ҳудудлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Салбий таъсирларни камайтирувчи муқобил ҳудудларни аниқлаш;</li> <li>Зарурат туғилганда, суб-лойиҳага ўзгартиришлар киритиш</li> </ul>
<b>Қўшни ҳудудга таъсири</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суб-лойиҳа ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қўшни ҳудуднинг асосий элементларини тавсифлаш;</li> <li>Зарурат туғилганда, суб-лойиҳанинг таъсирни юмшатиш чораларини киритиш</li> </ul>

#### 4. Мақсадли гуруҳлар

Давлат инвестициялари аҳоли ҳаётини яхшилашга хизмат қилади. Кўпроқ такомиллаштириш самарасига эга бўлган суб-лойиҳаларга устуворлик берилиши зарур.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Асосий мақсадли гуруҳ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суб-лойиҳанинг асосий мақсадли гуруҳини аниқлаш (гуруҳни номлаш, ҳажмини баҳолаш);</li> <li>Суб-лойиҳанинг мақсадли гуруҳга таъсирини тавсифлаш</li> </ul>
<b>Иккиламчи мақсадли гуруҳ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суб-лойиҳанинг иккиламчи мақсадли гуруҳларини аниқлаш (гуруҳларни номлаш, ҳажмини баҳолаш);</li> <li>Суб-лойиҳанинг мақсадли гуруҳларга таъсирини тавсифлаш</li> </ul>
<b>Имкониятларни кенгайтириш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Суб-лойиҳадан манфат кўрувчи мақсадли гуруҳларни кенгайтириши мумкин бўлган муқобил ечимларни баҳолаш;</li> <li>Зарурат туғилганда, суб-лойиҳага ўзгартиришлар киритиш</li> </ul>

#### 5. Натижаларнинг барқарорлиги

Суб-лойиҳа натижаларининг барқарорлигини таъминлаш зарур. Бу барқарорликнинг турли жиҳатларига тааллуқлидир, хусусан – суб-лойиҳа натижаларининг инфратузилмага эгалик қилиш ва келажакдаги таъмирлаш харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ барқарорлиги, маҳаллий ҳаммаҳалла фаровонлиги ва МРР маҳалла аъзоларига таклиф қилиши мумкин бўлган имкониятлар, экологик барқарорлик

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Аҳоли учун афзалликлари</b>	Маҳалла аҳолиси учун уларнинг фаровонлигига ҳисса қўшувчи асосий фойдали жиҳатларни аниқлаш
<b>Экологик барқарорлик</b>	Суб-лойиҳа натижалари атроф-муҳитга қандай таъсир қилишини тасвирлаб бериш
<b>Инфратузилмага эгалик қилиш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Инфратузилма эгасини аниқлаш;</li> <li>Эслатма: агар инфратузилма реконструкция қилинса, унинг эгаси ўзгармаслиги ёки янги бўлиши мумкин</li> </ul>
<b>Йиллик эксплуатация харажатлари</b>	Олинган инфратузилманинг йиллик эксплуатация харажатларини ҳисобланг
<b>Натижаларнинг барқарорлиги учун жавобгар</b>	Натижаларнинг барқарорлигини назорат қилиш учун масъул томонларни аниқланг

#### 6. Инвестициялар таъсири

Инвестиция устуворликлари ва суб-лойиҳалар нафақат бевосита натижаларига (инфратузилма объектини қуриш ёки реконструкция қилиш) эриша олиши, балки улар қатор таъсирларни ҳам келтириб чиқариши зарур. Таъсирлар узоқ муддатли ёки иккиламчи натижалар сифатида юзага келади (масалан, йўлни реконструкция қилиш транспортлар сонини ошириши ва ҳаво ифлосланиши даражасини ошириши мумкин).

Таъсирлар одатда уч гуруҳга бўлинади: ижтимоий, иқтисодий ва экологик.

##### 6.1. Ижтимоий таъсир

Суб-лойиҳанинг маҳалла ва унинг фуқароларининг ижтимоий ривожланишига эҳтимолий таъсирини сармоя киритиши мумкин бўлган иккиламчи таъсирларни таҳлил қилиш орқали баҳолаш.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Таълим</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа маҳалладаги болалар ва ёшларнинг таълим сифатини оширишга ёрдам берадими?</li> <li>• Бу унга зарар етказадими?</li> </ul>
<b>Соғлиқни сақлаш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа аҳоли саломатлиги ва соғлигини яхшилашга ёрдам берадими?</li> <li>• Бу уларга зарар етказадими?</li> </ul>
<b>Бандлик</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа фуқароларнинг бандлиги ва даромад истиқболларини яхшилашга ёрдам берадими?</li> <li>• Бу уларга зарар етказадими?</li> </ul>
<b>Географик ҳаракатчанлик</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа маҳалла фуқароларининг юқори географик ҳаракатчанлигига (меҳнат ва таълим) ҳисса қўшадими?</li> <li>• Бу унга зарар етказадими?</li> </ul>

Унинг ижобий ва салбий таъсирини умумлаштириб, суб-лойиҳага умумий баҳо қўйинг. Эслатма: Ҳар бир ижобий таъсир +1 билан, салбий таъсир эса -1 билан баҳоланади.

## 6.2. Иқтисодий таъсир

Одатда инвестицияларнинг иқтисодий таъсирини баҳолаш жуда осон кечади, чунки кўп ҳолларда иқтисодий таъсирнинг кўп турлари учун рақамли қийматларни ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун иқтисодий таъсир таҳлилида иқтисодий фойда ва харажатларни шунчаки таққослаб қўйиш мумкин.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Фуқароларнинг даромадлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суб-лойиҳанинг маҳалла фуқаролари даромадларига эҳтимолий таъсирини баҳолаш;</li> <li>• Эслатма: Агар аниқ қийматларни баҳолаш жуда мураккаб бўлса, таъсир йўналишини (ижобий ёки салбий) кўрсатинг.</li> </ul>
<b>Фуқаролар жамғармалари / турмуш харажатлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла фуқаролари суб-лойиҳадан оладиган эҳтимолий жамғармаларини баҳолаш;</li> <li>• Маҳалла фуқароларининг турмуш харажатларига ҳар қандай таъсирни баҳолаш;</li> <li>• Эслатма: Агар аниқ қийматларни баҳолаш жуда мураккаб бўлса, таъсир йўналишини (ижобий ёки салбий) кўрсатинг.</li> </ul>
<b>Давлат харажатлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суб-лойиҳани амалга ошириш натижасида юзага келадиган давлат харажатларини ҳисоблаш;</li> <li>• Эслатма: Давлат харажатларининг одатий манбаи инвестицияларнинг йиллик эксплуатация харажатлари (яъни, жорий харажатлар) ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари (кўпинча ҳар 3 йилда бир марта юзага келади) ҳисобланади</li> </ul>
<b>Давлат даромадлари</b>	Суб-лойиҳани амалга оширишдан келиб чиқадиган давлат органларининг даромадларига ҳар қандай таъсирни ҳисоблаш
<b>Давлат харажатларини тежаш</b>	Суб-лойиҳани амалга ошириш натижасида давлат харажатларининг қанча тежалишини ҳисоблаш

Унинг ижобий ва салбий таъсирини умумлаштириб, суб-лойиҳага умумий баҳо қўйинг. Эслатма: Ҳар бир ижобий таъсир +1 билан, салбий таъсир эса -1 билан баҳоланади.

## 6.3. Экологик таъсир

Атроф-муҳитга таъсир – бу табиий ёки сунъя яратилган муҳитдаги ўзгаришлар бўлиб, улар ҳаво, қуруқлик, сув, ҳайвонот дунёси ёки экотизимда яшовчи тирик организмларга



салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қисқа муддатли ёки узоқ муддатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракат натижасида юзага келадиган ифлосланиш, контаминация ёки вайронагарчилик атроф-муҳитга таъсир қилади. Аксарият салбий экологик таъсирлар ҳам аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифати муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлади. Ифлосланиш даражасининг муваффақиятли камайиши бўйича бир неча ҳолатлар қатъий қоидалар, жумладан углерод оксиди даражаси ва майда заррачалар миқдорининг яқиндаги камайиши билан боғлиқ.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
<b>Иқлим ўзгариши</b>	Суб-лойиҳанинг иқлим ўзгаришига эҳтимолий таъсирини баҳолаш
<b>Ифлосланиш</b>	Суб-лойиҳанинг ифлосланишни ҳосил қилиш ёки унинг олдини олишга эҳтимолий таъсирини баҳолаш
<b>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш</b>	Суб-лойиҳанинг табиий ҳудудларга ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасига эҳтимолий таъсирини баҳолаш

Унинг ижобий ва салбий таъсирини умумлаштириб, суб-лойиҳага умумий баҳо қўйинг. Эслатма: Ҳар бир ижобий таъсир +1 билан, салбий таъсир эса -1 билан баҳоланади.

Ҳар уч турдаги таъсирлар бўйича таъсирни баҳолашни умумлаштириш ва ҳар бир суб-лойиҳа учун натижада таъсир баллини ишлаб чиқиш.

## 7. МРР бюджет тузилмаси

МРР бошқаруви мақсадларида барча суб-лойиҳаларнинг харажатлари, уларнинг йиллар бўйича бўлиниши, харажатлар тоифалари, таклиф этилаётган молиявий манбаларни ўз ичига олган ягона бюджет тизимини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бу харажатларни режалаштириш, харажатларни мониторинг қилиш, молиялаштиришни қайта тақсимлаш кабиларни ўз ичига олган молиявий бошқарув ва назоратни осонлаштиради.

№	Суб-лойиҳа номи	Умумий бюджети	n йил учун бюджет	n+1 йил учун бюджет	n+2 йил учун бюджет	Молиялаштириш манбаи
1	А суб-лойиҳа номи					
2	Б суб-лойиҳа номи					
	..					

## 9-БОСҚИЧ: МРРНИ МАҲАЛЛАГА ВА ТУМАН ИШЧИ ГУРУҲИГА ТАҚДИМОТИНИ ЎТКАЗИШ

<b>Мақсад</b>	Маҳалла ва туман ишчи гуруҳини МРР лойиҳаси билан таништириш ва фикр-мулоҳазаларни тўплаш
<b>Кўзланган муддат</b>	2 ҳафта
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	МРР лойиҳаси
<b>Услуглар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Офис ишлари</li> <li>Маҳалла билан муҳокамалар</li> </ul>
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Учрашувлар ўтказилди</li> <li>Фикр мулоҳазалар йиғилди</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Фасилитаторлар</li> <li>Маҳалла</li> <li>Туман ва вилоятдан мутахассислар</li> </ul>

## Мақсад ва принциплар

МРР лойиҳаси ишлаб чиқилгандан сўнг, у асосий иштирокчилар – ташаббус гуруҳи ва маҳаллий маҳалла аъзолари билан маслаҳатлашишни талаб қилади. Фикр-мулоҳазаларни сўрашдан мақсад ҳужжат ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва зарур ҳолларда, уни такомиллаштиришдир. Фикр-мулоҳазаларни сўраш жараёнга мақсадли гуруҳни жалб қилиб, уларнинг фикрлари ҳақиқатан ҳам ўринли эканлигини ҳис қилишларига имкон беради.

Маслаҳат қилиниши керак бўлган яна бир манфаатдор томонлар бу туман даражасидаги ишчи гуруҳдир. Маслаҳатлашув суб-лойиҳаларнинг умумий мақсадга мувофиқлиги, икки томонлама молиялаштиришга барҳам бериш ва суб-лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишни текширади.

Фойдали маслаҳатлашувларни таъминлашнинг умумий тамойиллари жараённинг очиқлиги, шаффофлиги ва ошкор этилиши, ҳужжатнинг адолатли талқини ва нашр этилиши билан боғлиқдир.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: УЧРАШУВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафтагача
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Учрашувлар вақтлари белгиланди</li> <li>Тайёргарлик ишлари олиб борилди, шу жумладан, хабардорлик ва учрашувнинг қандай бўлиши тушунтирилди, презентация ташкил қилинди.</li> </ul>

### 1. Учрашувларни режалаштириш ва ташкил этиш

МРР лойиҳаси бўйича маслаҳатлашувлар турли шаклларда (масофавий, ёзма равишда) ташкил этилиши ҳам мумкин, манфаатдор мақсадли гуруҳлар билан юзма-юз муҳокама ташкил этиш таклиф этилади.

Ташаббус гуруҳи билан учрашув жамоатчилик билан муҳокама қилиш учун тайёргарлик тадбири бўлиб хизмат қилади. Бу туман ишчи гуруҳи билан учрашувдан олдин ёки кейин ташкил этилиши мумкин.

Манфаатдор томонлар, яъни ташаббус гуруҳи раҳбарияти, маҳалла раҳбарияти ва ишчи гуруҳ аъзолари билан боғланиш орқали учрашувлар учун мос вақтни белгиланг.

Қуйидаги учрашувларни ташкил қилиш (бинолар, жиҳозлар, тарқатма материаллар, плакатлар, фотосуратчи, матбуот учун материаллар, кофе-брейк) ва ўтказиш:

- Туман вакиллари билан 1,5-2 соатлик учрашув,
- Жамоатчилик ташаббус гуруҳи билан 2 соатлик учрашув,
- Маҳалла вакиллари билан 2 соатлик учрашув.

### 2. МРР лойиҳаси ва маслаҳатлашувларнинг яққол бўлишини таъминланг

Илғор амалиётга кўра, муҳокамаларни эълон қилишдан олдин, МРР лойиҳасини кўриб чиқиш ва мулоҳаза қилиш учун етарли вақт қолдириб, уни аввалроқ (камида 1-2 ҳафта олдин) эълон қилиш таклиф этилади. Бу, айниқса, маҳалла иштирокчилари билан учрашувга тегишлидир.

МРР лойиҳаси ва ҳужжат бўйича маслаҳатлашувлар ҳақидаги маълумотларни маҳаллада кенг тарғиб қилиш тавсия этилади. Бунда плакатлардан фойдаланиш, ҳужжатга ҳаволани онлайн эълон қилиш, аҳолига саволларни олдиндан (шу жумладан аноним вариант) бериш имкониятини рағбатлантириш ва таъминлаш каби ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин.

### 3. Презентация тайёрлаш

Ҳар бир мақсадли аудиторияга мослаштириб, МРР лойиҳаси бўйича Power-Point дастурида презентация тайёрланг.

Йўриқнома сифатида қуйидаги контентдан фойдаланиш мумкин:

- МРРни ишлаб чиқишнинг мақсади ва тамойиллари,
- Ишлаб чиқиш жараёни: асосий босқичлар ва муддатлар,
- МРР мақсадлари, вазифалари, аралашув соҳалари,
- Асосий суб-лойиҳалар,
- МРРни амалга ошириш,
- МРРни амалга оширишда жамоатчилик ва ташаббус гуруҳининг иштироки.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШ

<b>Кўзланган муддат</b>	1 ҳафта
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Учрашувлар ўтказилди</li> <li>• Фикр мулоҳазалар йиғилди</li> </ul>

### 1. Учрашувларни ўтказиш

Презентацияни намойиш қилинг ва барча иштирокчилар кузатиб бориши ва тушуниши учун слайдларни секинроқ ўтказиб, тушунтиринг. Иштирокчиларнинг иқтисодий ва инфратузилмани ривожлантиришни режалаштиришда аввалги фаолиятлари ва тажрибалари турлича эканлигини ёдда тутинг.

Шунингдек, фасилитаторлар маҳалла ва туман вакилларининг турли эътибор марказларини ёдда тутишлари керак: маҳалла аҳолиси, асосан, ўз ҳаёт сифатини яхшилашдан манфаатдор бўлсалар, туман мутахассислари, асосан, суб-лойиҳаларнинг техник имкониятларига эътибор қаратишади. Буни олдиндан кўзда тутиш, презентация ва асосий хабарларга киритиш керак бўлади.

Иштирокчиларнинг энг кўп бериладиган саволларига жавоб беришга тайёр бўлинг. Тақдимот давомида мослашувчан бўлиш ва баъзи саволларга жавоб бериш тавсия этилади, шу билан бирга алоҳида савол-жавоб сессияси учун узоқроқ вақт ажратинг.

Учрашувларнинг бевосита мақсади МРРнинг исталган якуний матнига аниқлик киритишдир. Учрашувлар вақт чегаралари ва шерикларнинг ҳақиқий иштироки даражасига кўра лойиҳалаш сессиясига айлана олмайди, бироқ фасилитатор ташаббус гуруҳи ва ишчи гуруҳ билан учрашувларда берилган саволлар, шарҳлар ва фикрлардан келиб чиқадиган МРРга киритилган ҳар қандай ўзгаришлар ёки қўшимчалардан хабардор бўлиши зарур.

### 2. Учрашувдан кейинги ҳаракатлар

Йиғилган боғланиш маълумотларидан фойдаланган ҳолда учрашувлар давомида келишувлар асосида МРРнинг натижавий матнини иштирокчиларга улашинг. Агар боғланиш маълумотлари бўлмаса (баъзи маҳалла вакиллари таклифномасиз қатнашиши мумкин), 1-кичик босқичда МРР лойиҳасини эълон қилиш учун фойдаланилган нашр каналларидан фойдаланинг.

Учрашув иштирокчиларига ҳар қандай тушунтириш ёки маълумот учун сиз ва ҳамкасбларингиз билан боғланишлари мумкинлигини эслатиб туринг.

## 10-БОСҚИЧ: МРР ИЖРОСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

<b>Мақсад</b>	МРРни амалга ошириш жараёнини кузатиш, хавфларни бошқариш, амалга ошириш самарадорлиги ва жараёни тўғрисида маълумот олиш, шунингдек, маълумотларни кейинги МРР даврига ўтказиш учун МРР ва унинг суб-лойиҳалари ижросини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширинг.
<b>Кўзланган муддат</b>	МРРни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давомида: 4 йил
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бошқарув салоҳияти</li> <li>• Мониторингни ташкил этиш</li> <li>• Баҳолаш тартиби</li> <li>• Барча манфаатдор томонлар учун аниқ ҳуқуқий мажбуриятлар</li> </ul>
<b>Услублар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• СМАРТ мақсадлар қўйиш</li> <li>• Маълумотлар тўплаш</li> <li>• Доимий ҳисобот бериш</li> <li>• Маълумотларни таҳлил қилиш воситалари</li> <li>• Баҳолаш методологияси</li> </ul>
<b>Воситалар</b>	Ахборот технологиялари воситасини мониторинг қилиш
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мониторинг механизми</li> <li>• Маълумотлар ва ҳисоботларни мониторинг қилиш</li> <li>• Баҳолаш ҳисоботлари</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЛАГ</li> <li>• Лойиҳа жамоаси</li> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• Вилоят ва туман ҳокимияти органлари</li> <li>• Ташаббус гуруҳи</li> <li>• Маҳалла</li> <li>• Маҳалла раҳбарияти</li> </ul>

### Мониторинг

Миқдорий ва сифатли маълумотларни яратиш орқали мониторинг МРРни амалга ошириш жараёнини кузатади. Мониторинг дастлабки режалар ва мақсадлардан ҳар қандай четга чиқишларни аниқлаш ва миқдорини аниқлашга ёрдам бериши зарур.

МРР ижроси мониторинги 2 даражада – дастур даражасида ва суб-лойиҳалар даражасида амалга оширилиши керак. Дастур даражасидаги мониторинг МРР мақсадлари ва вазифаларига эришишни, суб-лойиҳалар мониторинги эса суб-лойиҳаларни молиявий ва жисмоний амалга ошириш жараёнини аниқлатади.

Кўрсаткичлар мониторингининг асосий воситасидир. Кўрсаткичлар молиявий маълумотлар, натижалар ва якуний натижани олади. Гарчи уларнинг чекловлари тан олинса-да, улар дастур ишлашини мониторинг қилишда муҳим элемент ҳисобланади. Кўрсаткичлар аниқ белгиланиши, фаолият билан чамбарчас боғлиқ бўлиши, танланган ўлчов бирлиги кўрсатилиши ва вақти-вақти билан маълумотлар тўпланиши керак бўлади.

## Баҳолаш

Баҳолаш – бу тўпланган мониторинг маълумотларини таҳлил қилиш ва МРР ёки унинг муайян чора-тадбирлар мажмуасини (масалан, суб-лойиҳалар) амалга ошириш натижасида эришилган самарадорлик, натижадорлик ва таъсир тўғрисида қарор қабул қилинадиган жараёндир. Бошқача қилиб айтганда, ўрта муддатли истиқболда МРРни баҳолаш МРРни амалга ошириш муваффақияти ва белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш ҳақида хулоса чиқариши мумкин.

Баҳолаш қуйидаги жиҳатларга қаратилиши мумкин:

- **Самарадорлик:** МРРнинг белгиланган мақсад ва вазифаларига қанчалик эришилганлиги – МРР эришмоқчи бўлган нарсага эришдимми ёки йўқми. Самарадорлик харажатларни ҳисобга олмасдан аниқланади ва “тўғри ишни қилиш” деган маънони англатади.
- **Натижадорлик:** ресурсларни (молия ва бошқаларни) оптимал тақсимлашга қаратилган харажатлар билан боғлиқ чора. Натижадорлик “ишни тўғри бажариш” жиҳатларига қаратилади.
- **Таъсир:** иқтисодий таъсир, фаровонликнинг ошиши, аҳолининг қаноатланиш даражаси ва шу каби МРРни амалга оширишнинг кенгроқ натижаларидир. Таъсир суб-лойиҳаларни дарҳол амалга оширишдан кейинги “навбатдаги қадам” – МРР ва унинг суб-лойиҳаларини амалга ошириш туфайли юзага келган қадамлардир.

Баҳолашнинг турли мақсадлари асосий маълумотларни қўлга киритиш учун мониторинг даврлари турлича бўлиши талаб қилиниши мумкин. Якуний кўрсаткичлар орқали шакллантирилган самарадорлик нисбатан қисқа вақт нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин, агар мавсумийликни ҳисобга олиш керак бўлмаса, баъзи хулосалар қисқа мониторинг даври сифатида 6 ойгача тузилиши мумкин. Натижадорлик, айниқса, бир қатор турли ечимлар синовдан ўтказилаётган бўлса, ечимларнинг янгилигини таъминлаш учун узоқроқ муддат талаб қилиниши мумкин – баҳолаш истиқболлари камдан-кам ҳолларда бир йилдан кам бўлади. Таъсирни баҳолаш анъанавий равишда иккинчи даражали таъсирларни мониторинг маълумотлари орқали олиш имконини бериш учун узоқроқ амал қилади.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: МРР ИЖРОСИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

<b>Кўзланган муддат</b>	МРРни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давомида
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мониторинг механизми ишлаб чиқилди</li> <li>• Йиғилган маълумотларни мониторинг қилиш ва мунтазам мониторинг ҳисоботларини тайёрлаш</li> </ul>

### 1. Мониторинг механизмини аниқлаш

МРР ва унинг суб-лойиҳаларини амалга оширишни бошқариш учун мониторинг механизмини яратиш керак бўлади. МРРни амалга ошириш учун мониторинг тизимини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- МРРни ишлаб чиқиш жараёнида кўрсаткичлар, уларнинг асосий ва керакли қийматлари бўйича аниқлик киритиш орқали МРР бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш имконини бериш учун SMART мақсадлар қўйилиши керак.
- МРР даражасидаги мақсадларнинг эришилган қийматларини ҳисоблаш ва қайд этиш бўйича услубий аниқлик эришилган қийматларнинг ишончилигига етаклайди.

- Суб-лойиҳани амалга оширишнинг молиявий ва жисмоний жараёнларини мониторинг қилиш ҳамда хатарларни ўз вақтида бартараф этиш имконини берувчи ижро механизмнинг мавжудлиги.
- АТ-тизимларидан МРР мақсадларига эришиш мониторинги, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш учун фойдаланиш, шу жумладан, мониторингдан сўнг барча манфаатдор томонлар учун маълумотлар ҳар ҳафта янгиланиб турадиган платформани ишлаб чиқиш.

Мониторинг механизми қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- Келишилган мунтазамлик ва маълумотлар манбалари асосида кўрсаткичларнинг мақсадли қийматларига эришишбосқичларини мониторинг қилиш;
- Ишнинг боришини баҳолаш – масалан, жорий, олдиндаги, кечиктирилган, шунингдек, режадан четга чиқиш ҳолатларида тавсия этилган ҳаракатлар.

Кўрсаткичлар паспортлари – МРР даражасидаги мақсадларга эришиш қийматларини ҳисоблаш учун аниқ услубий ёндашувни таъминлаш учун кенг тарқалган воситадир. Бу ёндашув эришилган қийматларни ҳисоблашнинг аниқ қоидаларини белгилашга имкон берибгина қолмай, эришилган мақсадлар учун жавобгарликни кучайтиради ва эришилган қийматларни асослайди.

Ҳар бир мақсад учун қуйидаги элементларни аниқлаш тавсия этилиши мумкин:

<b>Мақсад / кўрсаткич номи</b>	МРРда белгиланганидек, МРР даражасидаги мақсад номини акс эттиради
<b>Мантиқий асос</b>	Мақсадлар тўпламининг мантиқий асосини тавсифлайди
<b>Мақсад қилинган қийматга эришилади</b>	МРРда белгиланган мақсадли қийматни акс эттиради
<b>Мақсадли қийматни ўлчаш даври</b>	Ишнинг бориш жараёни мониторингини ўтказиш керак бўлган мунтазамликни белгилайди
<b>Белгиланган мақсадли қийматга эришиш муддати</b>	МРР бўйича мақсадли қийматга эришиш керак бўлган якуний даврни акс эттиради
<b>Базавий қиймат</b>	МРРда белгиланган мақсаднинг базавий қийматини акс эттиради
<b>Сана / даврни ўлчашнинг базавий қиймати</b>	МРРда белгиланган мақсаднинг базавий қийматини ўлчаш санасини акс эттиради
<b>Мақсадли қийматни ҳисоблаш методологияси</b>	Мақсадли қийматни ҳисоблаш методологиясини тавсифлайди, шу жумладан, киритиладиган маълумотлар, маълумотлар манбалари, ҳисоблаш формуласи
<b>Мақсад / кўрсаткич тури</b>	Мақсад турини аниқлайди, яъни лойиҳа яратилганми ёки йўқлиги, статистик маълумотлар ва шу кабилар.
<b>Маълумотларни киритиш учун масъул орган/ шахс</b>	Маълумотларнинг киритилишини мониторинг қилиш учун масъул бўлган орган ва ходимларни аниқлайди

Суб-лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш ва ҳар қандай четга чиқишларни ўз вақтида аниқлаш муҳимлигини кўрсатиш учун, айниқса, йирик қурилиш лойиҳалари учун, иш бориши тўғрисида асосий физик ва молиявий маълумотларни ўз ичига олган мунтазам тарзда лойиҳанинг бажарилиш маълумотларини йиғиш учун стандарт намунани ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

Бутун суб-лойиҳани амалга ошириш жараёни учун ишнинг бориши бўйича молиявий ҳолат мониторингининг мақсадларини белгилаш ва бу жараёни тавсифловчи асосий элементлар бўйича мунтазам равишда (масалан, ойлик, ҳар чорақда) ишнинг боришини мониторинг қилиш тавсия этилади:

<b>Етказиб берувчилар/пудратчилар билан тузилган шартномаларни молиялаштириш суммаси</b>	Шартнома тузиладиган суб-лойиҳалар даражасидаги молиявий суммани акс эттиради
<b>Етказиб берувчилар / пудратчиларга тўланадиган молиялаштириш суммаси</b>	Пудратчиларга тўланадиган суб-лойиҳалар даражасидаги молиявий суммани акс эттиради ва вақтинчалик молиявий ижро жараёнининг умумий ривожланиш кўрсаткичи сифатида талқин қилиниши мумкин.

Худди шундай, қурилишнинг боришини мунтазам назорат қилиб, режалаштирилган иш жадвали билан таққослаб, мураккаброқ қурилиш лойиҳаларини мониторинг қилиш учун ишнинг амалдаги боришини мониторинг қилиш учун ягона намунани ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Мониторинг механизмининг ҳал қилувчи элементи МРР назорати учун масъул бўлган асосий мониторинг органини тайинлашдир. ЛАГ ўзининг ҳудудий бўлимлари билан МРР амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва уни мунтазам равишда таҳлил қилиш ҳамда баҳолашни амалга ошириш учун турли манбалардан олинган маълумотларни умумлаштириш бўйича энг салоҳиятли ва мақбул ваколатли орган сифатида эътироф этилади. Жараёнга бошқа манфаатдор томонлар ҳам жалб қилиниши зарур, хусусан

- Лойиҳа жамоаси ва унинг фасилитаторлари,
- Вилоят ва туман ҳокимликлари,
- Маҳалла, жумладан, маҳалла раҳбарияти ва ташаббус гуруҳи.

## 2. Маълумотларни йиғиш ва ҳисобот бериш

МРР даражасидаги мақсадлар ва суб-лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг маълумотларини тўплаш ишлаб чиқилган мониторинг механизмига мос келиши керак – яъни маълумотлар қаторлари ва намуналари, тўплаш мунтазамлиги, фойдаланилган манбалар, иштирокчилар мониторинг тизимида белгиланган қоидалардан келиб чиқади.

Мониторинг маълумотлари жалб қилинган органларга мониторинг ва баҳолаш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга имкон берадиган тарзда қайд қилиниши ва сақланиши керак. Одатда ахборот технологияларига асосланган воситалар энг яхши вариант сифатида тавсия этилади. Маълумотларни автоматик тарзда йиғиш ва таҳлил қилишнинг ишончли воситаси нафақат бевосита иштирок этувчи органларнинг иш самарадорлигини оширади, балки соҳа вазирликлари, минтақавий даражадаги муассасалар, уларнинг сиёсатини таҳлил қилиш жараёнида ўша органлар учун жуда фойдали маълумот манбаи бўлиши мумкин. Бу қуйидагиларни таъминлайди:

- МРР даражасида ва суб-лойиҳа даражасида МРРни амалга ошириш бўйича долзарб маълумотлардан фойдаланиш ишнинг бориш жараёнини баҳолаш ва хавфларни бошқариш имконини беради;
- Барча манфаатдор томонлар онлайн маълумотлар базасидан барча мониторинг ва ҳисобот маълумотларидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу қоғоз архивдан фойдаланишдек секин ва моддий ресурсларни талаб қилувчи ишларга зарурат қолдирмайди.

МРР ва суб-лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳисобот ҳар бир МРРда белгиланган мақсадларга эришишга, шунингдек, миллий ва минтақавий режалаштириш ҳужжатларида

кўзда тутилган мақсадларга эришишга йўналтирилиши зарур. Ушбу мақсадлар МРРларни ишлаб чиқиш жараёнида аниқланиши ва мониторинг тизимига киритилиши керак бўлади.

### 3. Маълумотларни таҳлил қилиш мониторинги

Мониторинг маълумотларини таҳлил қилишдан мақсад, бир томондан, ишнинг ижро этилиш жараёнини баҳолаш бўлса, иккинчи томондан, у МРР ва суб-лойиҳаларни амалга оширишда рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, у дастур ва суб-лойиҳаларни амалга ошириш ва белгиланган мақсадларга эришишда тегишли босқичларни ўз вақтида тузатиш чораларини кўришга имкон беради.

МРР ижросининг боришини баҳолаш учун энг оддий таҳлил ўлчовлари бу жорий, олдиндаги ва кечиктирилган хулосалар бўлиб, улар МРР ва суб-лойиҳа даражасидаги мониторинг учун универсал тарзда қўлланилиши мумкин. Агар ижро жараёнида режадан четга чиқишлар бўлса, тавсия этилган тузатиш чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Мониторингнинг бир қисми ҳам мониторинг маълумотлари асосида курс контентига тузатиш киритишдир. ЛАГ келаётган мониторинг маълумотлари асосида тузатиш чораларини кўришга тайёр бўлиши керак, масалан:

- агар пудратчи режага ёки сифатга риоя қилмаса, қурилиш шартномаларини бекор қилиш мумкин;
- Маблағлар тежаб қолиниши / харажат ортиб кетган ҳолларда суб-лойиҳалар ўртасида молиялаштиришни қайта тақсимлаш,
- Агар улардан баъзилари географик, стратегик, техник ёки молиявий сабабларга кўра амалга оширилмаса, суб-лойиҳаларга устуворлик беришни маҳалланинг ўзига таклиф қилиш.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: МРР ИЖРОСИНИ БАҲОЛАШ

Кўзланган муддат	1-3 ой (баҳолаш мавзуси ва ҳажмининг мураккаблигига қараб)
Яқуний натижалар	Баҳолаш ҳисоботлари

### 1. Баҳолаш мақсади ва ҳажмини шакллантириш

Баҳолаш турини танлаш: самарадорлик, натижадорлик ёки таъсир. Битта уринишда барча жиҳатларни таҳлил қилишга уриниш ишни қийинлаштириши, эътиборнинг етишмаслиги ва маълумотлар чекловлари туфайли, ҳатто, унга эришиб бўлмаслик мумкин.

Баҳолаш ишининг муддати муҳим: самарадорлик инвестициялар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг кейинги чорақда кузатилиши мумкин; инвестициялар турига қараб, натижадорлик, эҳтимол, кўпроқ вақт талаб қилади; таъсир омилини кузатиш учун, албатта, инвестициялар ишга туширилгандан сўнг, камида бир йил ўтиши керак бўлади.

Суб-лойиҳанинг мақсади қанчалик аниқ бўлса, баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини шакллантириш шунча осон бўлади. Баҳолаш саволларига оқилона аниқлик билан жавоб берилиши учун баҳолаш мақсадли бўлиши зарур.

### 2. Маълумотларни йиғиш

Маълумотлар баҳолашнинг қон томиридир, шунинг учун МРРни амалга оширишдан олдин ва кейинги мониторинг сифати баҳолашнинг ишончли хулосалар чиқариш салоҳиятини белгилайди.

Инвестицион эҳтиёжлар ёки хизматлар кўрсатишнинг барча асосий жиҳатлари бўйича маълумотлар мавжуд бўлиши зарур. Аслини олганда, вазиятни таҳлил қилишнинг янгича



такрорланишини бажариш керак. Баъзи махсус маълумотлар интервьюлар ва сўровлар орқали шакллантирилиши мумкин.

### 3. Хулосалар ишлаб чиқиш

Баҳолаш мақсадлари, аксарият ҳолларда, қўлланилиши керак бўлган методологияни белгилайди. Маълумотларнинг мавжудлиги ёки улар билан боғлиқ муаммолар жиддий тузатишларни талаб қилиши мумкин.

Қандай бўлмасин, баҳолаш хулосалари тўпланган маълумотлар билан бевосита таъминланиши ва текшириш учун ишончли бўлиши зарур. Хулоса устида ишлашда баҳоловчи баҳолаш саволларига иложи борича бевосита жавоб беришга ва хулоса чиқаришда ўз фикр-мулоҳазаларини четга суриб ҳаракат қилиши керак.

Баҳолаш бўйича хулосалар ва тавсиялар иложи борича амалий, яъни реал ҳаётдаги ечимларга ва МРР жараёнини такомиллаштиришга, ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Табиики, агар тегишли органлар баҳолаш хулосаларидан сабоқ олишга ва дастурларни амалга оширишда тегишли қайта кўриб чиқишга тайёр бўлса, баҳолаш ҳамма томонга фойдали бўлади. Бундай ҳолда, бу жорий МРРларни йўналишни тўғрилаш ёки янги МРРларни ишлаб чиқишда услубий ёндашувга ўзгартиришлар киритиш ва уни тақдим этишни англатади.

## 11-БОСҚИЧ: МРРНИ МУНТАЗАМ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЯНГИЛАШ

<b>Мақсад</b>	МРРнинг мақсадга мувофиқлигини ва бошқа барча контентнинг тўғри эканлигини аниқлаш учун, уни кўриб чиқиш
<b>Кўзланган муддат</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Белгиланган тарзда мунтазам равишда</li> <li>• Таклиф: 1 йилда бир марта</li> </ul>
<b>Қилиниши керак бўлган ишлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестицияларнинг янги устувор жиҳат</li> <li>• Янги статистик маълумотлар</li> <li>• Суб-лойиҳалар ижроси бўйича маълумотлар</li> </ul>
<b>Услублар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳужжатларни текшириб чиқиш</li> <li>• Семинар</li> <li>• Учрашувлар</li> </ul>
<b>Якуний натижалар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Янгиланган МРР ҳужжати</li> <li>• Энг устувор ҳисобланган суб-лойиҳаларнинг янгиланган рўйхати</li> </ul>
<b>Манфаатдор томонлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маҳалла аҳолиси</li> <li>• Ташаббус гуруҳи</li> <li>• Фасилитаторлар</li> <li>• ЛАГ</li> </ul>

### МРР кўриб чиқиш тушунчаси

Ўз мазмуни бўйича кўриб чиқиш ҳужжатнинг ҳолатини тасдиқлаш учун турли хил элементларни баҳолаш ва ҳужжат мазмунининг ҳақиқий ҳолатини сақлаб қолиш учун зарур бўлган ҳаракатдир. МРР кўриб чиқиш жараёни ҳужжатнинг мақсадга мувофиқлигини ва унинг барча мазмуни ҳамон долзарб ва амалга оширилиши мумкинлигини аниқлаш учун уни мунтазам равишда режалаштирилган асосда текшириш имкониятини беради.

Кўриб чиқиш жараёни фасилитаторлар ва маҳаллий аҳоли ҳамда маҳалла вакиллари ҳисобланувчи ташаббус гуруҳи ўртасидаги яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

Кўриб чиқиш жараёнининг частотаси мунтазам бўлиши зарур ва унинг даври маҳалладаги ўзгаришлар динамикаси, ижтимоий-иқтисодий вазият, молиявий барқарорлик ва шу каби омилларга мувофиқ бўлиши лозим. Кўриб чиқиш икки йилда бир марта ўтказилиши таклиф этилади: ҳар икки йилда фасилитатор ва ташаббус гуруҳи таҳлилнинг барча элементлари, эҳтиёжлар ва устувор жиҳатларни қайта баҳолайди.

МРР қисмларининг иерархияси ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқиш жараёни МРРнинг стратегик қисми, мақсадлар, устувор жиҳатлар, ҳудуд таҳлилини ўрганишдан бошланиши лозим. Кейин эса, МРРнинг амалий қисми ва асосан суб-лойиҳалар кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. МРРнинг стратегик қисмининг янгиланиши кўпинча амалий қисмда ҳам ўзгаришларга сабаб бўлади. Масалан, янги эҳтиёжларни аниқлаш ва янги устувор жиҳатларни жорий этиш янги суб-лойиҳаларнинг ташкил қилинишига сабаб бўлади; аммо, МРРнинг Стратегик қисмига аралашмасдан, суб-лойиҳага тегишли баъзи янгиланишларга эга бўлиш ҳам мумкин, масалан. суб-лойиҳалар харажатлари, амалга ошириш жадвалини тузатиш зарур.

## 1-СУБ-БОСҚИЧ: МРРНИНГ СТРАТЕГИК ҚИСМИНИ КўРИБ ЧИҚИШ

Кўзланган муддат	2 ҳафта
Яқуний натижалар	МРРнинг янгиланган стратегик қисми

### 1. Мақсад вазифаларни кўриб чиқиш

Умумий мақсад ва аниқ мақсадларнинг умумий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўрта муддатли таҳлил давомида МРР мақсадларини ўзгартириш одатий ҳол эмас. Уларни фақат белгиланган ривожланиш стратегиясини тубдан ўзгартириш таклиф қилинган тақдирдагина ўзгартириш мумкин.

Масалан, янги устувор жиҳатлар қўшилганда аралашувлар мазмунини яхшироқ тавсифлаш учун, кўп ҳолларда мақсадларга ўзгартириш киритилади. Шу билан бирга, тан олиш керакки, мақсадли қийматларни қайта-қайта тузатиш ҳудудни ривожлантириш ҳужжатларини бошқаришда энг яхши амалиёт деб ҳисобланмайди. Одатда, реал ҳаётий вазият ва ишнинг боришига қараб ўзгартириш ўрнига, мақсадли кўрсаткичлар бир марта белгиланади, уларга эришиш назорат қилинади ва зарурат туғилганда, хавфларни бошқариш чоралари кўрилади.

### 2. Устувор жиҳатларни кўриб чиқиш

Устувор жиҳатларни кўриб чиқиш МРРнинг стратегик қисмини янгилаш учун асос сифатида кўриб чиқилиши мумкин. У белгиланган устувор жиҳатларнинг асослилигини текширишни кўзда тутати. Ташаббус гуруҳига ушбу машқни бажаришнинг долзарблиги ҳақида саволлар бериш зарур. Ташаббус гуруҳи устувор жиҳатларни кўриб чиқишга қарор қилган тақдирда, жараён МРРнинг дастлабки устувор жиҳатлари – қўлланиладиган усуллар, вакиллик қилиш қоидалари ва бошқа омилларни аниқлашни акс эттириши лозим.

Қайта кўриб чиқишнинг амалий натижаси одатда МРРнинг янги версияси бўлиб, у турли хил асосий эҳтиёжлар, устуворликларга эга бўлиши мумкин ва шунинг учун амалга оширилиши керак бўлган энг яхши инвестициялар сифатида аниқланган ҳамда устувор бўлган янги суб-лойиҳа ёки молиялаштирилиши рағбатлантирилган айрим мавжуд суб-лойиҳалар сифатида ташкил қилиниши мумкин.

Устувор жиҳатларнинг ўзгариши амалга оширилиши аллақачон бошланган тегишли суб-лойиҳаларга қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушунтириш зарур: янги устувор

жиҳатлар ва уларга ҳамроҳ бўлган суб-лойиҳалар учун молиявий имконият яратиш учун бошланган суб-лойиҳалар қисқартирилиши, ҳали бошланмаган суб-лойиҳалар бекор қилиниши ёки кечиктирилиши мумкин.

### 3. Янги устувор жиҳатларни аниқлаш

МРРни кўриб чиқиш доирасида ривожланишнинг янги устувор йўналишлари маҳалла аҳолиси томонидан таклиф қилиниши мумкин. Жараён МРРнинг дастлабки устуворликларини қўлланилган усуллар, вакиллик қилиш тартиб-қоидалари ва шу каби омиллар нуқтаи назаридан аниқлашни ифодалаши зарур. У мавжуд устувор жиҳатларни кўриб чиқиш билан биргаликда ёки агар устувор жиҳатлар кўриб чиқилмаган тақдирда, ягона жараён сифатида амалга оширилиши мумкин бўлади.

Ушбу жараён натижасида МРРнинг стратегик қисми учун янги ривожланишнинг устувор жиҳатлари аниқланиши мумкин, улар тегишли равишда МРРнинг амалий қисмидаги суб-лойиҳаларга ўтказилиши керак.

## 2-СУБ-БОСҚИЧ: МРРНИНГ АМАЛИЙ ҚИСМИНИ Кўриб чиқиш

<b>Кўзланган муддат</b>	2 ҳафта
<b>Якуний натижалар</b>	МРР нинг янгиланган амалий қисми, шу жумладан, устувор қўшимча лойиҳалар рўйхати

### 1. Суб-лойиҳаларни кўриб чиқиш

Суб-лойиҳаларни кўриб чиқиш МРР амалий қисмини янгилаш учун асосий мавзудир. Бу амалга ошириладиган суб-лойиҳаларга ҳам, амалга ошириш ҳали бошланмаган инвестицияларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Бироқ иккала тоифа учун ҳам кўриб чиқиш доираси ва айниқса, амалга оширилган ҳаракатлар уларнинг ижро ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Агар МРРнинг стратегик қисми тузатилган бўлса, амалий қисмини кўриб чиқиш стратегия ва суб-лойиҳалар ўртасидаги мувофиқликни кўриб чиқувчи саволларни ўз ичига олиши керак.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
Суб-лойиҳа МРР мақсад ва вазифаларига кўмаклашадими?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавжуд суб-лойиҳа паспортида тўлдирилган мақсадларга боғлиқликни кўриб чиқиш ва мантиқий алоқалар ҳамон долзарб эканлигини текшириш.</li> <li>• Агар долзарб бўлмаса, суб-лойиҳани баҳолаш учун янги мантиқий боғлиқликларни аниқлаш.</li> <li>• Агар балл сезиларли даражада паст бўлса, суб-лойиҳани бекор қилишни ўйлаб кўриш.</li> </ul>
Суб-лойиҳа ҳамон ҳаммаҳалланинг устувор йўналиши сифатида кўриладими?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Юқорида қайд этилган таҳлил натижаларини молиялаштирилиши керак бўлган устувор йўналишлар ва суб-лойиҳаларни қайта баҳолашни бошлаш учун ташаббус гуруҳига (зарурат бўлса, жамоатчилик йиғилишига) етказиш.</li> <li>• Суб-лойиҳаларга қайтадан устуворлик беришга тайёр бўлиш ва қайта устуворликни оптимал тарзда таъминлаш учун МРРни амалга оширишнинг амалий қадамларини олдиндан режалаштириш.</li> </ul>

Агар янгиликлар доираси суб-лойиҳалар билан чекланган бўлса, кўриб чиқилиши керак бўлган энг муҳим масалалар амалга оширишнинг техник жиҳатлари билан боғлиқ бўлади.

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
Суб-лойиҳанинг мақсади ҳалиям долзарбми?	Суб-лойиҳанинг мақсади ҳали ҳам МРР мақсадлари билан боғлиқми?
Суб-лойиҳа натижалари ҳамон долзарбми?	Суб-лойиҳа ҳалиям кутилган натижаларга эриша оладими? Натижалар МРР мақсадларига ҳисса қўшишда ҳалиям долзарбми?
Мулкчилик шаклини тартибга солишга эҳтиёж борми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Унинг кўзда тутилган эгаси борми?</li> <li>• Эгаси ўз ваколатларида ёки молиявий ҳолати бўйича сезиларли ўзгаришларга дуч келдими?</li> <li>• У шу пайтгача суб-лойиҳани амалга оширишга қизиқиш ва иштирокни кўрсатдими?</li> </ul>
Амалга ошириш босқичларини ўзгартиришга эҳтиёж борми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Режалаштирилган амалга ошириш босқичлари мантиқий ва ҳозирги вазиятга мос келадими?</li> <li>• Ушбу қадамлар бошқа суб-лойиҳаларда амалий ва фойдали эканлиги исботланганми?</li> </ul>
Амалга ошириш муддатларини ўзгартиришга эҳтиёж борми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суб-лойиҳа кўзда тутилган жадвалга мувофиқ амалга оширилмоқдами?</li> <li>• Ҳозирги кечикишларни бартараф қилиш мумкинми ёки улар доимий характерга эгами?</li> <li>• Кечикишлар кейинги бюджет йилига/ўқув йилига ўтиши кутилмоқдами?</li> </ul>
Суб-лойиҳалар бюджетига тузатишлар киритиш зарурати борми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суб-лойиҳани дастлабки бюджет доирасида амалга ошириш мумкинми? Маблағларнинг тежалиши ёки режадагидан ортиқча сарфланганлик ҳолатлари борми?</li> <li>• Агар тежалган бўлса, худди шу маҳалладаги бошқа суб-лойиҳаларни молиялаштириш учун улардан фойдаланишни ўйлаб кўриш.</li> <li>• Харажатлар ошиб кетган тақдирда, қўшимча молиялаштиришнинг потенциал манбаларини аниқлаш. Суб-лойиҳа эгаси одатда бундай вазиятларда ташаббусни қўлга олувчи ҳисобланади.</li> </ul>
Суб-лойиҳаларнинг йиллик жорий (эксплуатация) харажатларини тузатишга эҳтиёж борми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тахминий жорий харажатлар ҳали ҳам амал қиладими?</li> <li>• Сўнгги икки йил ичида тегишли секторда харажатлар инфляцияси қандай?</li> <li>• Нархлар ошган тақдирда:</li> <li>• Суб-лойиҳанинг янги шартларда молиялаштириш учун амал қилишини баҳолаш;</li> <li>• Қўшимча молиялаштириш манбаларини аниқлаш.</li> </ul>
Худуднинг умумий ривожланиши билан боғлиқликни ўзгартириш керакми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суб-лойиҳа белгиланган жойда амалга оширилиши мумкинми?</li> <li>• Жойлашув исталмаган ташқи таъсирларни келтириб чиқарадими?</li> <li>• Худуддаги бошқа ўзгаришлар суб-лойиҳа ва унинг натижаларига салбий таъсир қиладими?</li> </ul>
Мақсадли гуруҳлар таркибига ўзгартириш киритишга эҳтиёж борми?	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Режалаштирилган мақсадли гуруҳлар мақсадга мувофиқми?</li> <li>• Мақсадли гуруҳлар суб-лойиҳани амалга оширишни кутиш вақтида ўз эҳтиёжларини қаноатлантиришнинг бошқа усулларини топдиларми?</li> <li>• Янги мақсадли гуруҳларни аниқлаш мумкинми?</li> </ul>

Мулоҳаза учун саволлар	Таҳлилнинг алоҳида жиҳатлари
Инвестициялар таъсирини тузатишга эҳтиёж борми?	Таъсир таҳлили элементлари ҳали ҳам амал қиладими: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқтисодий таъсир,</li> <li>• Ижтимоий таъсир,</li> <li>• Экологик таъсир,</li> </ul>

## 2. Янги суб-лойиҳаларни аниқлаш

Агар МРРнинг стратегик қисмини кўриб чиқиш натижасида янги эҳтиёжлар ва устувор жиҳатлар пайдо бўлса, янги суб-лойиҳаларни аниқлаш ва уларнинг тавсифини тақдим этиш зарур бўлади. Жараён МРР бўйича дастлабки суб-лойиҳаларнинг тавсифи, хусусан, қўлланилган усуллар, таҳлиллар ва амалга оширилган ҳисоблар ва шу каби омилларини акс эттириши зарур. Ҳар бир янги суб-лойиҳа учун жараён барча зарур маълумотларни тўлдириши ва таъсир таҳлилининг барча босқичларини бажариш орқали суб-лойиҳа паспортини ишлаб чиқиши лозим.

Янги суб-лойиҳани баҳолаш натижасида олинган баллар мавжуд суб-лойиҳаларнинг янгиланган баҳоси билан таққосланиши керак. Агар янги суб-лойиҳа молиялаштириш учун маъқулланган айрим мавжуд лойиҳалардан юқори балл олган бўлса, муҳокама қилиниб (бир хил устувор жиҳатларни аниқлаш жараёнида, фасилитаторлар бошчилигида ҳамда маҳалла, маҳалла, туман, вилоят ва тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватланади), қуйи баллга эга бўлган суб-лойиҳаларни юқори баллга эга бўлганлар билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниши зарур.

# ИЛОВАЛАР

## 1-ИЛОВА: МРРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҲАРАКАТЛАР РЎЙХАТИ

№	Асосий қадамлар ва суб-босқичлар	Яқунланди
0-босқич	Тайёргарлик	
0.1-суб-босқич	Фасилитация ва қўллаб-қувватлаш гуруҳини сафарбар қилиш	
0.2-суб-босқич	Мавжуд ресурслар кўламини аниқлаш	
0.3-суб-босқич	Иш жадвали ва ишни қандай ташкил қилишни аниқлаш	
1-босқич	Вилоят ва туманга яқиндан таништириш	
1.1-суб-босқич	Учрашувга тайёргарлик	
1.2-суб-босқич	Йиғилишлар ўтказиш	
2-босқич	Туман ишчи гуруҳини тузиш	
2.1-суб-босқич	Ишчи гуруҳини шакллантириш	
3-босқич	Маҳалла тўғрисида маълумотлар тўплаш	
3.1-суб-босқич:	Статистик ва жойга оид маълумотларни тўплаш	
3.2-суб-босқич:	Тартиб-қоидаларга оид маълумотларни йиғиш	
4-босқич	Жамоатчиликни сафарбар қилиш бўйича семинар	
4.1-суб-босқич	Мунозарага таклиф	
4.2-суб-босқич:	Ривожланиш муаммоларини аниқлаш	
4.3-суб-босқич:	Устувор жиҳатларни овога қўйиш	
4.4-суб-босқич:	Ташаббус гуруҳини шакллантириш	
5-босқич	Ташаббус гуруҳи билан ечимлар топиш	
5.1-суб-босқич	Учрашувга тайёргарлик	
5.2-суб-босқич	Учрашувлар ўтказиш	
6-босқич	Визуал ва техник текширув	
6.1-суб-босқич	Ривожланишнинг устувор йўналишлари сифатида таклиф қилинган объектларни текшириш	
6.2-суб-босқич	Муқобил ечимларни аниқлаш	
6.3-суб-босқич	Муқобил ечимлар учун харажатлар ва уларнинг таъсирни баҳолаш	
7-босқич	Туман ишчи гуруҳи билан техник мувофиқлаштириш	
7.1-суб-босқич	Учрашувларга тайёргарлик	
7.2-суб-босқич	Учрашувлар ўтказиш	
8-босқич	МРРни ишлаб чиқиш	
8.1-суб-босқич	МРРнинг стратегик қисмини ишлаб чиқиш	
8.2-суб-босқич	МРРнинг амалий қисмини ишлаб чиқиш	
9-босқич	МРРни маҳаллага ва туманга таништириш	
9.1-суб-босқич	Учрашувларга тайёргарлик	
9.2-суб-босқич	Учрашувлар ўтказиш	
10-босқич	МРР ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш	
10.1-суб-босқич	МРР ижросини мониторинг қилиш	
10.2-суб-босқич	МРР ижросини баҳолаш	
11-босқич	МРРни мунтазам кўриб чиқиш ва янгилаш	
11.1-суб-босқич	МРРнинг стратегик қисмини кўриб чиқиш	
11.2-суб-босқич	МРРнинг амалий қисмини кўриб чиқиш	

## 2-ИЛОВА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР

№	Маълумотлар қатори	Статик маълумотлар	Ўсиш/пасайш маълумотлари
1	Худуд ўлчами	x	
2	Аҳолиси		
	- Ёши бўйича ажратиш		x
	- Жинси бўйича ажратиш	x	
	Бандлик ҳолати бўйича ажратиш	x	
	Маълумоти бўйича ажратиш	x	
	Яшайдиган кўчаси бўйича ажратиш	x	
3	Рўйхатга олинган бизнес корхоналари		x
4	Иқтисодиётнинг энг муҳим соҳалари иштирок этган		
	- Бизнес корхоналари сони		x
	- Ходимлар сони		x
	- Товар айланмаси ҳажми, млн. сўм		x
5	Маҳалладаги иш ўринлари сони		x
6	Маҳалладаги бўш иш ўринлари сони		x
7	Бандлик даражаси		x
8	Ишсизлик даражаси		x
9	Аҳоли даромадлари (йилига), млн. сўм		
	- Даромад даражаси бўйича ажратиш		x
	- Тақсимот		x



## 3-ИЛОВА: МРР НАМУНАСИ (МУНДАРИЖАСИ)

### Кириш

#### МРР ҳақида қисқача маълумот

*МРРни ишлаб чиқиш мақсадлари ҳақида 2-3 хатбошидан иборат қисқача кириш маълумоти бериш*

#### Лойиҳа ҳақида маълумот

*Лойиҳаси мақсадлари ҳақида ва МРРни ишлаб чиқиш борасида 2-3 хатбошидан иборат маълумот бериш*

#### Методология

*МРРни ишлаб чиқишда қўлланиладиган ёндашув, усуллар ва воситалар ҳақида 1 хатбошили маълумот бериш*

#### МРР ишлаб чиқиш босқичлари

*МРРни ишлаб чиқишда амалга оширилган босқичлар рўйхатини келтириш*

## 1. СТРАТЕГИК ҚИСМ

### 1.1. Мақсад вазифалар

#### Умумий мақсад

*Мақсадни аниқлаш*

#### Аниқ мақсадлар ва вазифалар

1	Мақсадни аниқлаш	Вазифани аниқлаш
2	Мақсадни аниқлаш	Вазифани аниқлаш
3	Мақсадни аниқлаш	Вазифани аниқлаш
4	Мақсадни аниқлаш	Вазифани аниқлаш
5	Мақсадни аниқлаш	Вазифани аниқлаш

### 1.2. Туман тўғрисида қисқача маълумот

#### 1.2.1. Туман харитаси

#### 1.2.2. Туман тўғрисида умумий маълумотлар

#### 1.2.3. Инфратузилма ҳақида маълумот

#### 1.2.4. Саломатлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

--

#### 1.2.5. Мақсадли жамоалар ҳақида маълумот

--

### 1.3. Лойиҳага киритилган маҳалла

#### 1.3.1. Маҳалла ҳақида қисқача маълумот

Маъмурий бўлиниш ва бўйсунуш	Тавсифини беринг
Жойлашув	Тавсифини беринг
Аҳолиси	Тавсиф беринг, таҳлилини келтиринг
Табиий ресурслар	Тавсифини беринг
Ҳудуд тури	Тавсифини беринг

#### 1.3.2. Маҳалла ҳудуди харитаси

*Харитани илова қилинг*

#### 1.3.3. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил

Бизнес корхоналари	
<b>Тадбиркорлик фаолияти</b> <i>Рақамлар, тегишли йилларни кўрсатиш</i>	Хулосалар ишлаб чиқиш, тенденцияларни кўрсатиш
<b>Иқтисодиётнинг асосий соҳалари</b> <i>Рақамлар, тегишли йилларни кўрсатиш</i>	Хулосалар ишлаб чиқиш, тенденцияларни кўрсатиш
<b>Қиёсий афзалликлар</b> <i>Рақамлар, фактлар келтириш</i>	Хулосалар ишлаб чиқиш, тенденцияларни кўрсатиш
Бандлик	
<b>Иш ўринлари</b> <i>Рақамлар, тегишли йилларни кўрсатиш</i>	
<b>Самарасизликлар</b> <i>Рақамлар, тегишли йилларни кўрсатиш</i>	
<b>Даромадлар</b> <i>Рақамлар, тегишли йилларни кўрсатиш</i>	
<b>Ижтимоий босим</b> <i>Рақамлар, тегишли йилларни кўрсатиш</i>	

### 1.3.4. Инфратузилма таҳлили

НАТИЖАЛАР	ХУЛОСАЛАР
<b>Таълим инфратузилмаси</b>	
<b>Бор-йўқлиги</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Сифати</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Қамрови</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Бинога кириш имконияти</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Қуввати</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Интенсивлик</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Истиқболли</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>

НАТИЖАЛАР	ХУЛОСАЛАР
<b>Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси</b>	
<b>Бор-йўқлиги</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Сифати</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Қамрови</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Бинога кириш имконияти</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Қуввати</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>

<b>Интенсивлик</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Истиқболли</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>

<b>НАТИЖАЛАР</b>	<b>ХУЛОСАЛАР</b>
<b>Электр энергияси таъминоти инфратузилмаси</b>	
<b>Бор-йўқлиги</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Сифати</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Қуввати ва ишончилилик</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Прогноз</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

<b>НАТИЖАЛАР</b>	<b>ХУЛОСАЛАР</b>
<b>Ичимлик суви ва канализация инфратузилмаси</b>	
<b>Сув таъминотининг бор-йўқлиги</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Сув таъминоти билан қамраб олинганлик даражаси</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Сув таъминотининг ишончилиги</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Сув сифати</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Сувнинг йўқотилиши</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Сувдан фойдаланиш</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

<b>Санитария воситаларининг бор-йўқлиги</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
<b>Санитария хизмати билан қамраб олинганлик даражаси</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

НАТИЖАЛАР	ХУЛОСАЛАР
<b>Инфртузилма</b>	
(..) <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
(..) <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
(..) <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	
(..) <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

### 1.3.5. Экологик муаммолар таҳлили

НАТИЖАЛАР	ХУЛОСАЛАР
<b>Иқлим ўзгариши</b>	
<b>Сабабчилар</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Таъсирлар</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

НАТИЖАЛАР	ХУЛОСАЛАР
<b>Ифлосланиш</b>	
<b>Сабабчилар</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Таъсирлар</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

НАТИЖАЛАР	ХУЛОСАЛАР
<b>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш</b>	
<b>Сабабчилар</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	<i>Хулосалар ишлаб чиқиш</i>
<b>Таъсирлар</b> <i>Маълумотлар, фактлар келтириш</i>	

### 1.4. SWOT

Кучли жиҳатлар	Заиф томонлар
Имкониятлар	Таҳдидлар

### 1.5 Аниқланган муаммоларнинг умумий рўйхати

Худуд	№	Муаммо	Ечимлар	Қисқача тавсиф	Молиявий манба	Вақт оралиғи	Овозлар
Инфратузилмани ривожлантириш	1						
	2						
	3						
Хизматларни тақдим этиш	1						
Бизнес муҳити	1						
Кўникма ва малакалар	1						

### 1.6 Устувор муаммолар

1-муаммо	
Устувор муаммо	
Соҳа	
Ечимлар	
Мақсадли гуруҳ	
Молиявий манба	
Инвестицияларни молиялаштириш	
Амалга ошириш даври	
Сиёсат мақсадларига мувофиқлик	

### 1.7 Ташаббус гуруҳи аъзолари рўйхати

№	Иштирокчи	Ташаббус гуруҳидаги лавозими	Асосий иш жойидаги лавозими	Боғланиш маълумотлари
1				
2				
3				

## 2. АМАЛИЙ ҚИСМ

### 2.1. Суб-лойиҳалар

Суб-лойиҳа номи (а)

АСОСЛАБ БЕРИШ	
Қисқача тавсиф	Асослаш
Фотосуратлар	Фотосуратлар илова қилинг

ПАСПОРТ	
Мақсад	Маълумот келтириш
Натижалар	
Муддатлари	
Давомийлиги	
Инвестиция бюджети	
Амалга ошириш босқичлари	

УМУМИЙ ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШГА АЛОҚАДОРЛИК	
Жойлашув	Асослаш, ортиқча соҳаларни олиб ташлаш
Муқобил ҳудудлар	
Қўшни ҳудудларга таъсири	

УМУМИЙ ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШГА АЛОҚАДОРЛИК	
Жойлашув	Асослаш, ортиқча соҳаларни олиб ташлаш
Муқобил ҳудудлар	
Қўшни ҳудудларга таъсири	

МАҚСАДЛИ ГУРУҲ	
Асосий мақсадли гуруҳ	Тавсифлаш, ортиқча соҳаларни олиб ташлаш
Иккиламчи мақсадли гуруҳ	
Имкониятларни кенгайтириш	



БАРҚАРОРЛИК	
Аҳоли учун афзалликлари	Асослаш
Экологик барқарорлик	
Инфратузилмага эгалик қилиш	
Йиллик эксплуатация харажатлари	
Натижаларнинг барқарорлиги учун жавобгар	

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАЪСИРИ		
Ижтимоий таъсир	Тавсифини беринг	Баҳолашни келтиринг
Иқтисодий таъсир		
Экологик таъсир		

### Суб-лойиҳа номи (б)

(..)

### 2.2. Бюджет тузилмаси

No	Суб-лойиҳа номи	Умумий бюджети	n йил учун бюджет	n+1 йил учун бюджет	n+2 йил учун бюджет	Молиялаштириш манбаи
1	А суб-лойиҳа номи					
2	Б суб-лойиҳа номи					
	..					
	ЖАМ					





